

R 496  
1985/4



**ТУРКИСТОНДА СУҒОРИШ ИШЛАРИГА 50 МИЛЛИОН СЎМ ПУЛ  
ЧИҚАРИШ ВА СУҒОРИШ  
ИШЛАРИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА  
ДЕКРЕТ**

...Мирзачўлда 500 минг десятина ерни суғориш ва Мирзачўлнинг рўпара-  
сида Сирдарёнинг нариги қирғоғида жойлашган Далварзин чўлидаги 40  
минг десятина ерни ўз ичига олган ирригация системасини бош иншоотлар  
билан таъминлаш; Фарғона области Учқўрғон чўлидаги 10 минг десятина  
ерни суғориш ва ўша жойда 20 минг десятина ерда маҳаллий ариқлардан  
фойдаланишни тартибга солиш; ...учун 1918 йилда Туркистондаги Суғориш  
ишлари Бошқармасига Давлат Хазинаси маблағларидан 50 миллион сўм пул  
чиқарилсин...

**Халқ Комиссарлари Советининг Раиси  
В. УЛЬЯНОВ (ЛЕНИН)**





Тошкентдаги I-республика шифохонасининг туғруқхона бўлими врачси Шоира Исҳоқова чақалоқларга ҳамиша меҳрибон.



Болалар—келажакимиз!  
В. Дубровский фотолари



Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Абдуфаттоҳ Солиев бир неча йилдан бери Андижон область Бўз районидаги «Партия XX съезди» совхозида директор бўлиб ишламоқда. У совхоз фаоллари ва меҳнат ветеранлари билан тез-тез учрашиб, суҳбатлашиб туради.

Суратда: Абдуфаттоҳ Солиев пахта усталари А. Содиқов, Х. Урозов ва совхоз касаба союз ташкилоти раиси С. Акрамжонов билан суҳбатлашмоқда.

А. Тўраев фотоси.

ГБСС  
Ж



**КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари  
Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ**

# Михаил Сергеевич ГОРБАЧЕВ

Михаил Сергеевич Горбачев 1931 йил 2 март куни Ставрополь ўлкаси Красногвардейск районининг Привольное қишлоғида деҳқон оиласида туғилди.

1941—1945 йиллардаги Улуғ Ватан урушидан кейин кўп ўтмай у 15 ёшида меҳнат фаолиятини бошлади. Машина-трактор станциясида механизатор бўлиб ишлади. 1952 йилда КПСС сафига кирди. 1955 йилда М. В. Ломоносов номи Москва давлат университетини (юридик факультетни) таъмомлади, 1967 йилда эса Ставрополь қишлоқ хўжалик институтини битириб, олим-агроном-экономист ихтисосини олди.

1955 йилдан М. С. Горбачев — комсомол ва партия ишида, Ставрополь ўлкасида: ВЛКСМ Ставрополь шаҳар комитетининг биринчи секретари, ўлка комсомол комитети пропаганда ва агитация бўлими мудирининг ўринбосари, сўнгра эса ўлка комитетининг иккинчи ва биринчи секретари лавозимида ишлади.

1962 йил мартда М. С. Горбачев Ставрополь территориал-ишлаб чиқариш қолхоз-совхоз бошқармасининг партия ташкилотчиси қилиб кўтарилди, ўша йилнинг декабрида эса КПСС ўлка комитети партия органлари бўлимининг мудирини этиб тасдиқланди.

1966 йилнинг сентябрида у Ставрополь шаҳар партия комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди. 1968 йил августидан бошлаб М. С. Горбачев КПСС Ставрополь ўлка комитетининг иккинчи секретари бўлиб ишлади, 1970 йил апрелида эса КПСС ўлка комитетининг биринчи секретари қилиб сайланди.

М. С. Горбачев — 1971 йилдан буён КПСС Марказий Комитетининг аъзоси. Партиянинг XXII, XXIV, XXV ва XXVI съездлари делегати бўлди. 1978 йилда КПСС Марказий Комитетининг секретари, 1979 йилда КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидат қилиб сайланди. 1980 йил октябрида М. С. Горбачев КПСС Марказий

Комитети Сийёсий бюроси аъзолигига кандидатликдан Сийёсий бюро аъзолигига ўтказилди. 8—11 қақриқлар СССР Олий Советининг депутаты, Иттифоқ Совети Ташқи ишлар комиссиясининг раиси. 10—11 қақриқлар РСФСР Олий Советининг депутаты.

Михаил Сергеевич Горбачев — Коммунистик партия билан Совет давлатининг атоқли арбоби, партия топширган ҳамма лавозимларда ўзига хос ташаббус, ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қилиб келмоқда, ўз билимлари, бой тажрибаси ва ташкилотчилик истеъдодини партия сийёсатини турмушга татбиқ этишга сарфламоқда, улуг Ленин ишига, меҳнатқаш халқ манфаатларига садоқат билан хизмат қилмоқда.

Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги хизматлари учун М. С. Горбачев уч марта Ленин ордени, Октябрь революцияси, Меҳнат Қизил Байроқ, «Хурмат Белгиси» ордени билан медаллар билан мукофотланган.

## СОВЕТ ИТТИФОҚИ КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

1985 йил 11 март куни Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг навбатдан ташқари Пленуми бўлиб ўтди.

Марказий Комитет Сийёсий бюросининг топширувига биноан Пленуми КПСС Марказий Комитети Сийёсий бюроси аъзоси, Марказий Комитет секретари ўртоқ М. С. Горбачев очди.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси К. У. Черненко вафот этганлиги муносабати билан Пленум қатнашчилари бир дақиқа қайғули сукунат ичра Константин Устинович Черненко хотирасини хурмат билан эсга олдилар.

Пленум Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, бутун совет халқи оғир жудоликка учраганини уқтириб ўтди. Атоқли партия ва давлат арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, коммунизм ва ер юзида тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи К. У. Черненко ҳаётдан кўз юмди.

Константин Устинович Черненко бутун умрини Ленин партияси ишига, совет халқи манфаатларига бағишлади. Партия уни қаерга юбормасин, доимо у ўзига хос фидокорлик билан КПСС сийёсатини амалга ошириш учун курашди.

Ривожланган социализмни такомиллаштиришга, иқтисодий ва социал ривожланишнинг катта вазифаларини ҳал

этишга, совет халқининг фаровонлиги ва маданиятини оширишга, омманинг ижодий активлигини янада юксалтиришга, идеология ишини яхшилашга, интизом, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлашга қаратилган йўлни изчиллик билан ўтказишга Константин Устинович Черненко кўп эътибор берди.

Константин Устинович Черненко қардош социалистик мамлакатлар билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга, социалистик иқтисодий интеграцияни амалга оширишга, социалистик ҳамдўстлик позицияларини мустаҳкамлашга катта ҳисса қўшди. Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув янаши принциплари унинг раҳбарлигида қатъият ва изчиллик билан турмушга татбиқ этилди, империализмнинг агрессив шум ниятларига кескин зарба берилди, империализм авж олдиранган қуролланиш пойғасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини тугатиш, халқларнинг пухта хавфсизлигини таъминлаш учун тинимсиз кураш олиб борилди.

Коммунистик партияимизнинг бирлигини, Марказий Комитет ва унинг Сийёсий бюроси фаолиятининг коллектив характерини Константин Устинович Черненко кўз қорачиғидек ардоқлаб асради. Доимо у партия барча поғоналарда жипселашишган, аҳил ва жанговар организмдек иш кўришига интилди.

Коммунистларнинг фикр-ўйлари ва ишлари бирлигини у барча муваффақиятларимизнинг, камчиликларни тугатишнинг гарови, олға томон муттасил ҳаракат қилишнинг гарови деб билди.

Коммунистлар, бутун совет халқи шу қайғули кунларда партия Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварагида янада маҳкамроқ жипслашадилар, деб уқтирди Пленум. Совет кишилари партияни тўла асос билан жамиятнинг раҳбар ва йўналтирувчи кучи деб биладилар ҳамда КПССнинг ленинча ички ва ташқи сиёсатини амалга ошириш учун садоқат билан курашишга азму қарор берганлар.

Марказий Комитет Пленумининг қатнашчилари марҳумнинг қариндош-уруғларига ва ёр-биродарларига чуқур ҳамдардлик изҳор этдилар.

Марказий Комитет Пленуми КПСС Марказий Комитетининг Бош секретарини сайлаш тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

Сиёсий бюронинг топширувиغا биноан шу масала юзасидан Сиёсий бюро аъзоси ўртоқ А. А. Громико сўзга чиқди. У ўртоқ М. С. Горбачевни КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари этиб сайлашни таклиф қилди.

Пленум ўртоқ М. С. Горбачевни яқдиллик билан КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари қилиб сайлади.

Сўнгра Пленумда КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев нутқ сўзлади. У КПСС Марказий Комитети ўзига билдирган юксак ишонч учун чуқур миннатдорчилик изҳор этди, шу билан боғлиқ бўлган масъулият нақадар буюклигини жуда яхши тушунишини уқтириб ўтди.

Ўртоқ М. С. Горбачев партияимизга, халқимизга, улуғ Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш учун КПССнинг проگرامмавий йўл-йўриқлари муттасил амалга оширилиши, СССРнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини янада мустаҳкамлаш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, тинчликни мустаҳкамлаш вазифаларини ҳал этишда давомийлик таъминлашини учун, Коммунистик партия билан Совет давлатининг ленинча ички ва ташқи сиёсати сабот билан турмушга татбиқ этилиши учун бутун кучимни сарфлайман, деб КПСС Марказий Комитетини ишонтирди.

Шу билан Марказий Комитет Пленуми ўз ишини тамомлади.

## КПСС Марказий Комитети Бош секретари ўртоқ М. С. ГОРБАЧЕВнинг 1985 йил 11 мартда КПСС Марказий Комитети Пленумида сўзлаган нутқи

Азиз ўртоқлар!

Ҳаммамизнинг, партияимиз ва мамлакатимизнинг бошига оғир мусибат тушди. Содиқ ленинчи, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ва Совет давлатининг, халқаро коммунистик ҳаракатнинг атоқли арбоби, меҳрибон инсон ва зўр ташкилотчилик истеъдоди соҳиби — Константин Устинович Черненко ҳаётдан кўз юмди.

Константин Устинович катта ва шонли ўзлини босиб ўтди. Партия унга топширган ҳар бир участкада унинг истеъдоди, одамлар билан ишлаш маҳорати тобора тўлиқроқ намоян бўлаверди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимида Константин Устинович Черненко ўзининг бутун кучи ва билимини мамлакат эконимикасини ривожлантиришга, халқ фаровонлиги ва маданиятини ўстиришга, Ватан хавфсизлигини таъминлашга, ер юзиде тинчликни сақлаб қолиш ва мустаҳкамлашга сарфлади.

Константин Устинович Черненко Коммунистик партиянинг бирлигини, Марказий Комитет ва унинг Сиёсий бюроси фаолиятининг коллектив характерини кўз қорачигидек ардоқлаб асради. У доимо партия барча

поғоналарда жипслашган, аҳил ва жанговар организмдек иш кўришига интилди. Коммунистларнинг фикр-ўйлари ва ишлари бирлигини у муваффақиятларнинг, камчиликлар тугатилишининг гарови деб, олға томон муттасил қиладиган ҳаракатимизнинг гарови деб билди.

XXVI съезда, Марказий Комитетнинг кейинги Пленумларида Юрий Владимирович Андропов билан Константин Устинович Черненконинг фаол иштирокида ишлаб чиқилган стратегик йўл ўзгармас йўл бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади. Бу — мамлакатни социал-иқтисодий жиҳатдан ривожлантиришни жадаллаштириш, жамият турмушининг барча соҳаларини такомиллаштириш йўлидир. Бунда гап ишлаб чиқаришнинг моддий-техника базасини тубдан ўзгартириш тўғрисида бормоқда. Гап ижтимоий муносабатлар, аввало, иқтисодий муносабатлар системасини такомиллаштириш ҳақида бормоқда. Гап инсоннинг ўзини камол топтириш ҳақида, унинг турмуши ва меҳнати моддий шароитларини, унинг маънавий кифасини сифат жиҳатидан яхшилаш тўғрисида бормоқда.

Биз халқ хўжалигини интенсив ривожла-

ниш изларига ўтказишда ҳал қилувчи бурилишга эришишимиз лозим. Биз қисқа муддатларда энг илғор илмий-техникавий позицияларга, ижтимоий меҳнат унумдорлигининг жаҳондаги олий даражасига чиқиб олишимиз лозим ва шундай қилишга мажбурмиз.

Бу вазифани муваффақиятлироқ ва тезроқ ҳал этиш учун хўжалик механизмини ва бутун бошқарув системасини бундан буён ҳам сабот билан такомиллаштириш зарур. Биз шу йўлдан бориб, энг мақбул ечимларни танлаб, социалистик хўжалик юртишнинг энг асосий принципларини ижодий қўлланишимиз муҳимдир. Бу — эконимикани планли ривожлантиришни муттасил амалга ошириш, социалистик мулкни мустаҳкамлаш, корхоналарнинг ҳуқуқларини кенгайтириш, мустақиллиги ва масъулиятини ошириш, уларнинг пировард иш натижаларидан манфаатдорлигини кучайтириш демакдир. Бу бутун иқтисодий тараққиётни пировард натижада совет кишилари манфаатларига бўйсундириш демакдир.

Партия ўзи ишлаб чиққан социал сиёсатни муттасил ўтказиб беради. Програмаимизга ёзиб қўйилган — «Ҳамма нарса инсон

учун, инсоннинг бахт-саодати учун», деган қоида тобора чуқур ва аниқ-равшан мазмун билан тўлиб бориши лозим. Инсоннинг турмуш шароитлари яхшиланиши унинг умумий ишга тобора кўпроқ ҳисса қўшишига асосланиши кераклиги равшан. Шу принципдан четга чиқашга йўл қўйилган жойларда социал адолатга муқаррар ҳилофлик содир бўлади. Социал адолат эса социалистик жамяят бирлиги ва барқарорлигининг энг муҳим омилдир.

Партия демократияни, халқ социалистик ўз-ўзини бошқаришининг бутун системасини янада такомиллаштириш ва ривожлантиришни ички сиёсатининг туб вазифаларидан бири деб билади. Бу соҳадаги вазифалар кўп қирралидир. Шу жиҳатдан кўп иш қилинмоқда. Советларнинг ролини янада ошириш, касаба союзларини, комсомолни, халқ контролини, меҳнат коллективларини активлаштириш назарда тутилади. Аммо келгусида шу пайтгача белгилаб қўйилган соҳаларда ҳам, янги соҳаларда ҳам сабот билан иш қилиниши лозим.

Социалистик демократияни чуқурлаштириш ижтимоий онгни ошириш билан чамбарчас боғланган. Тарбиявий ишининг самарадорлиги аввало, ишчилар, колхозчилар, зиёлиларнинг катта ва кичик проблемаларни ҳал этишда қандай қатнашаётганликларида, улар қандай меҳнат қилаётганликларида, камчиликларни тугатиш учун қандай курашаётганликларида намоён бўлмоқда. Бутун идеологик фаолиятнинг натижалари совет кишиларининг меҳнат ғайратини ва социал активлигини ошириш, интизомни мустаҳкамлаш, ватанпарварлик ва интернационализм руҳидаги тарбия — бутун идеология фаолиятининг муҳим вазифасидир.

Шу билан бирга бундан буён ҳам янада тартиб ўрнатиш, турмушимизни ёт ҳодисалардан, жамяят ва унинг граждандари манфаатларига ҳар қандай ҳамлалардан тозалаш, социалистик қонунчилиكنи мустаҳкамлаш юзасидан қатъий чоралар қўрилаверади.

Биз партия, совет, давлат ва жамоат ташкилотларининг ишидаги ошқораликни бундан буён ҳам кенгайтиришимиз лозим. В. И. Ленин давлат омнининг онглилиги билан кучли, деган эди. Бизнинг тажрибамиз бу хулосани тўла-тўқис тасдиқлади. Одамлар нақадар яхшироқ хабардор бўлсалар, шу қадар онгли равишда ҳаракат қиладилар, партияни, унинг режалари ва программаларини мақсадларини активроқ қўллаб-қувватлайдилар.

Ташқи сиёсат соҳасидаги йўлимиз равшан ва изчилдир. Бу — тинчлик ва тараққиёт йўлидир.

Энг ақин сафдошларимиз ва иттифоқчиларимиз — улуг социалистик ҳамдўстлик мамлакатлари билан қардошларча дўстликни ардоқлаш ва ҳар томонлама мустаҳкамлаш — партия билан давлатнинг энг биринчи вазифасидир. Биз социалистик давлатлар билан ўзаро алоқаларни кенгайтириш учун, жаҳон ишларида социализмнинг роли ва таъсирини ошириш учун ўзимизга боғлиқ бўлган ҳамма ишни қилаверамиз. Биз Хитой Халқ Республикаси билан муносабатларни жиддий равишда яхшилашни истаёмиз ва ўзаро хоҳиш бўлган тақдирда бунга бемалол эришиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.

Совет Иттифоқи халқларнинг мустамлакачилик зулмидан озод бўлиш йўлидаги курашини қўллаб-қувватлаб келди. Ҳозир ҳам биз ўз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва социал янгилаш йўлидан бораётган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатларига хайрихоҳмиз. Биз учун улар — мустаҳкам тинчлик учун, халқлар ўртасида яхши, одилона муносабатлар учун курашда дўст ва ҳамқордирлар.

Капиталистик давлатлар билан муносабатларга келганда қуйидагиларни айтиб ўтмоқчиман. Биз ленинча тинчлик ва тинч-тотув яшаш йўлидан қатъият билан борамиз. Совет Иттифоқи ҳолис ниятга ҳамisha ҳолис ният билан, ишончга ишонч билан жавоб беради. Аммо биз Ватанимизнинг ва унинг

иттифоқчиларининг манфаатларидан ҳеч қачон воз кечмаслигимизни ҳамма билиб қўйиши керак.

Биз халқро кескинликни юмшатиш соҳасида 70-йилларда эришилган муваффақиятларни қадрлаймиз ва давлатлар ўртасида тенг ҳуқуқлилик, ўзаро ҳурмат ва ички ишларга аралашмаслик негизларидаги тинч, ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш жараёнини давом эттиришда қатнашишга тайёрмиз. Гитлерчилар фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган Улуг Ғалабанинг қирқ йиллигини бу соҳада янги қадамлар қўйиш билан муносиб нишонлаш мумкин бўлур эди.

Илгари ҳеч қачон инсоният боши узра шу кунлардагидек даҳшатли ҳавф пайдо бўлмаган эди. Вужудга келган ахволдан қутулишнинг бирдан бири оқилона йўли — қаршима-қарши турган кучларнинг Ерда қуролланиш пойғасини — аввало ядро қуроллари билан қуролланиш пойғасини дарҳол тўхтатиш ва космосда қуролланиш пойғасига йўл қўймаслик ҳақида бир битмага эришишларидан иборат. Инкинчи томонни «доғда қолдириш» га уринмай ва унга ўз шартларини буюрмай, ҳалол ва тенг ҳуқуқли асосда битмага эришиш, эзгу мақсад — ядро қуроллини батамом тугатиш ва абадий тақиқлаш, ядро уруши хавфини батамом йўқотиш сари олга силжишда ҳаммага ердан берадиган битмага эришмоқ керак. Бунга бизнинг ишончимиз қомил.

Эртага Женевада СССР билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида музокаралар бошланади. Совет Иттифоқининг бу музокарага қандай йндаиши яхши маълум. Шунга яна бир қарра таъкидлаб ўтмоқчиман: биз Қўшма Штатлардан, НАТО мамлакатларидан бир ёқлама афзалликка эришишга, улардан ҳарбий устунликка интилаймиз, биз қуролланиш пойғасини давом эттиришни эмас, балки тўхтатишни хоҳлаймиз — аини шунинг учун ҳам ядро қуролларини кўпайтирмасликни, ракеталарни бундан буён жойлаштиришни тўхтатишни тақлиф қиляпмиз; биз хоҳ космосда бўлсин, хоҳ Ерда бўлсин қуролларнинг тобора янги системаларини яратишни эмас, балки ҳамлаб қўйилган қурол-яроғларни ҳақиқатан ва катта миқдорда қисқартиришни хоҳлаймиз.

Женевадаги музокарадошларимиз Совет Иттифоқининг позициясини тугуниб, шунга мувофиқ иш тутишларини хоҳлар эдик. Шунда бир битмага эришиш мумкин бўлур эди. Жаҳон халқлари энгил нафас олган бўлур эдилар.

КПСС — ўз табиғатига кўра интернационал партиядир. Бизнинг чет эллардаги маслақдошларимизнинг ишончи қомил бўлаверсин: Ленин партияси тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда, ҳамisha бўлганидек, қардош коммунистик, илчи, революционер-демократик партиялар билан мустаҳкам ҳамкорлик қилаверади, барча революцион кучларнинг бирлиги ва актив баҳамжиҳат ҳаракат қилиши учун курашаверади.

Уроқлар! Олдимизда турган мураккаб вазифаларнинг ҳал этилиши партияни янада мустаҳкамлашни, унинг сафарбар этувчи ва раҳнамолик ролини оширишни тақозо этади. КПСС ҳамisha Лениннинг принципиал сиёсат — бирдан-бир тўғри сиёсатдан, деган фикрига амал қилиб келди ва шу фикрга амал қилаверади. Коллектив бўлиб ишлаб чиқиладиган бу сиёсат изчиллик билан муттасил амалга оширилаверади. Партия — мамлакатдаги барча синф ва социал гуруҳларнинг, ҳамма миллат ва элатларнинг манфаатларини эътиборга олишга, уларни бир бутун қилиб жиқслаштиришга, халқнинг куч-ғайратини коммунистик бунёдкорликнинг муштарак ишига сафарбар этишга қодир бўлган кучнинг ўзидир.

Партиянинг сиёсати ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифоқини мустаҳкамлашга, улуг кўп миллатли давлатимиз халқларининг дўстлигини муттасил мустаҳкамлашга қаратилиб келди ва шундай бўлиб қолади.

КПСС ёшларнинг ижодий ташаббусини

ҳар томонлама ривожлантиришда, хотин-қизларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш ҳақида, уруш ва меҳнат ветеранларининг талаб ва эҳтиёжлари тўғрисида раҳмўрлик қилаверади.

Мураккаб халқро вазиятда Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини ҳар қачонгидан ҳам юксак даражада сақлаш муҳимдир. Потенциал агрессорлар шунга яхши билиб қўйсиналар: Совет мамлакатаи ва унинг иттифоқчилари ҳавфсизлигига, совет кишиларининг тинч турмушига қилинадиган ҳамлага қақшатиқ жавоб зарбаси берилади. Шонли Куролли Кучларимиз бунинг учун келгусида ҳам зарур нарсаларнинг ҳаммаси билан таъминланаверади.

Ҳозир КПСС XXVII съездида тайёрларлик ишлари кенг миқёсда авж олдириб юборилган. Бу съездда партиянинг янги тахрирдаги Программаси қўриб чиқилди, мамлакатни ривожлантиришнинг келгуси беш йилликдаги ва 2000 йилгача бўлган истиқболлари белгиланади.

Юқоридан қуйиғача барча партия ташкилотларининг қизгин, ижодий ишлашини замон талаб қилмоқда. Барча участкаларда, ҳамма ерда ва ҳар ишда коммунистлар граждандлик бурини адо этиш, жамяят манфаатлари йўлида виждонан меҳнат қилиш, ҳамма жойда ленинча иш услубини қарор топтириш намунаси бўлишлари керак. Бу гап аввало партия кадрларига, партия ва давлат раҳбарларига тааллуқлидир. КПСС талабчанликни кучайтириш, топширилган иш учун масъулиятни ошириш йўлини изчиллик билан ўтказаверади.

Марказий Комитет аъзолари, область комитетларининг биринчи секретарлари, Пленумнинг ҳамма қатнашчилари Пленум туугагач, жойларга бориб янги ғайрат билан ишга киришадилар. Қилинадиган ишлар эса кўп. Аввало, бу йилги иктисодий ва социал ривожланиш планларини бажариш соҳасидаги ишни муваффақиятли тугалаш ва шу тариқа навбатдаги беш йилликни дадил бошлаш учун замин яратиш керак.

Қаҳратон қиш бир қанча тармоқлардаги план топшириқларининг амалга оширилишига бирмунча ҳалақат берди. Винобарин, ҳозир шайланб, резервларни сафарбар этиш, бутун кучни тўплаб, қилинмай қолган ишларни етказиб олиш ва йил охиригача белгиланган марраларга чиқиш лозим.

Уроқлар, коммунистларнинг сафлари нақадар қудратли ва метиндек кучли эканини, совет халқимиз нақадар жиқслашган ва яқдил эканини шу кунларда янада яхшироқ ҳис этиямиз. Яқинда бўлиб ўтган сайловда совет кишилари партияси билан давлатимизнинг йўлини яқдиллик билан қўллаб-қувватлашларини яна бир бор изҳор этдилар. Бу қўллаб-қувватлаш бизга илҳом беради ва зиммамизга масъулият юқлайди.

Бугун Марказий Комитет Пленуми менинг зиммамга КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари бўлишдек мураккаб ва катта вазифани юқлади. Менга билдирилган ишонч нақадар буюклигини ва у билан боғлиқ бўлган масъулият нақадар катталигини яхши тугунаман. Келгусидаги ишда Сийсий бюро аъзоларининг, Сийсий бюро аъзолигига кандидатларнинг ва Марказий Комитет секретарларининг, умуман партия Марказий Комитетининг мадади ва актив ёрдамига умид қиламан. Сизларнинг кўп қиррали тажрибангиз — халқимиз тарихий тажрибасининг йиғиндисидир. Уроқлар, партиямига, халқимизга, улуг Ленин ишига садоқат билан хизмат қилиш учун бутун кучимни сарфлайман, деб сизларга ваъда қиламан.

Марказий Комитет теваригаги жиқслашган халқ ва партия КПСС XXVII съездида ҳозирлик қўрар экан, совет Ватанимиз янада бадавлат ва бақувват бўлиши учун, социализмнинг бунёдкорлик кучлари янада тўлиқроқ намоён бўлиши учун ҳамма ишни қиладилар, деб ишонч билдиришга руҳлат эттайсизлар.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети  
Президиуми, СССР Министрлар Советининг  
Коммунистик партияга, совет халқига

# МУРОЖААТИ

Азиз ўртоқлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет давлати, бутун совет халқи оғир жудоликка учради. Партия ва давлатнинг атоқли арбоби, ватанпарвар ва интернационалист, ер юзида коммунизм ва тинчлик идеалларининг тантанаси учун изчил курашчи Константин Устинович Черненко вафот этди.

Константин Устинович Черненконинг бутун ҳаёти Ленин партиясининг ишига, совет халқининг манфаатларига хизмат қилишга бағишланган эди. Партия юборган ҳамма жойда у ҳамиша ўзига хос фидокорлик билан КПСС сиёсатини амалга ошириш учун курашди. У эллик йилдан ортиқ партия сафида бўлди.

К. У. Черненко чегара заставасининг комсомол раҳбари ва партия ташкилотчиси вазифасидан КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси лавозимигача бўлган ҳаёт йўлини босиб ўтди. Унинг Ленин типидagi ташкилотчи, раҳбар сифатидаги таланти партия ва давлатдаги юқори лавозимларда тўлиқ намоён бўлди. К. У. Черненко бошчилигидаги партия Марказий Комитети, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси меҳнаткашларни КПСС XXVI съезди, Марказий Комитет кейинги Пленумлари қарорларини бажаришга сафарбар этиш соҳасида катта ва самарали иш қилдилар.

Ривожланган социализмни такомиллаштириш, иқтисодий ва



соҳалар ривожланиш соҳасидаги ирриқ вазифаларни ҳал этиш, совет халқининг фаровонлигини ошириш, омманинг ижодий активлигини янада юксалтириш, идеологик ишни яхшилашга қаратилган йўл изчилик билан амалга ошириб келинди. Интизом, қонунчилик ва тартибни мустаҳкамлаш, кадр сиёсати, Советларнинг, комсомол, халқ контролнинг фаолиятини кучайтириш, мактаб ислоҳоти, адабиёт ва санъатнинг ижтимоий ролини юксалтириш масалалари ҳамisha партиянинг бадиққат марказида турди. КПССнинг навбатдаги XXVII съездида тайёргарлик, КПССнинг янги тахрирдаги Программасини ишлаб чиқиш соҳасида актив иш олиб борилмоқда.

Халқаро майдонда партиянинг куч-ғайрати қардош социализм мамлакатлари билан ҳар томонлама ҳамкорликни янада ривожлантиришга қаратилди. Социалистик иқтисодий интеграциянинг янги bosқичига ўтиш, социалистик ҳамдўстлик позицияларини мустаҳкамлаш К. У. Черненконинг фаолияти билан болганган.

КПСС Марказий Комитети, Совет давлати турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаш принципини қатъият ва изчилик билан ўтказиб келдилар, империализм энг реакция доираларининг агрессив ниятлари ва интилишларига қарши қатъий ҳаракат қилдилар, империализм томонидан тикиштирилган қуролланиш пойгасини тўхтатиш, ядро уруши хавфини йўқотиш, халқларнинг мустаҳкам хавфсизлигини таъминлаш учун тинмай курашдилар.

Оғир мусибат муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети коммунистларга, совет халқига мурожаат қилиб, партиянинг ленинчи Марказий Комитети ва унинг Сиёсий бюроси теварагига янада маҳкам жипслашга даъват этадилар. Мамлакатимизнинг меҳнаткашлари Совет Иттифоқи Коммунистик партиясини совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи деб билиш учун ҳамма асосларга эгадирлар. Партиянинг бутун иши ва режалари совет халқининг туб манфаатларига, коммунизм ишига фидокорона хизмат қилишга қаратилган.

КПСС абадий барҳаёт революцион марксча-ленинча таълимот билан қуролланган. У Ленин кўрсатиб берган йўлдан оғишмай бормоқда ва ҳеч қачон бу йўлдан четга чиқмайди.

Партия бундан буён ҳам ривожланган социализмни ҳар томонлама такомиллаштириш йўлини ўтказаверади. У экономикани интенсивлаш, фан-техника тараққиётини бутун чоралар билан жадаллаштириш асосида халқнинг моддий ва маданий турмуш даражасини янада оширишни ўз фаолиятининг олий мақсади деб билади. Ҳаётимизнинг ҳамма соҳаларида социализмга хос бўлган социал адолат принципи зўр қатъият билан тўлиқ амалга оширилаверади, мамлакат меҳнаткашлари маъқуллаган ва қўллаб-қувватлаган йўл — интизомни, тартибни, уюшқоқликни мустаҳкамлаш йўли тинмай давом эттирилаверади. Партия ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар ва зиёлиларнинг иттифонини, жамиятимиз ҳаёт фаолиятининг негизи бўлган совет халқларининг қардошларча дўстлигини бундан буён ҳам мустаҳкам-

лайверади, социалистик демократияни ривожлантиришда, Партия марксча-ленинча эътиқодни, коллективчилик, ватанпарварлик, пролетар социалистик интернационализмни совет кишиларнинг олий маънавий бойлиги деб ҳисоблаб келмоқда.

КПСС, Совет давлати социалистик ҳамдўстликни мустаҳкамлаш, жаҳон миқёсида социализм мавқеларини кучайтириш учун, ядро ҳалокатининг олдини олиш ва мустаҳкам тинчликни таъминлаш учун мумкин ва зарур бўлган ҳамма чораларни кўрдилар ва кўрмоқдалар. Виз қуролланиш пойгасининг тўхтатилишини, космоснинг ҳарбийлаштирилишига йўл қўймасликни истаймиз ва шунга эришмоқ учун сабот-ҳаётон билан ҳушқотиб килмоқдамиз. Бизнинг пировард мақсадимиз — планетанинг ҳамма жойида ядро қуролларини бутунлай тугатишдан, ядро уруши хавфини тамомила йўқотишдан иборат. Совет Иттифоқи амалий музокаралар олиб боришга, халқаро кескинликни юмшатишга, барча халқлар ва давлатлар ўртасида ишонч, ҳамкорлик ҳамда ҳамжиҳатлик муҳитини вужудга келтиришга олиб борадиган амалий чоралар кўрилишини доимо ёқлаб келди ва ёқлаб келмоқда.

Совет Иттифоқи ҳеч кимга таҳдид қилмаётир ва ҳарбий устунликка интилмаётир. Аммо у бошқа бирон мамлакат ёки давлатлар коалициясининг шундай устунликка эга бўлишига йўл қўймайди. Шу боисдан биз бундан буён ҳам ҳушёрликни тинмай ошираверамиз, социалистик Ватанимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлайверамиз.

Виз озодлик ва миллий мустақиллик учун курашаётган халқларга хайрихоҳмиз ва уларни қўллаб-қувватлаймиз. КПСС тинчлик ва социал тараққиёт учун курашда халқаро коммунистик ва ишчилар ҳаракати кучларини ҳар томонлама жипслаштиришдан иборат изчил йўлга доим содиқдир.

Партиянинг мақсадлари аниқ-равшан ва олижанобдир. Бу мақсадлар КПССнинг меҳнаткашлар ўртасида чексиз ишонч қозонишини таъминлади. Партия халқ билан бирлиги туфайли кучлидир. Халқ партия билан бирлиги ва унинг раҳбарлиги туфайли кучлидир.

Ўзининг бутун ҳаётини партияга, совет халқига садоқат билан хизмат қилишга бағишлаган Константин Устинович Черненко коммунистларнинг, барча совет кишиларининг хотирасида ҳамisha сақланиб қолади. У марксча-ленинча идеяларнинг оташин пропагандисти, меҳрибон ва талабчан раҳбар, меҳнат аҳлининг эҳтиёжлари ва ташвишларига зўр эътибор ва сезгирлик билан қараган инсон сифатида хотирамизда сақланиб қолади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети комил ишонч билан айтадиларки, коммунистлар, барча совет кишилари юксак онглилик ва уюшқоқлик намуналарини кўрсатиб, янада зўр ғайрат ва фидокорлик билан меҳнат қиладилар. Ватанимизнинг иқтисодий ва мудофаа қудратини мустаҳкамлайдилар, Улуг Октябрь байроғини муносиб равишда баланд кўтариб бордилар.

Бутун деҳқончилик тажрибаси шуни кўрсатиб турибдики, ерни алдаб бўлмайди. Ерни алдаган, аввало ўзини алдайди.

Ердан самарали фойдаланиш — қишлоқ хўжалигини интенсивлашнинг бош йўли.

И. Б. УСМОНХУЖАЕВ

(Республика қишлоқ хўжалиги  
ходимлари курултойида  
қилинган докладдан).

# Ш И Ж О А Т

САФАР анжомларини жойлаштириб бўлган йўловчиларнинг суҳбати кизгин. Купемизда қотмадан келган, ўрта яшар, табиатан чайир киши ҳаммамизни оғзига қаратиб келаяпти. Енимда ўтирган қоп-қора соқолли, кўзлари қақноқ, ҳаракатчан, қишлоқ табиати киши ўриндиққа чордона қуриб, янгина дамлаб келтирилган чойни шопириб-шопириб кўнгли тўлғач, навбат билан чой узатди. Суҳбат мавзуси чўлқуварлар ҳақида. Шу мавзуда гап очган ҳам ўша чайир кишининг ўзи. Асли андижонлик, Тошкентда истикомат қилар экан. Икки укаси бир гуруҳ дўстлари билан Жиззах чўлларини ўзлаштиришга отланибди. Бу киши уларни кузатиб қайтмоқчи.

— Қарши магистрал канали қурилишида

иштирок этганман. Қўлимдан келмайдиган хунар йўқ. Асли касбим бульдозерчилик, кўтарма кранларни бошқариш бўйича мутахассислигим ҳам бор, қурувчилик, дурадгорликнинг ҳам ҳадисини олганмиз...

Ҳамсуҳбатлар учун бу кишининг ҳа деб, ўзи ҳақида гапирётгани эришроқ туюлди шекилли, ёнида ўтирган, семизлигидан кўзлари қисилиб кетган киши соқолли шеригига кўз қисган бўлди.

— Кечирасиз, ука, ўзингизни танитмадингиз ҳам, ҳалидан бери чўл, чўл дейсиз, у-бу нарсали бўлиб қайтдингизми ўзи?

Ҳамсуҳбатимизнинг исми Абубакир экан. У қочирини сезмади, севса ҳам билдирмади. Яна кўйини тушунтира кетди.

— У ерларга ёшлик шижоати билан борганмиз-да, бунга ҳам қарийб ўн йиллар бўлди. У-бу нарса дейсиз, инсон фақат шу нарсалар учун дунёга келмаган-ку. Орамизда сиз ўйлагандек одамлар ҳам йўқ эмасди. Икки, уч ҳафтадаёқ баҳонасини қилиб, жуфтанки ростлашди. Чўлда ишлаш ҳаммининг ҳам қўлидан келвермайди. Топширикларни адо этиб қайтдик, очигини айтганда, у ерда ишлаб кам бўлганим йўқ, бир қанча оккўнгил дўстлар, хунар орттирдим, оилавий шароитим ҳам ҳеч кимникидан кам эмас. Ўғлимни уйли-жойли қилдим, қизим ўқияпти. Энг асосийси, ўзганинг ҳақиқа хийнат қилмай яшаётганлигимдан хурсандман. Чўл ўз номи билан чўл, чўлқувар билан пулқуварларни ажрата билиш керак!

Абубакир ака бу сўзларни кўксини тўлдириб, гуркирок овозда айтди. Гап эгасини топган эди. Семиз киши юзини ойнага бурди, ташқарига аллақачон кишининг сўнгги окшоми ёйла бошлаган эди.

Абубакир ака билан вагон йўлагига чиқдик. У телевизор орқали юрдошларимизнинг қўриқ, бўз ерларни ўзлаштиришга отланаётганликларини эшитиб, хурсанд бўлганлигини айтди. Яна чўл ҳаёти ҳақида сўзлашдик.

— Қарши магистрал каналининг биринчи навбати ишга туширилгандан сўнг ишларимиз юришиб кетди, — дейди у. — Кетма-кет 1-ва 4-насос станцияларида дастлабки агрегатлар монтаж қилинди. Қудратли электр подстанциялари ишга туширилди. Қилинган ишларнинг аҳамиятини тасаввур қиласизми? Амударёнинг ҳаётбахш суви Қарши чўли бағрида — Ульянов ва Қарши каналларининг ўзанига сигмай қолган ҳаммамизни қувонтирди. Бу ўлик даштларга ҳаёт ато этиш эди. Инсоннинг ўз меҳнат самарасидан лаззатланишидан ортқирок қувонч бўлмаса керак.

Ҳамроҳимнинг ўз ҳаётидан мамнунлиги сезилиб турар, у бугун ўзидаги шу ҳароратни, завқ-шавқни укаларига юқтириш учун атайлаб йўлга чиққанди эди. Шундай кезларда ўз қобилигига ўралашиб қолган

кишиларнинг маънавий олами нақадар қашшоқлигини афсусланиб эслайсан киши.

Суҳбатдошим: «Киши ўз меҳнатидан лаззатлана билиши керак», деганида ўн чандон ҳақ эди. Зеро, яхшироқ меҳнат қилиш — яхшироқ яшашнинг муҳим омилли эканлиги оддий ҳақиқат-ку!

Поезд манзил сари ошиқар, ойнадан кўройдинда олачалоқ қор кўйнида мудраб ётган далаларнинг этаклари лип-лип этиб кўзга чалинар эди. Абубакир ака ишдан тўғри поездга чиққанлигини айтиб узр сўради. Мени эса, Мирзачўл, Жиззах, Қарши чўлларини ўзлаштиришга амалий ёрдам бериш учун отланган Фарғона водийсининг ёш чўлқуварлари орасидан ҳам Абубакир акага ўхшаганларни учратиш, улар билан суҳбатлашиш, қалб ойнасига разм солиш ҳаёллари ўз гирдобига тортди.

\* \* \*

Норин районидаги Карл Маркс номи колхоз раисининг маданий ишлар бўйича ўринбосари бўлиб ишлаган Абдуваҳоб Норкуловнинг асли касби — агроном. У 1978 йили Тошкент Қишлоқ хўжалиги институтини тугатгандан сўнг, аспирантурада таҳсил кўрган. Аини пайтда «Ўсимликларни қишлоқ хўжалиги зараркуналарида ҳамма қилишининг биологик усули» мавзусида илмий изланишлар олиб бораётган экан. У умр йўлдоши, икки фарзанди ва бир гуруҳ тенгдошлари билан аллақачон чўлга жўнаб кетибди.

«Деҳқончилик оиламиздагиларнинг жониди. Икки акам Марказий Фарғона массивида ташкил этилган Комсомолобод районида меҳнат қилишади. Қўриқ ерларни ўзлаштириш иштиёқи улардан юкдан бўлса керак. Бу ерда ҳам ишларим ёмон эмас эди. Менимча, гап яхши жойни танлаб ишлашда эмас, балки танланган жойни яшатиб яшашда. Илмий ишим ҳам ниҳоятла яқин қолди. Энди олган билимимни, куч-ғайратимни чўлда сынаб бўлмоқчиман».

Ёш коммунист Абдуваҳоб Норкуловнинг қалб сўзлари унинг чўлга отланаётиб, област газетаси орқали тенгдошлари қилган муурожаатида шундай акс этган эди.

Раҳматулла Йўлдошев ҳам Абдуваҳобнинг издошларидан бири. У 23 баҳорни қаршиляпти. Комсомол аъзоси. Ҳарбий хизматни битириб қайтган, бир неча йил Янгикўрғон район электр тармоқлари идорасида шофёр бўлиб ишлади. Болалик йиллари отаси Муродали Йўлдошевга ҳамкорлашиб «Гулшан» совхозининг далаларида ўтди. Отаси дастлаб совхозда тракторчилик қиларди. Раҳматуллада техникага ҳавас уйғонди. Кейинчалик ўзи ҳам ҳайдовчилик гу-

(давоми 10-бетда)

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг  
ойлик ижтимоий - сиёсий,  
адабий - бадий журнали

№ 4 (422)

Апрель  
1985



Журнал 1925 йилдан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Компартияси  
Марказий Комитетининг наشريёти



Тошкент, 1985 йил 2 март. В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройи. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимлари курултойи президиуми.

В. Молгачев ва С. Маҳкамов фотоси

# ЗАМОН ТАЛАБИ

Шу йил 2 март куни Тошкентда — В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройида республика қишлоқ хўжалиги ходимларининг курултойи бўлди. Ўзбекистоннинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон АССРдан келган пахтакорлар, ғаллакорлар, қишлоқ хўжалиги бошқа тармоқларининг ходимлари ўтган йилги иш якунларини атрофлича муҳокама қилиш, КПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг 1984 йилги Октябрь пленуми қарорларида, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми материалларида баён этилган қоида ва ҳулосалар асосида беш йилликнинг якунловчи йили

вазифаларини белгилаб олиш учун бу ерга тўпландилар. Курултойда қардош пахтакор республикалар — Озарбойжон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистондан келган мусобақадор дўстларнинг делегациялари ҳам иштирок этдилар. Курултойни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси О. У. Салимов очди. 1984 йил якунлари ҳамда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI Пленуми қарорлари асосида 1985 йилги планларни ва социалистик мажбуриятларни бажариш юзасидан республика колхозлари, совхозлари, агросаноат комплекси бошқа корхоналарининг вазифалари ҳақида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи

секретари И. Б. Усмохўжаев доклад қилди. — Ун биринчи беш йилликнинг якунловчи йили — 1985 йил шонли воқеаларга бой. Мамлакатимиз ленинчи партияимизнинг XXVII съездини, Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабанинг 40 йиллиги, стахановчилик ҳаракати бошланганлигининг 50 йиллигини муносиб кутиб олиш иштиёқи билан яшамокда, — деди докладчи. — Иттифоқдош ва автоном республикаларнинг Олий Советларига ҳамда маҳаллий Советларга яқинда бўлиб ўтган сайлов Коммунистик партия ва совет халқининг метиндек жипслигини яна бир бор намоиш этди. Партияимиз мамлакатни иқтисодий ва социал тараққий эттириш тадбирларини белги-

лашда экономиканинг аграр секторини янада интенсив ривожлантиришга алоҳида аҳамият бераётир. Буни республикаимиз мисолида ҳам яққол кўриш мумкин. Кейинги тўрт йил ичидаёқ республика қишлоқ хўжалиги комплексини ривожлантиришга 10 миллиард сўм давлат капитал маблағи сарфланди. Уртоқ И. Б. Усмохўжаевнинг еркин ва таъсирчан докладыда босиб ўтилган йўллар юксак талабчанлик руҳида баҳоланди, бундан буёнги амалий вазифалар аниқ белгилаб берилди. Хусусан, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI Пленуми экономикаимиз, айниқса қишлоқ хўжалиги соҳаси партия талабидан анча орқада қолганини рўйи рост очиб ташлади. Бу хато ва камчиликларга барҳам бериш учун ҳамма бир ёқадан бош чиқариб, бутун куч-ғайратни сафарбар этиши лозимлиги алоҳида уқтирилди. Матълумки, деҳқончилик маданиятини ошириш ва чорвачиликни ривожлантиришда алмашлаб экишнинг аҳамияти катта. Бундан кейин колхоз ва совхозларнинггина эмас, балки район ва область раҳбарларининг партиявий етуқлигига алмашлаб экишни қай даражада жорий этаётганига қараб баҳо берилади. Ғўзанинг янги, серҳосил, тезпишар навларини яратиш — пахтачиликни ривожлантиришнинг муҳим шarti. Бу борада олимлар пахтакорлар олдида ҳали қарздорлар. Докладчи, шунингдек, пахтани машинада териш жуда катта сиёсий ва социал масала, муҳим халқ хўжалик аҳамиятига молик иш

эканлигини таъкидлади ва республикада бу борада йўл қўйилаётган жиддий камчиликларни очиб ташлади. Курултойда чорвачилик маҳсулотларини муттасил кўпайтириш учун мустаҳкам озуқа базаси яратиш, чорва молларини сифатли озуқа билан йил бўйи таъминлаш зарурлигига ҳам алоҳида эътибор берилди. Қишлоқ хўжалиги самарадорлигини оширишда бригада пудратини жорий этишнинг муҳимлиги алоҳида қайд этиб ўтилди. Қишлоқларни социал жиҳатдан қайта қуриш ишлари планли равишда олиб борилиши, уй-жойларни, мактабгача тарбия муассасаларини, касалхоналарни фойдаланишга топшириш планларини бажариш, маший, маданий, медицина ва савдо хизматини такомиллаштириш лозим. Бу вазифаларнинг барчасини чинакамнига рўёбга чиқариш кадрларнинг ҳалоллигига, вijdонан қилинган меҳнатнинг самарадорлигига боғлиқ. Курултойда Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари Т. А. Алимов, Наманган область партия комитетининг биринчи секретари Н. Р. Ражабов, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг раиси М. Ж. Юсупов, Тошкент Қишлоқ хўжалиги машинасозлиги заводининг пайвандчилар бригадир Д. А. Атаманов, Сурхондарё область Гагарин районидаги «Искра» совхозининг алмашлаб экиш участкаси бошлиғи Қ. Қорахонова, Қашқадарё область ижроия комитетининг раиси А. Г. Қадин, Қонимех районидаги «Маданият» совхозининг бош чўпони Т. Қистовбоев,

Сирдарё область ижроия комитетининг раиси И. Қўчқоров, Хоразм область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойбергенов, Дўстлик районидаги Ленин номи совхоз бригадир Р. Нурлибоев, Иштихон районидаги Ильич номи колхоз бригадир Х. Шамсиева сўзга чиқдилар. Озарбойжон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосари М. С. Мамедов, Қирғизистон ССР қишлоқ хўжалиги министри А. С. Савитохунов, Тожикистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Т. М. Мирхаликов, Туркменистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари М. А. Чориев ўртоқлар курултойда сўзга чиқиб, Ўзбекистоннинг қишлоқ меҳнатчиларига уларнинг қардош республикалардаги мусобақадор дўстларидан салом топширдилар, пахтакорларнинг меҳнатдаги беллашуви қишлоқ хўжалигини янада интенсивлаштиришнинг муҳим омил бўлиб қолганлигини уқтириб ўтдилар. Курултой ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари Р. Х. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, И. Г. Анисимкин, Ғ. Х. Қодиров, Т. Н. Осетров, К. С. Саликов, Н. М. Маҳмудова, У. У. Умаров, В. А. Хайдуров, КПСС Марказий Комитетининг масъул ходимлари И. Е. Пономарев, Д. Д. Берков қатнашдилар. Курултойда Ўзбекистон ССР қишлоқ хўжалиги меҳнатқашларининг 1985 йилга белгиланган социалистик мажбуриятлари қабул қилинди.

воҳномасига эга бўлди. Чўлга умр йўлдоши Мавлудахон, ўгли Баходиржонлар билан боришади.

— Қашқадарёда бир неча марта бўлганман, у ерларнинг ҳавоси, одамларининг соддадиллиги қалбимга ўтиришиб қолган. Чўлда айни баҳор кезлари бўлганман, хизматдош дўстим билан адасиз йилловларни кезганман. Кенглик — киши қалбидай кенглик, лекин бўм-бўш. Ҳозир айни йигит ёшимда қониб қиладиган пайт. Чўл шароити кишини ҳар жиҳатдан тоблайди. Шу пайтгача чўл ҳақида, чўлқуварлар ҳақида кўп эшитганман, китобларда ўқиганман. Энди ўз толемини синаб кўрмоқчиман. Мен билан дўстим Юсуфжон Маликов ҳам чўлга отланди. Унинг ҳам оиласи бор. Касби тракторчи, умр йўлдоши Маҳмудахон, икки яшар кизи Муниралар ҳам биз билан бўлишади. Мақсадимиз битта — келажагимизни ҳалол меҳнатимиз билан яратиш! Олдиндан бирор нарса деб бўлмайди. Қолган гапларни чўлга меҳмон бўлганингизда гаплашармиз...

Раҳматуллонинг гапида жон бор эди. Чўлнинг ўз қойдаси бор. Инсон ўз лаёқатини бажарган иши билан кўрсатса чиройли бўлади. Район ижроия комитетида бу икки ёш ҳақида илиқ гаплар айтишди. Улар бу ерга чўлга бориш истагини билдириб, бир неча бор мурожаат қилишган экан. Район комсомол комитетида, кишлоқ Советида улар билан суҳбатлашган. Ёшларнинг аҳди қатъийлигини ҳисобга олиб, уларнинг кўчиб боришлари учун барча шароитлар яратиб берилди. Урток К. У. Черненко ўзининг «Ривожланган социализм талаблари даражасига кўтарайлик» асарига: «Зўр қизикиш билан, онгли равишда ишлайдиган кишилар — ҳозир мамлакат иқтисодий ривожини тезлаштириш учун зарур бўлган асосий, аслини олганда битмас-туганмас резервдир», деб таъкидлаган эди. Ҳақиқатан, ҳар бир кишининг меҳнатга онгли муносабатда бўлиши уларнинг маънавий оламини белгилайди. Мазкур мақолада яна: «Меҳнатқашларнинг чуқур билимларига, юксак онглилигига ва маданиятга таянмасдан туриб, иқтисодий ва социал тараққиётда юксак марраларни

эгаллаб бўлмайди» дейиладики, бу аиниқса кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштиришда мўҳим ва жасоратталаб ишга отланган замондошларнинг фаолиятида катта аҳамиятга эга.

Аҳмаджон Тожибоев — қайноқ меҳнат қучоғида тобланган, беш фарзанднинг отаси. Бу ҳаракатчан коммунист 36 баҳорни қаршилайпти. У механизатор, шофёр, кўтарма кран машинисти каби қатор турдош касблар соҳибиди. Шу пайтгача Чортоқ районидagi ирригация қурилиши механизмлашган кўча колоннасида хизмат қилар эди. У билан район ижроия комитетида кўриқ очишга отланган тенгдошлари даврасида учрашдик. Улар кўчиш тараддудида бу ерга тўпланишган экан.

Чўлга отланишдан аввал узоқ ўйландим. Беш фарзандим билан овора бўлиб юрасанми, деганлар ҳам бўлди. «Зангори экран» орқали у ерга отланаётганлар ҳақида эшитиб, қатъий қарорга келдим. Дўстим Нормуҳаммад Юнусов билан ўзлаштирилаётган ерларга бордик. Ўзбекистон канали ёқаларидан узоқ кездик. Ваҳористон районининг тупроғи яхши, унумдор, тер тўксак саховатини аямайди. Бўлажак далавлари айландик. У ерда чўлқуварлар учун турар-жойлар қурилган экан. Мактаб, болалар боғчалари каби муассасалар ҳам фойдаланишга тайёр. Албатта, дастлаб бироз қийналамиз, қолаверса у ерларда биздан аввал бориб, ишлаётган тажрибали миришкорлар бор, уларнинг тажрибасига суянамиз. Биз билан кўриққа отланганларнинг саноғи йўқ. Укаларим ҳам изимдан боришмоқчи. Меҳнат қилсанг — роҳат кўрасан, дейди халқимиз. Куч-ғайратимизни эзгу ишларга чоғладик...

Республикамиз меҳнатқашлари кўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш борасида, аиниқса кейинги чорак аср мобайнида катта тажрибали орттирдик. Марказий Фарғона ерлари, сўнгра Мирзачўл, Жиззах даштларига бўлган оммавий ҳужумнинг самараси пахтачилик тарихида оламшумул аҳамият касб этди. Мавжуд имкониятлардан фойдаланиш, ўзлаштирилган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш натижасида республикамиз мамлакатимизнинг асосий пахта базасига айланди. Кўплаб дондгор, юқори ҳосил усталарининг номлари иттифоқ бўйлаб ёйилди. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, СССР

Давлат Мукофотининг лауреати Машраб Раҳимқулов, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўлан Дадажонов, Рўзи Аҳмедов, Норбой Рўзимбетовларнинг номи пахтачилгимиз тарихига зарҳал қарфлар билан битилган.

Яқин йилларгача шўри чиқиб ётган ерлар бугунги кунда боғу бўстонларга айланди. Кечагина чўл бағрига каста тикиб кун кўрган деҳқоннинг турмуши беқиёс даражада ўзгариб кетди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Октябрь пленумида республикамизнинг сўғориланган районларида деҳқончилик имкониятларидан, аиниқса, кўриқ хўжаликларда қониқарис фойдаланаётганлиги уқтириб ўтилган эди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бундай аҳволнинг асосий сабабларидан бири янгидан ўзлаштирилаётган районларда ишчи кадрлар ва кишлоқ хўжалик мутахассисларининг етишмаётганлигидандир, деб ҳисобладилар. Мавжуд камчиликларни бартараф етишнинг омилкор тадбирларидан бири мазкур районларни тажрибали кишлоқ хўжалиги кадрлари билан тўлдириш, уларнинг имкониятлардан фойдаланиш даражасини яхшилаш, кишлоқ хўжалик техникаларининг самарадорлигини оширишдан иборатдир. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Андижон области меҳнатқашларининг Жиззах областини, Фарғона области меҳнатқашларининг Сирдарё областини, Наманган области меҳнатқашларининг Қашқадарё области оталиққа олишлари тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлади.

Шу кеча-кундузда ўзлаштирилаётган районларга кўчиб борган оловқалб чўлқуварлар КПСС XXVII съезди шарафига жанговар меҳнат ваҳтасида туриб, ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш, зиммаларига олган дастлабки мажбуриятларини ёруғ юз билан бажариш тараддудида фидокорона тер тўқмоқдалар. Ҳа, кўриқ ерларни ўзлаштириш, мамлакатимиз иқтисодий базасини мустаҳкамлашда эзгу ниятлар билан меҳнат қиладиган замондошларимизнинг ғайратшижоати битмас-туганмасдир.

Ўқтам МИРЗАЕРОВ  
Наманган — Тошкент

## ОНА-ЗАМИНИ СЕВИНГ

Абдусамд Тиллабоев... Оддий деҳқон фарзанди. Уни меҳнат улуғлади. У ўз қўли билан ўз бахтини яратди. Она-ватани, она-заминини севиш, адроклаш Абдусамд аканинг қон-қонига сингиб кетган. У узоқ йиллардан бери Андижон область Избоскан районидagi йирик хўжалик — «Партия XII съезди» колхозига раҳбарлик қилиб келмоқда. Колхоз унинг раҳбарлигида сертармоқли, мўл даромадли, юксак даражада ривожланган коллектив хўжаликка айланди.

Абдусамд ака ёшларнинг меҳрибон устози, сезгир мураббий ҳамдир. У тез-тез ёшлар орасида бўлиб, уларни ота-боболаримизнинг мақаддас касби бўлган пахтакорликни севишга, она-юрт, она-заминини адроклашга даъват этади.

Суратда: Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутаты Абдусамд Тиллабоев мактаб ўқувчилари орасида.

Т. Ҳамроқулов фотоси



# Буюк Умр Саҳифалари

Волга бўйидаги шаҳар ва қишлоқларнинг кўплари Ульяновлар оиласининг ёрқин ҳаёти ва революцион фаолияти билан чамбарчас боғланганлиги маълум. Революционерлар сулоласини тарбиялаб етиштирган бу улуг оила бошига қанчадан-қанча оғир таъшиш ва қайгулар тушмади дейсиз. Тез-тез кўчиш, қўним билмаслик, қувғин ҳамда таъқиблардан иборат тақдир таъшишлари бу оилга узок вақт ҳамроҳ бўлди. Негаки, жанговар ва доворак революционерлар уюшган бу оила подшо зулмига, эксплуатацияга қарши курашувчилар сифатида майдонга чиқди.

Бу орада оила бошлиги оламдан ўтади. Оиланинг бутун қийинчилиги ва таъшишлари Ульяновларнинг онаси Мария Александровна бошига тушади. У фарзандларини жондан севарди. Матонатли она уларнинг революцион фаолиятлари туфайли оила бошига ёғилаётган таъшишларни сабот ва мардлик билан енгиб борди.


Тарихдан маълумки, 1887 йили подшога суиқасда айбланган Александр Ульянов катл қилинади. Фожиадан Владимир Ульянов ва бошқа оила аъзолари қаттиқ изтиробга тушадилар. Айни вақтда бу йўқотиш Ульяновларни янги курашларга даъват этади. Владимир Ильич: «Бундай йўлдан бориб бўлмайди, биз бошқа йўлдан борамиз», деган даъват билан майдонга чиқади.

Бу воқеалардан кейин Ульяновлар оиласи янада қаттиқроқ таъйиқ остига олинади. 1887 йили Ульяновлар оиласи Қозон шаҳрига кўчиб келади. Симбирск гимназиясини олтин медал билан тамомлаган Владимир Ульянов хоҳлаган университетга кириб ўқиш ҳуқуқига эга эди. Лекин «давлат жиноятчилигининг укаси энди бу борада ўйлаб иш қўришга мажбур эди. Полиция департаменти Ульяновга пойтахт университетининг эшиги, унинг учун бутунлай ёпиқ эканлигини уқтиради. 1887 йилнинг июль ойида Владимир Ульянов Қозон университети ректори номига ариза ёзиб, ўзини юридик факультетга қабул қилишни сўрайди. Ушанда Владимир Ульянов хозир айни ҳуқуқ фанлари ва сиёсий иқтисодни ўрганишни ҳар қачонгидан зарур деб билади.

Одатгаддек, буюк дохий туғилган шонли айём арафасида унинг номи билан боғлиқ жойлар кишилар билан ҳар қачонгидан ҳам гавжум бўлади. Қозон университети рўпара-сида Владимир Ульяновнинг ҳайкали бор. Мана қаршимизда кителени елкасига ташлаган ҳолда, келажакка ўйчан нигоҳ ташлаган ўспирин турибди. Ешлигидеяк нигоҳи ўткир, фикри зукко эди. Ҳайкал ёнидаги хиёбонда ранго-ранг гуллар қулф уриб турибди. Хиёбон йўлақлари четидеги скамейкаларда ёшлар китоб ўқиб, баъзилари ўзаро суҳбатлашиб ўтиришибди. Улар Ленин ўқиган университет талабалари бўлганликлари билан фахрланадилар. Улуг шоир В. Маяковский университет Қозон шаҳрининг шон-шухрати экани, у ўзининг улуг гражданини хозирги кунда ҳам буюк муҳаббат билан ёдга олиши ҳақида тўлиб-тошиб куйлаган эди.

Университетга кирар экансиз, мрамр тахтада ёзилган сўзларга кўзингиз тушади: «Бу ерда, юридик факультетда 1887 йили Владимир Ульянов — Ленин ўқиган».

Юридик факультетнинг 12-аудиториясига қиналашасиз. Худди шу аудиторияда ёш



Ленин зиёсига чулғаниб башар  
То дунё тургунча мунаввар яшар!

Владимир Ульянов рим ҳуқуқи тарихидан, энциклопедия курси ва бошқа фанлардан лекция тинглаган. Университетнинг 7-мемориал аудиториясида эса у рус ҳуқуқи тарихидан лекция эшитган. Университетнинг алоҳида катта залида жойлашган Ленин мемориалига ўша даврдаги дўстларининг суратлари, унинг 1887—1888 академик ўқув йили учун берилган 197-студентлик билети, рассомлардан Н. Жуков билан М. Самсоновларнинг «Ийгилишга» («На сходку») асари, Симбирск гимназиясини тамомлаганда олган олтин медали, бошқа ҳужжатлар ва материаллар қўйилган.

Университетнинг ўша даврдаги акт зали тарихий аҳамиятга эгаллиги билан кишида қизиқиш туғдиради. 1887 йили подшонинг ҳаётига суиқасд қилиниши муносабати билан турмуш янада қийинлашади. Ноябрь ойида мамлакатда «тартибсизлик» деб ном олган студентларнинг чиқишлари барча университетларда юз беради.

Бу тўлқинлар таъсири Қозон шаҳрига ҳам тез орада етиб келади. 1887 йилнинг 4 декабрида Қозон университетининг акт залида студентлар йиғилиши (сходкаси) бўлиб ўтади. Студентлар инспекторнинг келишини талаб қиладилар. Улар инспектор олдига ўз талаблари билан бир қаторда, сиёсий талабларни ҳам қўядилар. Йиғилишда Владимир Ульянов фаол қатнашади, тўлқинлашиб нутқ сўзлайди. Лекин студентларнинг талаби

қондирилмайди. Буни кўрган студентлардан 99 киши Владимир Ульянов бошчилигида студентлик билетини ташлаб чиқиб кетадилар. Лавҳага университетдан ўша кунни ҳайдалган 99 талабанинг фамилияси битилган. Владимир Ульяновнинг фамилияси эса алоҳида белги билан таъкидланган.

Мрамр деворда Владимир Ильич Лениннинг 1917 йилда ёзилиб, тамомланмаган автобиографиясининг қўлёзмасидан олинган кўйидаги сўзлари ўқиймиз: «1887 йилнинг декабрида мен биринчи марта хибса олиндим ва студентларнинг чиқишлари сабабли Қозон университетидан ҳайдалдим; кейин Қозондан кетдим».

Шундай қилиб, Қозонда ўн етти ёшли ўспирин Владимир Ульяновнинг революцион фаолияти бошланади.

Владимир Ульянов университет ректори номига ўзини университетдан чиқаришларини сўраб ариза ёзганлиги ҳам маълум. 4 декабрдан 5 декабрга ўтар кечаси Ульяновни қамокка оладилар. 7 декабрь кунини эси уни Қозон губерниясининг Лаишев уезидаги Кокүшкено қишлоғига сургун қиладилар. Бу ерда у яшири полиция назорати остида бўлади.

1937 йилнинг 7 ноябрида Қозонда очилган В. И. Лениннинг уй-музеи Ульяновла оиласи яшаган икки қаватли ёғоч уйд жойлашган. Ҳовлида Мария Александровна хуш кўрган гуллар кип-қизил бўлиб очилган

Уй атрофидаги қуюқ дархатлар музейни янада салобатли қилиб кўрсатади. Ундаги материаллар Владимир Ульяновнинг Қозондаги ҳаёти бирмунча ташвишли, аммо сермазмун ўтганлигидан далолат беради. У бу ерда марксизмнинг назарий масалалари устида ишлади, шу ерлик ёш марксистлар билан ҳамкорлик қилди. Университет программасини ўзича тайёрлади, сиёсий адабиётлар ўқиди. К. Маркснинг «Капитал» ини мутолаа қилди. Энгельс асарларини ўрганди. У бу ерда Н. Е. Федосеев ташкил этган марксистик тўғарақларнинг бирига аъзо бўлиб кирди.

Владимир Ульянов илмий социализмнинг чинакам ва оташин пропагандисти, дастлабки олов қалб рус марксистларидан бири сифатида майдонга чиқди. Унинг бу ердаги ҳаёти профессионал революционер бўлиб етишувида мактаб бўлди.

Қозон шаҳридаги Ленин музейида бошқа халқлар каби Ўзбекистон вакиллари ҳам тез-тез бўлиб, буюк доҳийга бўлган ҳурматларини билдириб турадилар. Уша гал биз билан бирга Тошкент Политехника институти доценти Ҳақима Қаюмова, Автомобиль йўллари институти ўқитувчиси Галина Свишко, Тўқимачилик ва енгил саноат институти кафедра мудири Каримжон Эргашев ва бошқалар В. И. Ленин музейини зўр эътибор билан томоша қилдилар. Уша куни Германия Демократик Республикасидан, Финляндия ва бошқа чет мамлакатлардан келган туристлар ҳам музейда бўлиб, жаҳон пролетариатининг доҳийси революцион фаолиятининг бошланғич даври билан танишдилар.

Тошкент области ва Қорақалпоғистон АССР меҳнаткашларининг совгалари музейидан муносиб ўрин олган. Булар ўзбек ва қорақалпоқ халқининг буюк доҳийга бўлган чексиз ҳурматининг рамзи сифатида сақланмоқда.

Биз Владимир Ильич сургунда бўлган Кокушкино қишлоғида ҳам бўлдик. Бу ерда Владимир Ульянов бутун вақтини Н. Г. Чернышевский, Н. А. Добролюбов, Н. А. Некрасов, М. Е. Салтиков-Шчедрин ва Г. И. Успенский асарларини ўқишга бағишлайди. У ўқиган китоблар, Марке, Энгельс ва Плеханов асарлари ҳамда «Отечественные записки», «Современник», «Вестник Европы» журналларининг эски нашрлари, Қозондан олиб турилган газета ва журналлар — ҳаммаси Кокушкино музейида сақланган. Бу ерда Ильич фойдаланган буёмлар, мебель, оила



В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиали. Улуғ доҳийнинг Кремлдаги кабинетининг бир қисми.

аъзолари ва яқин кишиларининг суратлари ва материаллар билан ҳам танишиш мумкин.

1964 йилдан бошлаб Кокушкино қишлоғи Ленино-Кокушкино деб атала бошлади. Ҳозир бу ерда Ленино-Кокушкинский номидаги совхоз, М. А. Ульянова номли мактаб бор. Ўқитувчи ва ўқувчилар мактабда буюк доҳийнинг ёшлик йиллари бағишлаб музей ташкил этганлар.

Умуман, Қозон шаҳри ва унинг этагидаги Кокушкино қишлоғи доҳиймиз В. И. Лениннинг ҳаёти билан боғлиқ бўлган му-

қадас жойлар сифатида тарихда муҳим ўрин тутати. Шу боисдан ҳам бу ерларга, айниқса, ҳар йили апрель ойида мамлакатимизнинг турли бурчақларидан ва чет эллардан жуда кўплаб сەҳнатчилар келадилар. Бу турли халқлар ва элатларнинг жаҳон пролетариатининг буюк доҳийсига бўлган чексиз меҳр-муҳаббатининг рамзидир.

Қудрат АҲМЕРОВ,  
профессор

## КИТОБЛАР ОЛАМИДА



туғилди. Гўдакнинг исмини Собир деб атадилар. Ёш Собирнинг ҳаёти бошқа тенгдошлари каби жуда ночорликда ўтди. Отасининг вафотидан сўнг, турмуш шароити янада ёмонлашган Собир 14 ёшида бойлар эшигида малайлик қилади. Эски мактабда бироз таълим олгач оилавий ночорлиги туфайли ўқишни давом эттиролмайди. Кейинчалик етимхонада савод чиқаради. Ҳаётда рўй бераётган инқилобий ўзгаришлар зийрак Собир қалбини бутунлай ўзига ром этади. У аста-секин инқилобий ҳаракат иштирокчисига айланади...

Леонид Юсуповнинг мазкур китоби генерал Собир Рахимов ҳаётига оид бой ҳужжатлар асосида ёзилган. Китобда қаҳрамоннинг жанговар фаолияти кенг ёритилган ва тарихий фотосуратлар билан безатилган.

Улуғ Ғалабанинڭ қирқ йиллиги олдида «Ўзбекистон» нашриётида босмага тайёрланган китоблардан бири «Ўзбекистонлик Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари» деб аталади. Китобда Улуғ Ватан

рушида мардлик ва жасорат кўрсатиб, Ватаннинг Совет Иттифоқи Қаҳрамони деган олий унвонига сазовор бўлган ўзбекистонлик жангчи ва саркардалар биографияси, жанговар фаолияти ҳақида маълумот берилади. Улуғ Ватан урушида 300 дан ортқ ўзбекистонлик жангчилар бу муқаддас унвонга сазовор бўлдилар.

Бу тарихий ҳужжатларга бой тўпламни нашрга тайёрлашда актив ташаббус кўрсатган марҳум генерал-лейтенант Ф. Норхўжаев ва у етакчилик қилган Уруш ветеранлари Совет Комитети Тошкент секцияси ходимларининг хизматлари китобда алоҳида таъкидланади.

Қаҳрамонларнинг ҳаёти, жангоҳларда кўрсатган матонати ҳақидаги маълумотларни истефодаги полковник Н. Г. Березняк СССР Мудофаа министрлигининг Марказий архиви материаллари асосида тўплаган. Фотосуратлар билан бойитилган мазкур китобни Совет Иттифоқи Қаҳрамони, ёзувчи Н. Е. Тихомолов ва Б. Х. Бокер адабий жиҳатдан қайта ишлаганлар.

## ҚАҲРАМОННОМА

Буюк Ғалабанинڭ қирқ йиллиги арафасида республикамиз нашриётларида Улуғ Ватан уруши мавзусига бағишланган асарлар чоп этилди. Ана шундай асарлардан бири «Ёш ғардия» нашриёти коллективи томонидан тайёрланган Леонид Юсуповнинг «Собир Рахимов» деб аталган ҳужжатли кассасидир. Кисса ўз-

бек халқининг жасур фарзанди, генерал Собир Рахимовнинг ҳаёт йўли ва саркардалик фаолияти ҳақида ҳикоя қилади. У рус тилида «Ажойиб кишилар ҳаётидан» сериясида босмадан чиққан.

...Тошкентнинг Эскижува даҳасида 1902 йил қировли январь кунларидан бирида қашшоқ тегиримончи Умар ота оиласида ўғил

# ХАЛҚ ЖАСОРАТИ

40



## Боиc ЭРГАШЕВ,

Совет Иттифоқи Қаҳрамони. Уруш ветеранлари  
Совет комитети Тошкент секциясининг раиси.

1945 йил 9 май — совет халқи ва бутун тараққийпарвар инсоният хотирасида мангу унутилмас сана ҳисобланади. Ана шу куни фашизм устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг тантанаси учун Ватанимиз осмонида салют ёғдулари порлади. Бу салют Ватанимиз дахлсизлигини сақлаб қолган жангчилар ва партизанлар, бутун куч ва имкониятларини Ғалаба учун сафарбар этган ишчилар, колхозчилар ва зиёлилар шарафига бағишланди. Ва ниҳоят, бу салют Ватан озодлиги ва мустақиллигини сақлаб қолган, жаҳондаги бошқа халқларни ҳам фашистлар асоратидан халос этган шонли совет халқига аталди.

Ўз кўлами ва миқёси жиҳатидан мисли кўрилмаган бу уруш ўн миллионлаб кишилар умрига зомин бўлди, моддий ва маънавий неъматларини барбод этди, кўз кўриб қулоқ эшитмаган машаққатларни юзага келтирди, лекин барибир бу уруш тараққийпарвар инсониятнинг фашизм устидан ғалабаси, нурининг азулат устидан тантанаси билан якунланди. Берлин устида совет жангчилари томонидан Ғалаба байроғи ўрнатилган кунни, фашистлар Германияси сўзсиз таслим бўлган ўша Ғалаба кунини миннатдор инсоният ҳеч қачон унутмайди.

Ўша пайтдан бери орадан қирқ йил ўтди. Лекин коммунизм йўлида, ер юзида барқарор инчлик ва бахт-саодат йўлида совет халқи сиймосида рўёбга чиққан жасорат хотирадан ҳеч қачон ўчмайди.

Фашистлар Германияси эрта саҳарда уруш эълон қилмасдан туриб Ватанимиз тупроғига бостириб қирди, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз флоти душман билан ҳаёт-мамот жангга киришди. Халқимиз ва унинг Куролли Кучлари бир минг тўрт юз ўн саккиз кун ва тун мобайнида босқинчиларга қарши қақшатқич кураш олиб борди.

Ватан урушининг олови 1418 кун ва тун мобайнида Ватанимиз осмонида ловуллаб турди. Бу оловнинг қудрати заминни титратиб, биноларни вайрон этадиган ҳар қандай зилзиладан кўра ҳам кучлироқ эди. Ҳар бир кун, ҳар бир дақиқа совет халқи ва унинг Куролли Кучлари тарихига, қон билан битилган қаҳрамонликлар тарихига айланди.

Гитлер урушининг биринчи кунларида Совет Иттифоқи майда бўлақларга бўлиниб кетади, бу ерда яшовчи халқлар ўртасида ғилоф чиқади, деб ўйлаб зудлик билан ғалабага эришишни ҳаёт қилган эди. Лекин ҳамма нарса ақинча бўлиб чиқди, мамлакатимизда истиқомат қилаётган халкларнинг дўстлиги янада мустаҳкамланди, гитлерчилар Германиясига қарши бу урушда метидек бирлигимиз ўзининг бутун жозиба қудрати билан яна бир бор намоён бўлди.

Урушнинг дастлабки кунлариданоқ совет жангчилари фашист босқинчиларига қарши мардонавор кураш олиб бордилар. Армия ва Флот билан бир қаторда бутун совет халқи Ватан ҳимоясига отланди.

Совет Иттифоқига қарши бошланган уруш Фарбағи урушлардан кескин ва тубдан фарқ қилишини фашистлар англай бошладилар. Киев, Одесса, Севастополь, Ленинград,

Москва остоналарида, Шимолда ва Қора денгиз бўйларида руслар, украинлар, белоруслар билан елкама-елка турган ҳолда эстонлар, латишлар, ўзбеклар, қozoқлар, тожиклар, туркманлар, қирғизлар, Кавказ ва Сибирь халқлари душманга қарши кескин жанг олиб бордилар.

Мамлакатимизнинг турли томонларидан, хусусан Урта Осиё республикалари ва Қозоғистондан ҳаракатдаги Армиямиз учун доимий суратда янги-янги кучлар келиб қўшилиб турди, жангчиларимиз муттасил озиқ-овқат билан таъминланди. Социалистик Ватанимизнинг энг асл фарзандлари жанговар сафларга бирлашиб, озодлик ва мустақиллик учун мардона курашдилар.

«Азиз жигаргўшаларимиз! — дейлади «Ўзбек халқининг жангчиларига уларнинг эл-юртларидан Мақтуб» да. — Ватанинг ҳар бир қисм тупроғи биз учун табарруқ экан, унинг немис-фашист итваччалар оёғи остида мурдор бўлишига бепарво қараб турган кўзлар кўр бўлишга, бепарво эшитиб турган қулоқлар қар бўлишга лойиқдир!

...Фашизмни бутун дунёда сарик вабо дейдилар. Ана шу сарик вабони йўқ қилиб ташлаш сизнинг қўлингизда. Ватанинг буйруғи — шу. Фашизм қуллингизга тушган қардошларимиз олдидаги бурчимиз — шу...

Бир қадам ҳам орқага чекиниш йўқ! — Бу шпор Ватан иродасидир».

Урушнинг дастлабки оғи мобайнида 32 минг киши, жумладан 30 минг коммунист ва комсомол аъзоларидан фронтга жўнатишларини илтимос қилиб ариза тушди. 1941 йилнинг ноябрь оёғидан 1942 йилнинг март оёғига қадар Ўзбекистон ССРда 14 миллий дивизия ташкил топди. Улар жанг майдонларида жасорат ва матонат намуналарини кўрсатдилар.

Ўзбекистоннинг минглаб фарзандлари Совет Иттифоқининг, жумладан чет мамлакатларнинг жанговар орден ва медалларига сазовор бўлдилар. Варшава озод этилганлиги учун Ўзбекистоннинг 5 минг 439 фарзанди, Прага учун 6 минг 846, Белград учун 664, Будапешт учун 2 минг 480, Вена учун 2 минг, Берлин озод этилганлиги учун 6 минг 758 киши мамлакатимизнинг юксак мукофотига мушарраф бўлдилар.

Уруш йиллари давомида ҳаракатдаги Қизил Армия қисмларига ўттизта ижодий бригада жўнатишган бўлиб, улар 15 мингдан зиёд концерт бердилар. Ўзбек тилида чиққан 14 та фронт ва иккита бригада газеталари жангчилар орасида катта сиёсий-тарбиявий ишларни олиб борди.

Волга бўйида буюк жанглар бораётган кунларда ўзбек халқи чуқур ватанпарварлик ва интернационал руҳ билан йўғрилган мактуб билан муурожаат қилди. Мақтубга 2 миллион 412 минг киши имзо чекмади.

Улуғ Ватан урушидаги жасорати учун Қўчкор Турдиев, Мамадали Топибеков, Самиг Абдуллоев, Солиҳ Умаров, Аҳмадҷон Шукуров, Тўхтасин Аҳмедов, Остонақул Шокиров, Қудрат Суёнов, Қўчкор Қаршиев каби Ўзбекистоннинг 300 дан ортик фарзандлари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

Уруш йилларида халқимизнинг асл фарзандлари орасидан Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал Собир Раҳимов, Файзулла Норхўжаев, Собиржон Охунҷонов, Ҳаким Усмонхўжаев каби мард ва тadbirkor саркардалар, жасур командирлар етишиб чиқди. Кўплаб ўзбекистонликлар душман ортида партизанлар ҳаракатида фаол иштирок этдилар, улардан 130 киши «Ватан уруши партизани» медали билан тақдирланди. Фашизмнинг тор-мор қилинишида ўзбек хотин-қизларининг жасур вакилларининг ҳам хизмати катта бўлди. Юзлаб фашистларни ер тишлатган мерган қиз Зебо Ганиева, ҳарбий врач Муқаддам Ашратовларнинг номини халқимиз ҳурмат билан тилга олади.

Коммунистик партия ва Совет ҳукумати социалистик Ватан учун намоён бўлган жасоратлари учун республикамизнинг 120 мингдан зиёд ўғил ва қизларини орден ва медаллар билан тақдирлади, улардан 32 киши ҳамма даражадаги «Шухрат» ордени нишондоридир.

«Ҳамма нарса фронт учун, Ғалаба учун!» деган шпор кишиларимизнинг виждоний бурчига айланди.

Брест қалъаси ҳимоячиларининг жасорати Улуғ Ватан урушининг қаҳрамонлик саҳифаларига зарҳал ҳарфлар билан битилган. Ушбу қалъани ҳимоя қилишда бошқа қардош халқларнинг вакиллари билан бир сафда ўзбек йигитлари ҳам мардона жанг қилдилар. «Ватан учун жон фидо этасак этамизки, аммо таслим бўлмаймиз!» — қаҳрамон Брест қалъаси ҳимоячиларининг амри-иродаси ана шундай эди.

Душман ҳамма жойда, жумладан биз жангларда иштирок этганимиз Запорожье шаҳрида ҳам Совет Армиясининг қақшатқич зарбаларига дучор бўла бошлади. Бу ердаги операциялар натижасида душманнинг 23 минг солдат ва офицери, 153 танк ва ўзиюрар қурилмалари, 238 миномети, 400 пулемети, бошқа ҳарбий техникалари сафдан чиқарилди. 8-гвардиячи армиянинг 13 октябрдан 14 октябрга ўтар кечаси олиб борган жанглири натижасида душманнинг 3 минг солдат ва офицери яқсон қилинди. Запорожьени озод қилиш учун олиб борилган жанглардаги жасорат ва матонати учун минглаб жангчилар орден ва медаллар билан тақдирландилар. Бир неча киши эса Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди. Санитария инструктори комсомол қиз Валерия Гнаровская қўлда граната билан ўзини душман танки остига ташлади; кичик лейтенант Д. Стефанов Александр Матросов жасоратини қайтарди; пулемётчи М. Московченко, учувчилардан Г. Несмешиной ва А. Бражниковлар қаҳрамонлик намуналарини кўрсатдилар.

Запорожьеликлар ўзларининг халоскорларини — совет жангчиларини кўзда қувонч ёшлари билан қарши олдилар. Гитлерчилар оккупацияси даврида отиб ташланган ва қийноққа олинган совет ватанпарварлари ҳақида сўзлаб бердилар. Икки йил мобайнида 35 минг запорожьелик фашист жаллодлари қўлида ҳалок бўлди. Фашистлар 58 минг

(Давоми 16-бетда)

Депутат — халқ хизматкори, деган ижтимоий бурч Эътиборхоннинг фаолиятига сингиб кетган. У 1958 йилдан бунён Норин район Советининг депутати.

Махаллий Советларнинг кейинги чақиригида ҳам Эътиборхон Каримова Норин Совети депутатлигига сайланди. У депутат сифатида район халқ депутатлари Советининг Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот доимий комиссиясига муттасил раислик қилиб келади. Депутат хизмат бурчи даъвати билан ҳар доим одамлар орасида, кишилар билан мулоқотда. Эътиборхон ўн ва ўндан ортқ фарзандни тарбиялаб ҳаётга йўлдан ва кўксини Қаҳрамон она юлдузи безаб турган муътабар онахонлар билан суҳбатлашганда, полапон қўшлардек энди оёқланган жажжи кичкинтойини бағрига олган бахтиёр ёш оналар билан учрашганда чексиз севилади. Унинг кўз ўнгида Улуғ Октябрдан нур эмган бахтли Ватанимизнинг бугунги камолоти ана шу саодатли онахонларимиз, бахт-иқболли опасингилларимиз тимсолида янада ёрқинроқ намоён бўлади. Бу бахтиёрлик руҳи, фаровонлик гашти бошқалар қатори Эътиборхонга ҳам янги куч ва ғайрат бахш этади. Шу боисдан ҳам Эътиборхон депутатнинг қабул куни деган расмий бурчига алоҳида эътибор билан қарайди. У қабул кунини одамлар билан мулоқотда бўлишнинг қулай воситаси деб билади. Ҳузурига келган ҳар бир кишининг арзини, илтимосини диққат билан тинглаб ён дафтарида ёзиб олади. Уларнинг илтимосини тегишли ташкилотлар орқали ҳал этишга ҳаракат қилади.

Қайси куни бир ёш жувон қабулига кириб:

— Эътиборхон опа, кичкинаман борчага жойлаш қийин бўлаяпти. Вақтида навбат олмаган эканмиз. Ердан қилсангиз, ишга гушмоқчидим, — деди илтижо билан.

Эътиборхон зудлик билан аёлинг қўлидаги гўдагининг исм ва фамилияларини ёзиб олиб, ўша заҳоти район халқ маорифи бўлимига телефон қилди.

Унинг ҳожатбарорлигини кўрган жувоннинг чехраси яна ҳам ёришиб кетганди. У боласини элчилаб ўрнидан тураркан:

— Раҳмат опа, раҳмат... — дея Эътиборхонга самимий миннатдорчилик билдириб хонадан чиқди. Гўдагини бағрига босганча йўлакда қувониб кетаётган жувонни зимдан кузатиб турган Эътиборхон негадир хаёлга чўмди. Учқур хаёл уни шу топда йтмишига етаклаган эди.

Эллик иккинчи йилнинг ёзи. Унинг синфини энди тамомлаб кишига бориш орузида ошиқиб турган кезлар. Лекин кўзга ақин йўлганиданми, уйларига совчи сетидан совчи кела бошлади.

Қизининг розилигини ололмаган ота ва она совчиларга нима деб жавоб қилишини билмасди. Улар совчиларнинг бирига: «Қизимиз ўқимокчи», деб жавоб қилишса, иккинчисига: «Ҳали ёш, турмушга чиқмайди», деб ваз кўрсатдилар. Лекин барибир совчиларнинг оёғи узилмади.

Бир куни онаси Кароматхон қизини ҳузурига чақириб:

— Қизим, элчилик-да, совчилар ҳоли-жонимизга қўйишмаяпти. Сиз нима дейсиз? — деди.

— Асло. Ўқимокчиман, онажон, — деб қатъий жавоб қилганда ўшанда Эътиборхон. Лекин яна совчи устига совчи кела бошлади.

Энди Эътиборхон ҳам ташвишга тушди. Бефарворроқ қараса,

дадаси бирортасига розилик бериб юборадиган. Қўш тилини қўш тушунади. Қиз кўзининг остига «босиб» юрган йигити борлигини секин ойисига айтди. Ойиси дадасига тушунтирди. Тезда тўй бошланиб кетди...

Уша йили тақдир тақозоси билан Эътиборхон ўқишга боролмади. Бир йил «Коммунизм» колхозига комсомол ташкилотининг секретари бўлиб ишлади. Пахта терими пайтида зарбдор комсомоллар штабига бошчилик қилди. Лекин у ҳисоб-китобда нўноқ эди. Рақамларни чўтда қўшиб-айиришни билмасди. Ҳар куни кечкурун правление идорасига бориб, бухгалтер Слава Бўронбоевага кунлик пахта терими яқунини ҳисоблаб беришни илти-

мос қиларди. Бир куни Бўронбоева Эътиборхонга эътироз билдиргандек бўлди:

— Синглим, менинг ҳам ишим кўп. Яхшиси, чўтда ҳисоб-китоб қилишни ўрганган, — деди у қизга юзланиб.

Ҳа, одатда кишининг бирор касб ёки ихтисосни эгаллашига нимадир туртки бўлади. Вухгалтер Бўронбоеванинг ўғити Эътиборхон учун сабоқ бўлди шекилли, у келгуси йили турмуш ўртоғи Ғанижон билан Тошкент Халқ хўжалик институтига ҳужжатларини топширди. Ҳар иккаласи имтиҳонлардан муваффақиятли ўттишиб, институтга қабул қилиндилар...

Эътиборхон ҳозиргина қабулдан чиқиб кетган болали ёш



Улуғ Ватан уруши ветерани, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Андижон область, «Москва» районидаги «Ленинизм» колхозининг бригада бошлиғи Абдуваҳоб Қўчқоров. Т. Ҳамроқулов фотоси.

онанинг шароитини кўриб, студентлик йилларини, қўлида чакалоги билан эри Ғанижон бошчилигида Тошкентнинг Арпапоя, Бешёғоч кўчалари бўйлаб то ярим кунгача қулайроқ квартира ахтаргани, институтни тугатгунча уч болали бўлиб, ҳам бекалик, ҳам оналик, ҳамда студентлик бурчларини адо этаман деб, роса кийналганлари, қўйингки, ҳамма кўрган-кечирганлари бирма-бир кўз ўнгидан ўтарди.

Ҳа, ёшлиқдан у турмушнинг аччиқ-чучугини тоғиб кўрди.

Мана, энди ҳамма қийинчиликлар орқада қолди. Ҳалол меҳнати, ҳожатбарорлиги ва ташкилотчилиги билан элда эътибор тоғди. У 1958 йилдан буён район давлат банкнинг бошқарувчиси бўлиб ишлаб келмоқда. 1966 йилда эса партия ва ҳукуматимиз унинг самарали хизматларини юксак мукофот — Ленин ордени билан тақдирлади. Вуюқ доҳиймизнинг сиймоси акс этган бу орден унинг фаолиятида фаоллик тимсоли бўлиб қолди. У район банкнинг бошқарувчиси сифатида хўжаликлар, корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар билан пул муомаласини юритиб, ташкилотлар орқали ва индивидуал тартибда кредит системасини жорий этиш ҳамда кассалар ҳаракатини муттасил таъминлашни намунали йўлга қўйди. Кадрлар составини махсус ихтисосли кишилар билан мустаҳкамлашга алоҳида эътибор берди. Фаридани Низомова, Замира Исломова, Каримахон Нуралиева сингари ўрта мактабни тамомлаган кизларни банк идораси йўлланмаси билан махсус ўқув юртларига юборди. Ҳозир Фаридани банк идорасида бош бухгалтер, Жамилахон касса мудирини, Каримахон эса бош бухгалтер ёрдамчиси бўлиб ишламоқдалар.

1979 йил июль ойида хўжаликлар ва ташкилотларга молиявий хизмат кўрсатиш масаласига бағишлаб Андижон, Фарғона ва Наманган областлари банк идоралари ходимларининг Ҳаққулобод шаҳрида ўтказилган зонал кенгашида Норин район давлат банкнинг иш тажрибаси оммалаштириди.

Бу, Эътиборхон Каримова етакчилик қилаётган банк коллективининг хизматининг жамоатчилик томонидан эътироф этилиши эди.

Эътиборхон Каримова Ҳаққулобод маҳалласининг жамоатчилик ишларига ҳам халқ депутати сифатида доим бош-қош. У фаол агитатор, замонавий анъаналарнинг жонкуяр тарғиботчиси. Яқинда у маҳалла хотин-қизлари ўртасида «Инсон ҳақида ғамхўрлик қилиш — партияимизнинг олий қонуни» мавзусида суҳбат ўтказди. Нотиқ ўз суҳбатида партия ва ҳукуматимизнинг халқ фаровонлигини янада оширишга қаратилган тадбирларини оддий тилда ва аниқ фактлар асосида тушунтириб берди. Унинг мароқли суҳбати тўпланганларда яхши таассурот қолдирди.

Эътиборхон Каримовани маҳалла хотин-қизларининг «Эл қизи» деб аташи бежиз эмас. Элга хизмат қилиб, халқ ҳурматини қозонишдан ортиқ бахт борми!



Олим ҚУЧҚОРБЕКОВ

## ҚИРҚИНЧИ КЎЙЛАК

*Елғиз ўғли урушида ҳалок бўлган қўшнимиз, тикувчи Жамила ая ҳақида*

Умид узайтирар экан умрни, Фарзанд дийдорига муштоқ эх, она!  
Ҳануз йўл пойлайди — тўкиб кўз нурин,  
Ғам-ташвиш, дард-ўлим унга бегона

Ҳамдевор қўшним у — яшайди якка,  
Мункайиб қариган — юзлари ажин.  
Ҳар куни туш кўриб йўяр тилакка —  
Юлдузлар санайди гўё мунажжим.

Оғзидан тушмайди Толмас деган ном,  
Тик этса эшиги, келди, дер, ана!  
Кўзойнагин тақиб, тикилар ҳамон,  
Қирқ йилки, у шундай ой, кунлар санар..

Елғиз ўғил эди қалб бисотида,  
На илож, қузатди ўшанда жангга.  
Еш тўкиб, кўксига ўғлин босди-да,  
— Ев қадам қўямасин, — деди — Ватанга.

Кўп каби Толмас ҳам бориб фронтда  
Жанг қилди — дилида она ўгити.  
Муқаддас Днепр қирғоқларида  
Ҳасорат кўрсатди ўзбек йигити.

Атрофга ўт сочган фашист танкерин  
Тўп отиб, чўқтирди дарё тубига.  
Дзотдан мўлжалга олиб ҳар бирин —  
Бир ўзи бас келди ёвнинг кўпига.

Осондан ёғилган бомбадан э, вох,  
Юмилди ногаҳон Толмаснинг кўзи...  
Қора хат келса ҳам ишонмай ҳеч вақт,  
Кутади ўғлини туну кундузи.

Гўё Толмасжони уйлигу жойлик,  
Қириб келар ўғил-қизин етаклаб.  
Енида кўк кўзли келин чиройлик, —  
Сочқилар сочмоқчи унга этаклаб.

Катта невараси — Толмаснинг ўзи,  
Кичиги ўхшайди худди бувига.  
Ҳайҳотдек жим ҳовли келганда кези  
Тўлиб-тошар болалар кий-чувиға...

Шу хил ширин-ширин хаёллар ўйлаб,  
Ўғлини куяйди, кутди яна.  
Ҳар йили тикади Толмасга кўйлак,  
Бу йил қирқинчисин бичмоқчи, ана!

Умид узайтирар экан умрни,  
Фарзанд дийдорига муштоқ эх, она!  
Ҳануз йўл пойлайди тўкиб кўз нурин,  
Ғам-ташвиш, дард-ўлим унга бегона.

## ҚАҲРАМОН ЖАНГЧИГА

Ёвни енгиб, она юртингни  
Асраб қолдинг не-не кулфатдан.  
Ёвни енгдинг, оқлаб бурчингни —  
Элинг берган кучу қудратдан.

Аммо ҳалок бўлдинг охири,  
Кўплар йиғлар — кўзлар жиққа ёш.  
Дайди ўқнинг томчи ёмғири  
Умринг этди заҳарлаб одош.

Ҳа, алп ўғлон, умринг тугади,  
Видолашдинг мангу олам-ла.  
Бирок шон-шухратинг тугади,  
Ҳам қолади мангу оламда!

## ҒУРУР

Қўшним бор, кўпинча кўринар маёус —  
Гўёки қалбига яшринган олам.  
Узича гоҳида сўкиб устма-уст  
Тишин ғижирлатиб, тиришади ҳам.

Бир оёқлаб юрар кўчада аранг,  
Баъзан кўнгли ёруғ, баъзида хафа.  
Югурмоқчи бўлар ёшлардай, аттанг,  
Оёғи ўкситар уни ҳар дафъа.

Уқаси ўғлини уйлантирган кун  
Никоҳга бораркан чалишиб сурнай,  
Ўйинга тушмоқчи бўлар — бироқ у  
Нима ҳам қиларди — ўксинар бирдай.

Майдонда болалар ўйнашса футбол  
Томоша қилади қизиқиб чунон.  
Хаёлан киритмоқ бўлар ногоҳ гол —  
Охири хўрсинар дилида хуфтон.

Ўксина-ўксина жилмаяр аста  
Худди тоғ ағдарган кишидек мағрур —  
Ахир у шу бахтли ҳаёт деб жангда  
Оёғин йўқотган — ғурури арзир!



Орол оқшоми.

Р. Шамсутдинов фототўюди

# ДЕҲҚОН ДАСТҒЕРИ

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда техника хизматидан фойдаланиш яхши йўлга қўйилганлиги натижасида республикамизда етиштирилмаган ҳосил самарадорлиги ошди.

КПСС Марказий Комитетининг 1984 йил Октябрь пленуми материалларида «Илгари хўжаликлар тарқоқ ва бунинг устига кам унумли техника олишган бўлса, ҳозир машинасозлик энг замонавий машина комплекслари ва системаларини ишлаб чиқаришга ўтмоқда», деб алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмасида ҳам кейинги йилларда янги техникаларни яратиш устида диққатга лойиқ ишлар олиб борилмоқда. Яқинда бу ерда Пахтачилик машиналари ихтисослашган Бош конструкторлик бюроси (ГСКБ)нинг бош конструктор ўринбосари Геннадий Иванович Пальмин раҳбарлигида чигит экиш ва қатор ораларига ишлов бериш бўлими конструкторлари томонидан янги, қатор қўлайликларга эга бўлган СХУ—4 универсал чигит экиш сеялкаси ишлаб чиқаришга тавсия этилди. Мазкур сеялка республикамиз пахта далаларида муваффақиятли синовдан ўтди. Унинг «Универсаль» деб аталиши ҳам бежиз эмас. Ўзида СЧХ—4—А, СТХ—4—Б маркали сеялкаларнинг иш функцияларини мужассамлаштирган бу сеялкани 90 ҳамда 60 сантиметр оралигида чигит экишга мослаштириш мумкин. Шунингдек, сеялка тукли ва туксиз чигит ҳамда маккажўхори экишга ҳам мўлжалланган. Бунинг учун махсус кўрсатмада

белгиланган мослаштириш ишларини амалга ошириш кифойдир.


СХУ—4 универсал сеялкасининг ишлаш тартиби ўтмишдошларига нисбатан анчагина такомиллашган. Масалан, аввалги сеялкаларда иккита темир гилдирак ўрнатилган ҳамда сеялкани бошқариш ва чигитнинг бир текисда қадалишини назорат қилиш учун махсус сеялкачилар доимий банд бўларди. Энди эса ўрталикда битта шинали гилдирак ўрнатилган, «маркер»лари гидравлик усулда бошқариладиган универсал сеялка механик ҳайдовчи томонидан, кабинадан туриб назорат қилинади. Бундан ташқари, чигит экилгандан кейин биратўла суғориш ва ишлов бериш учун жўяк олиш, қаторларда бегона ўтларнинг униб чиқишига қарши гербицидлаш вазифаси ҳам сеялканинг ўзига «юклатилган». Экиш пайтида ва ундан кейин бажариладиган бир қанча жараёнлар минглаб сўм маблаг, тонналаб ёқилги, кўплаб ишчи кучларини иқтисод қилиш имкониятини беради. Мутахассислар сеялканинг уруғ қадаш мосламалари аниқ ва сифатли ишлаши таъминланишига алоҳида эътибор бердилар. Сеялкачи экиш жараёнида бирор камчиликни сезиб, то механик ҳайдовчига маълум қилгунча эгатларнинг бир неча метрига уруғ тушмай қолар, бу камчиликни тез бартараф этиш имкони йўқ эди. Натижада майдонларга уруғ сифатсиз қадалар ва бу белгиланган план, топшириқларга путур етказар эди. Мутахассислар бунинг ҳам чорасини топишди. Бу универсал сеялканинг асосий «юраги» дир. Горячкин номидаги Бутунитти-

қоқ Қишлоқ хўжалик машинасозлиги институти ходимлари, ГСКБ конструкторлари ва болгариялик мутахассислар томонидан яратилган «юрак» — «КЕДР-1» электрон системасидир. Бу система уруғ қадалишини аниқ назорат қилади. Мутахассисларнинг ҳисоблашича, СХУ—4 универсал сеялкасининг ҳар бири халқ хўжалигида бир йилда 481,8 сўм, қишлоқ хўжалигида эса 132,5 сўм иқтисод қилиш имкониятини беради.

Ўзбекистон Қишлоқ хўжалик машинасозлиги ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи шу кун-

ларда КПСС XXVIII съезди шарофига социалистик мусобақани авж олдириб, зиммаларига олган план ва топшириқларни сифатли ҳамда муддатидан олдин бажариш учун меҳнат қилмоқда. Коллектив 1985 йилда 8 минг 100 та СХУ—4 маркали универсал сеялка ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Ишлаб чиқариладиган сеялкалар Монголия, Ироқ, Ҳиндистон, Греция, Никарагуа, Танзания, Эфиопия каби пахта етиштирадиган ўн беш мамлакатга ҳам экспорт қилинади.

Баҳром ҒАЙБИШЕВ



Янги сеялка тайёр.

В. Мосин фотоси.

(Боши 13-бетда)

ёш запорозьликларни Германияга ҳайдаб кетди.

1943 йилнинг 22 октябрь кечаси 60-гвардиячи ўқчи дивизиянинг 185-полки қисмлари Днепр дарёсини ҳозирги Октябрь майдони ва «Қизил сув» деб аталмиш участкаларида кечиб ўтдилар. Десантчилар душман плацдармини эгалладилар. Бу — Хортица оролида қўлга киритилган дастлабки плацдарм эди. Бу ердаги қақшатқич жангларда В. Загородний, В. Кравцов, Ф. Иотко, И. Черноволенко, П. Нурмонов, А. Шилин каби жангчилар ўзларининг матонат ва жасоратлари билан алоҳида намуна кўрсатдилар.

Днепр дарёсини кечиб ўтиш ва Хортица ороли учун бўлган жангларда мен Суворов орденли 60-Павлоград гвардиячи ўқчи дивизиянинг 132-гвардиячи артиллерия полки 8-батареясида старшина унвонига разведкачи бўлиб иштирок қилган эдим.

Улғу Ватан уруши жангҳоқларида совет халқи эришган Буюк Ғалаба шонли Коммунистик партияимизнинг қудратли фаолияти самарасидир. Бу Ғалаба қонуний эди, зеро социализмнинг социал-иқтисодий афзалли-

лари бутун дунё меҳнаткашлари кўзи олдида яна бир бор тўла-тўқис намоён бўлди. Барча совет кичиларининг маънавий-сиёсий яқдиллиги, ўзининг дохийис — Коммунистик партия теварагида метиндек жипслашган СССР халқларининг дўстлиги Ғалабани таъминлаган бош омиллардан бўлди. Бу адолатли уруш фронтда ва фронт ортида оммавий қаҳрамонлик намуналарини рўёбга чиқарди. Фронтдаги жасоратлари учун 7 миллион совет жангчиси орден ва медаллар билан тақдирланди. 11 минг 603 киши Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлди, 104 киши бу унвонга икки марта, Г. К. Жуков тўрт марта, И. Кожедуб ва А. Покришкин уч марта сазовор бўлдилар.

Совет жангчиларининг бемисл матонати, Ватанга оташин муҳаббати ва душманга нафрати ҳақиқатан оммавийлик касб эди. Уруш йилларида 300 жангчи Александр Матросовнинг, 300 дан зиёд киши капитан Н. Гастеллонинг жасоратини қайтарди.

Армия ва фронт жангчилари билан бир сафда душманга қарши партизанлар ва подпольечилар қаҳрамонона кураш олиб бордилар. 1944 йилда бир миллион партизан жанговар сафда эди.

Улғу Ватан урушидаги Ғалабани таъ-

минлашда совет ҳарбий фани ва ҳарбий санъатининг афзалликлари алоҳида ўрин тутди. Коммунистик партия буюк саркардалар ва ҳарбий бошлиқларни тарбиялаб етиштирди, улар ўнлаб ажойиб операцияларга моҳирлик билан раҳбарлик қилдилар.

Уруш даврида СССР иқтисодий ғалабани ҳам қўлга киритди. Мамлакатимиз фашистлар Германиясига қараганда икки баравар зиёд ва сифатли ҳарбий техника ва қурол-яроғ ишлаб чиқарди. Ана шу йиллар мобайнида СССРда 112,1 минг жанговар самолёт, 102,8 минг танк ва ўзиюрар артиллерия қурилмалари, 834 минг тўп ва миномёт ишлаб чиқарилди.

Партияимизнинг аниқ мақсадга йўналтирилган қудратли идеологик фаолияти ҳам халқимизни ёвуз душманга қарши сафарбар этиш воситасига айлантирилди. Идеология ишларининг партиявийлиги, ҳаққонийлиги, оммага тушунарли тарзда қўйилиши алоҳида роль ўйнади. Омманинг онги ва шуурини забт этган Коммунистик партиянинг ҳаётбахш ғоялари Улғу Ватан урушида совет халқи Ғалабасини таъмин этган қудратли кучга айланди. Халқимиз қаҳрамонлиги миннатдор инсоният хотирасидан асло ўчмайди!



В. КОВИНИН. БРИГАДА.



А. ВИНЕР. ПАХТАКОР.



П. МОРДВИНЦЕВ. ПРОФЕССОР МАНЗУРА  
ХАЛИДОВА ПОРТРЕТИ.



Зоминда.

А. ВИНЕР. ТИНЧЛИК ҚУРУВЧИЛАРИ.





Тошкентдаги марказий дорихонада



Чорвоқ сув омбори.

А. Губейко фотолари.






М. СОДИҚОВ. ОЛОВКОРЛАР.



М. СОДИҚОВ. ЧОШГОҲ.



М. СОДИҚОВ. ГАЗЛИ.



М. СОДИҚОВ. ҲОВУЗ БУИДА.

# МЕХР КАМАЛАГИ



**ЗУЛФИЯ.**

Социалистик Меҳнат Қаҳрамони

## ҲАЛИ КЎП ТЕБРАНАР ҚЎЛИНГДА ҚАЛАМ

Бахтим бор:  
ажойиб кишиларо  
Тугилиб, гуркираб...  
кексаяр умрим,  
Ушалар шеъримга бахш этган савдо,  
Ҳаётим йўлини ёритган нурим.

Бир юзларимга бахш этар кулгу,  
Бир қонларимга солар ҳаяжон.  
Бир олға чорлар бўлиб оқ орзу  
Бир дер: ҳаётсан, юр орзу томон.

Ҳали қалбинг жувон юрагидай ёш,  
Асаблар кўтарар тоғни ортаанг ҳам,  
Кўзингга,  
қонингга олавер қуёш,  
Ҳали кўп тебранар қўлингда қалам...

1985

## НАҚАДАР ЕР ЖАМОЛИ АЖИБ...

Нақадар ер жамоли ажиб,  
Ҳар сония суврати ўзга.  
Кезмоқ мумкин овозда оқиб,  
Тутмоқ мумкин ҳавони кўзда.

Сўзсиз, куйсиз маҳлиёликни  
Аташ мумкин жарангли дoston.

Ҳаёт номли рўшноликни  
Мўйқалам-ла чизмоқдир осон.

Лекин мени отар бир ўйга  
Ҳар бир ранги олади кўзим.  
Гийҳлари маст этиб бўйга,  
Қайта мафтун сезаман ўзим.

Ва минг бора айтган қўшиқни  
Такрорлашдан ҳеч қилмайман ор.  
Такрор изхор этиб куллуқни,  
Ўлгунимча куйлайман такрор...  
1985

## ОТАШПАРАСТЛАР

Жануб тун денгиздай бетуб,  
Юлдузлари чанқайди сернур.  
Гўё жаҳон зулматин ютиб,  
Юксакликда шалоло ёнур.

Бу бир уфқ шафақдай гулхан,  
Табиатга инсондан туйфа.  
Сувни ўтга этишиб пайванд,  
Буюрмишлар: «Курашдан тўйма!»

Курашади  
Этак, соч олов,  
Нақ қасоскор лўли қиз рақсда.  
Инсон ақлин атаб беаёв,  
Оташ ва сув туганмас баҳсда.

Биз чиқамиз зинама-зина,  
Нақ меҳробга юрган сингари.  
Полапондай жонланар сийна,  
Оташ томон парвоз қилгани.

Икки аёл қўлини тутиб,  
Ўртамазда борар дўстиванд.

**Б**АШАРИЯТ маданияти тарихида бирор санъаткор йўқки, унинг ижодида Аёл — гўзаллик ва нафосатнинг жонли тажассуми бўлган Аёл улуғланмаган бўлсин. Аёл азалдан маданиятнинг, санъат ва адабиётнинг марказий қаҳрамони бўлиб, шоир ва адиблар, rassom ва ҳайкалтарошлар, бастакорлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб келди.

Ана шу Аёлнинг маданий обидалар, санъат ва адабиёт асарларининг муаллифи ҳам бўлиб Навоий ва Шекспир, Бехзод ва Рафаэль каби улуғ ижодкорлар силсиласига келиб қўшилиши учун неча-неча асрлар даркор бўлди, хотин-қизларга чинакам озодлик ва тенг ҳуқуқлилик олиб келувчи, уни Ҳамиятнинг фаол аъзоси ва курашчисига айлантувчи социал-тарихий бурилишлар даркор бўлди.

Ҳозирги даврда ана шундай оламшумул социал ўзгаришларнинг самараларидан бири сифатида кўп миллатли совет адабиётида бир қатор истеъодли аёл ижодкорлар самарали меҳнат қилмоқдалар. Ана шу гўзал ижод соҳибалари орасида Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Зулфиянинг ҳам муносиб ўрни бор.

Атоқли ўзбек совет шоираси Зулфия тўғрисида сўз борар экан, унинг сценарийси асосида суратга олинган «Ўзбек атласи» номли ҳужжатли фильмда нақл қилинган бир ривоят беихтиёр хотирага тушади.

Бу ривоятда бирдан-бир қизини подшо қўлидан қутқариш учун булутдек майин, инсон дилига ором ва фароғат бағишловчи ранглар силсиласини ўйлаб топиб, ипак толаларнинг турли жойларидан тарам-тарам боғлаб, уларга қўзни камаштирувчи ранглар берган — атлас тўкиган уста ҳақида сўз боради.

Бу ажиб ривоят, назаримизда, факатгина ўзбекнинг сеvimли миллий матоси эмас, балки ажойиб шоирамизнинг атласдек ёрқин ва нафис бўёқларга бой ижодининг, ноёб шеърларининг пайдо бўлиши ҳақида ҳам ҳикоя қилади. Зероки, Зулфия ўзининг энг яхши асарлари учун ранг ва жилва излаб, қишлоқ ва шаҳарларнинггина эмас, қардош юртлар ва қўшни мамлакатларни ҳам кезиб, меҳнат ва ижод билан машғул бўлган кишиларнинг покиза руҳий оламидан, умид ва орзулари ҳамда интилишларидан тинимсиз оқид олди. Шунинг учун ҳам, Микола Важан ёзганидек,

«Зулфия шеърятининг уфқлари узоқ-узоқ кенгликларга қулоч ёйгандир. Бу уфқларга мўъжаз Водилдан то азим Тошкентгача бўлган масофа торлик қилади. Бу уфқларни улкан Москвагача, ундан узоқ Фарбога ҳамда олис Шарққа чўзилган беада кенглик билан ўлчаш мумкин».

Ўзбекистон халқ шоири Зулфия ярим асрдан зиёдрок давр мобайнида ўзининг янгрқк шеъри билан «қуллик ва асрий зулматнинг ҳамма занжирларини парчалаб ташлашга қодир бўлган» ўзбек аёлларини, умуман совет кишиларини, қолаверса, Яқин ва Ўрта Шарқдаги эрксевар халқларни, улар ҳаётининг «оппоқ нури тонги»ни куйлаб келмоқда. Ўзбек шоирасининг тинчлик ва озодлик, ҳақиқат ва адолат, муҳаббат ва садоқат, олижаноблик ва гўзаллик, қардошлик ва биродарлик туйғулари, кечинмалари ҳамда гоъялари билан йўғрилган бу куйлари ҳозир ер курашидаги барча қитъаларда яшовчи элликка яқин халқлар тилида жарангламоқда.

Зулфия болалик кезларида шаҳар атрофидаги қорли тоғларнинг мафтунли бўлганини эслаб, бундай ёзган эди: «Тоғлар ортида нима борлигини онамдан сўрасам, онам бечора: «Қайдан билай, унинг орқасида қандай манзарали жойлар бор? У ерга чиқолмасам, кўрған бўлмасам. У ерга чиқиб бўлмайди, ҳеч ким чиқолмаган», — деди ишонч билан.»

Шоира онаси тасаввур ҳам қилолмаган тоғлар ортидаги шаҳарлар ва мамлакатларни ўз кўзи билан кўрди. Ҳиндистон ва Шри Ланка, Япония ва Вирма, Колумбо ва Югославия, Миср ва Болгария сингари мамлакатларда бўлди. Бу халқларнинг маданияти ва урф-одатлари билан, орзу ва интилишлари билан танишди. Унинг ҳаёт ҳақидаги тасаввурлари қўшни шаҳарлар ва республикаларга қилган сафар чоғларида яна ҳам бойиди.

Одам боласи қанчалик истеъодли бўлмасин, агар у катта ва жиддий масалалар тўғрисида ўйламаса, у юксак инсон номига муассар бўла олмайди. Шоир қанчалик истеъодли бўлмасин, агар у ўзининг шахсий дарди, туйғулари, қарашлари, мушоҳадаларидан келиб чиқиб, халқнинг, жамиятнинг нозик торларини чертиб юбормаса, ўз миллиятининг тақдирини жаҳон халқлари тақдири билан қўшиб куйлай олмас, у чинакам халқ шоири бўла олмайди. Зулфиянинг урушдан кейинги, айниқса 50- ва 60-йилларда катта ва қайноқ ҳаёт бағрида яшаши, бунёдкор ҳаёт

Эркаларсиз ёнимас ўнгини,  
Эркаларсиз ёнимас ўнгини.

Деймиз унга:  
Олов на даркор,  
Бор киефанг торлик вулкони.  
Прометей ўтга қолса зор,  
Сенга келар совигаҳ қони.

У оташга бизни эргаштир,  
Ўт олайлик кафтимиз тутиб.  
Сўнг тонггача машқ этайлик шеър,  
Оташ кучин тараннум этиб...

Олиб чикди.  
Сеҳрлангандай  
Юзларимиз бўлди оташранг.  
Олов тиллар асрилагандай,  
Илк бор бизга шодлик берди жанг.

Шамдай эриб юраклар шу тун,  
Чақнаб юрдик толе кафтида.  
Кўзимизда ёнган у учқун,  
Оташданми, ё дил тафтидан?..

халқининг пешқадам кишилари сафида меҳнат қилиши, миллий ҳудудлардан чиқиб, халқро ҳаёт масалалари ва ташвишлари билан нафас олиши унинг ижодида кескин бурилиш ясади, унинг номини, асарларини, ижодини оламга машҳур қилди.

Лекин, Зулфия 50- ва 60-йилларга келибгина танилди, дейиш нотўғри бўлурди. Унинг ижодини мунтазам кузатиб келган шоирлардан бири — Миртемир «чўчиб-чўчиб калам олган... сочи жамаляклигидаёқ ёзганлари матбуот саҳифасида кўрина бошлади» қизалоқ ҳақида сўзлаб, унинг «биринчи кунлардаёқ ўзбек аёлининг дардини ва орзусини сарроет куйламоққа тушган»ини ёзган эди. Ойбек эса: «Шоира Зулфиянинг адабиёт оламидаги овозини биринчи эшитганимда, биринчи шеърларини ўқиганимда, илҳомининг тозалиги, хисларининг нафислиги, шеърларининг самимийлигидан суюнган эдим. Шоира ижодиёт машаққатидан завқ, нашъа туйиб, халқ ила бирга, халқ юрагидан куйлаб яшайди».

Зулфия ўзининг илк ижодий одимлари биланоқ Ойбек, Гафур Ғулум, Ҳамид Олимжон, Уйғун, Ойдин, Миртемир сингари ўзбек совет шоирларининг диққат-эътиборини қозонди. Кейинчалик унинг ижоди тобора юксала борар экан, Н. Тихонов ва С. Шчиничев, М. Вахан ва Э. Оғницвет, В. Инбер ва С. Капункиян, М. Турсунзода каби кўп миллатли совет шеърятининг ёрқин юлдузлари ҳам уни меҳр билан кузата бошладилар. Бундай улкан адиблар билан ижодий ўстлик муносабатлари ўрнатиши Зулфия қаламининг янада чархланиши, шеърый сўзининг яна ҳам сайқалланишига ёрдам берди.

Зулфия шоира сифатида ўзбек шеърятига ўз замондошларининг, шу жумладан ўзбек аёлларининг гўзал маънавий оламини олиб кирди; адабий қаҳрамонларимиз галереясини улуг мақсад ва интилишлар билан йўғрилган, фидойи ва олижаноб кишиларнинг образлари билан бойитди;

Пешонадан йиллар изларин  
Ялаб кетди гулхан тиллари.  
Оташпараст Шарқнинг қиларин  
Бир йўқлади ёшлик йиллари...

1975

## ЕМҒИР

Ёмғир, сен табиат саҳий фарзанди,  
Менга кўрсат йўл.  
Санъатинг ювади еру кўк гардин,  
Эзгулигинг мўл.

Бир йўла бир азим чўлу саҳрога,  
Осмон кўяр лаб.  
Ҳали ишқ билмаган Одам Ҳавога  
Бахш этгандай қалб.

Кўриқлар кўксига яқинлаб кўклам,  
Уйғонар тупроқ.  
Илиқ нафасингдан баҳра олган дам,  
Эрийди музалоқ.

Чидам ва куч шунчаки эмас,  
балки хавф-хатар ичига эрдай  
кириш, кишиларнинг, табиат-  
нинг, жамиятнинг бир қорига  
яраш учун керак:

Севинча — севиңч-ла,  
Ҳаётга, жубушга  
Кураш, исеб билан кираман эрдай,  
Енаётган сувга,  
гўдакка,  
кушга

Кафтимни тутаман халоскор ердай!

Бу мисраларда шоира лирик қаҳрамонининг ғоявий мағзи ёрқин ифодаланади. Ёдингизда бўлса, Зулфиянинг 60-йилларда ёзган шеърларида: «Игна билан мен қазиб қудук, ўша чашма кўзин очаман. Кор қилмаса қалбимдаги ўт, сочим ёқиб, учқун сочаман», дея хайқирган лирик қаҳрамон образида янги сифатлар мужассамлашган эди. Лирик қаҳрамон характеридаги бу фидойилик, ундаги ўта чархланган, «ялиғланган» бурч ва масъулият туйғуси кейинчалик янада баяндаларда ифодаланди. Бу ҳол Зулфия шеърларидаги самимийликнинг, жўшқинликнинг, курашчан руҳнинг тагин ҳам ошишига олиб келди.

Бир вақтлар ҳассос рус шоирларидан бири Вера Инбер Зулфия шеърятини тўғрисида сўзлаб, бундай деган эди: «Фикрларнинг теранлиги туйғуларнинг сертўқинлиги билан ҳамоҳанг. Унда ҳамниша халқларнинг тинчлик ва бахт-саодатини тараннум этувчи поэзииси садосини эшитиб тураман киши». Чиндан ҳам, Зулфия шеърларида Тўмарис каби халқ қаҳрамонларига хос руҳинга эмас, балки матонатни, заковатчи, саодатни, фароғатни улугловчи жаҳон халқлари шеърятининг анъаналарини ҳам балкиб кўринади. Демак, у ўз ижоди билан турли халқларнинг маданиятларини, шеърятларини ўзаро жипелаштириб ҳам туради. Демак, унинг ижодини жаҳон шеърятини контекстда ҳам кўриш ва текшириш мумкин.

Шоира «Огонёк» журналининг муҳбири билан қилган суҳбатда бундай деган эди: «Мен янги шеърлар устида ишлар эканман,

Сеннинг санъатингга бир шоғирд тушиб,  
Томчи бўлай мен.  
Дилимни парчалаб томчингга қўшиб,  
Чўл қамчилай мен.

Бугдойми, чигитми, не бор уругга,  
Бағишлай ривож.  
Дехқонлар кўрсатган доно йўриг-ла  
Ҳис этай қувонч...

Бир одам табиат қўйнида томчи  
Бўлмоқ ҳам толе.  
Қалб, мени шу ёмғир йўлига солчи,  
Яшай сафоли.

Ох, ёмғир, ҳар салқин ҳаётбахш томчинг  
Кўзгайди ҳавас.  
Севгимдай бешафқат бўлса гар қамчинг,  
Итқит, бўл шаррос.

Қувончлар тағида қолган дард қумин  
Ювиб кет бирдан!  
Узлатга беғона кўксим тўлқини  
Қуйласин нурдан...

1976

ўзбек шеърига фидокор лирик қаҳрамонининг эҳтирослари билан уйғун бўлган мавжларини, асримизнинг мураккаб ва серовоз садоларию шиддатли зарбларини киритди.

Зулфия шеърларининг пафосини лирик қаҳрамоннинг руҳий олами, унинг қалб тебранишлари белгилаб келади. Бу лирик қаҳрамон халқ ва мамлакат тақдирини билан қанчалик чамбарчас алоқад бўлар экан, унинг кечинмалари ва туйғулари шунчалик ҳаётийлик, теранлик ва шунчалик катта ижтимоий садо касб этади. Унинг «Ўғлим, сира бўлмайдиган уруш!», «Мушоира» каби шеърлари, «Юрагимга яқин кишилар», «Юрак ҳамма вақт йўлда», «Уйлар», «Камалак» ва «Денгиз бўлиб чайқалар юрак» каби шеърли туркумлари бу фикрнинг далилидир.

Зулфия ижоди шеърдан-шеърга, туркумдан-туркумга янги сифатлар касб этиб борар экан, унинг шеърятинидаги эҳтирос тўлқинлари сусаймай, аксинча, янада тошиб, янги соҳиллар сари, янги уфқлар сари талпинди. Унинг лирик қаҳрамони бўрондан кўрқмайди, аксинча, ҳаётнинг синовчан дақиқаларида энг муҳим фазилатлари дафъатан нурланиб кетади.

Мана, бўрон гирдобиди қолган қаҳрамон:

Қани авжга кўтар бор жазавангинг,  
Юз томондан силта изғирик  
камчинг.  
Танам бўйлаб ҳайда ўт аравангинг,  
Дул бўлиб ёғилсин ҳаётбахш  
томчинг.

Юлқи ва тортқила, бос  
бошларимдан,  
Билай, яна етар неларга кучим...

Пўлат чидам, метин ирода ва улуг мақсадларга эга қаҳрамонгина ана шу тарзда бўрондан ҳаловат излаши, бўронсиз юракни жонсиз, бўронсиз ҳаётни нурсиз, деб билиши мумкин. Шунинг учун ҳам Зулфиянинг лирик қаҳрамони ўтган бўронли умрига ачинмайди, бекор ўтган дамлар уни тош бўлиб эсади, бедор тунлар қалб нурлари билан тун зулматини даф этмоқчи бўлади.

янгилик талаби асло формал талаб эмаслигига, унинг воқеалардаги ранг-барангликдан эканига ишонч ҳосил қилдим. Агар мавзунинг ичига чуқурроқ кирилса, бадийи қашфиёт имкониятларининг чексиз экани равшан бўлади». Бу сўзлар шоирнинг кейинги шеърый туркумларида айниқса кенг тус олган янгича мавжлар, янгича оҳанглар, янгича ритмларни тўғри тушунишимизга имкон туғдиради.

Зулфиянинг сўнги туркумларига кирган шеърларидан бирида бундай латиф бир манзара тасвирланади. Лирик қаҳрамон баҳор қўйнида. Чексиз кенгликлар кўксиди анор доналаридек сочили, лолалар ётибди. Лола сайғони бузиш ўйида жала жала куйиб беради. Жаладан сўнг эса алвон аргамчи ташлаб, уфқда камалак пайдо бўлади. Табиатнинг бу ажиб мўъжизаси лирик қаҳрамонга уфқдан-уфққа ташланган кўприк бўлиб туюлади:

Не бахт!  
Янги йўлга қорлар камалак:  
Йўл — қўшиқ!  
Инсонлар қалбига тагин  
Янги қаҳрамонлик,  
Мўъжиза тафтин  
Забт этмак аздамда жўнаб қоламан...

Янги доvon олдида, янги ижодий уфқларни забт этиш иштиёқида яшаётган шоирани фақат бир нараса безовта қилади. Бу — инсонлар қалбига янги қаҳрамонлик ва мўъжиза тафтини бағишлашдир. Ана шундай юксак ташвиш, ана шундай юксак дард билан яшаш учун шоир ҳам маълум бир юксалиқда бўлиши юксак мақсадлар билан яшаш лозим. Зулфия ҳамниша юксак мақсадлар билан яшаган шоирадир. Зулфия яратган шеърый камалак ҳамниша баяндалардан ўз гулларини сочган камалакдир.

Биз ана шу камалак нурлари йилдан-йилга янги-янги жиллар касб этишига, китобхон қалбини, мухлислар қалбини, кадрдон халқ қалбини тагин ҳам иситишига астойдил ишонамиз.

Наим КАРИМОВ,  
филология фанлари кандидати



Ҳамид ТОЖИБОЕВ

**Х**ИКОЯМИЗ қахрамони самарқандлик Шариф Саматов армия сафига Улуг Ватан уруши бошланишидан анча илгари қақирилди. 1941 йилнинг 22 июнида у Прут дарёси бўйида — 149-танкчи десант дивизиюсида рота командири эди. Вақтинча чекинишлар аламини, ва укубатини Шариф ҳам қуролдошлари билан ўз бошидан кечирди.

Полк 1942 йил ёзининг бошларида Воронежга келиб қолган эди. Шаҳар учун шиддатли жанглар борарди. Фашистлар шаҳарни эгаллашга зўр бериб уринар, аммо Қизил Армиянинг қудратли зарбалари туфайли олга силжи олмас эди. Муттасил кўча жанглари давом этар, шаҳар осмонида душман самолётлари кузгундек чарх урар эди. Шариф ва унинг дўстлари ҳар қарич ер учун жон бериб, жон олишди.

7 июль куни қандайдир бир куч уни водопровод чуқурига улоқтириб ташлади. Теваракда немис солдат ва офицерлари изгиб юришарди. У хушига келиб воқеага дарҳол тушунди: уни тўрт томонга уч-тўрт қатор электр токи ўтказилган симлар билан ўраб олинган концентрацион лагерга ташлашди.

Орадан бир неча кун ўтгач, Шариф бир гуруҳ ҳарбий асирлар билан Чехословакиянинг Братислава шаҳрига жўнатилди. Кейин Австриянинг Клагенфурт, Филлах шаҳарлари атрофида жойлашган сиёсий маҳбуслар қамқолагерига келтирилди. Фашистлар бу жойни гарчи тош кесиш карьери дейишса ҳам, аслида ўлим лагери эди. Тонг гирашрасида тоққа тош кесиш учун ҳайдаб кетилган маҳбуслардан кечкурун ярми қайтарди...

Саматов бу жаҳаннамдан қандай бўлмасин қочини йўлини ахтаради. У немис тилини ўрганишга киришди. Нихоятда эҳтиёткорлик билан иш тутиб, Николай Цикадзе ва Василий Криловлар ҳамкорликда бутун лагерда кўзғолон кўтаришга уриниб кўришди. Баракларда бир неча тилда нийирин кўлбэма варақалар пайдо бўлди. Бирок, 1943 йилнинг январь ойидан апрелигача тайёрғарлик кўрилган кўзғолон қайсиқидир сотқини туфайли барбод қилинди.

Кун сайин Шариф Саматовнинг мадори қуриб, эрта-индин бошқалар қатори «ишга яроксиз» ҳисобланиб отиб ташланишига ёки гидрақлик жаҳаннам машинасида газда бўйиб ўлдирилишига кўзи етиб қолди. Унинг дўстлари Николай билан Василий ҳам аллақачон ўлим ёқасида эдилар.

1943 йилнинг 28 апрели. Тушдан сўнг осмонни қора булут қоплаб, ёмғир савалай бошлади. Иш тугаши олдиндан сел куйгани жуда яхши бўлди. Уч ўртоқ пайт пойлаб соқчига ташланишди. Уни ўлдириб, қуролини олишди-да, яқиндаги буталар орасига кириб гойиб бўлишди...

Словения тоғлари. Улар эркин нафас ола бошладилар. Баландда ҳаво ёришиб, мусаффо осмонда юлдузлар жимирлайди.

Қочқоқлар очлик ва чарчоқ азобини енгиб, Югославиянинг Есенице районидаги бир қишлоққа етиб келишди. Бир неча омонат уйлардангина иборат бу қишлоқда овчилик билан кун кечирувчи ўрмончилар яшарди. Тоғликлар уларни кўриб хайрон қолишди.

— Биз руслармиз, — деди Крилов имоишора билан, — Филлах қамоқ лагеридан қочдик. Ердан беринглар.

Уй эгаси қўлини узатиб:

— Пардук, — дея ўзини таништирди.

Пардук уларни сунт ва нон билан меҳмон қилди. Сўнгра уларни Шимолий Югославияда ҳаракат қилаётган партизанлар отрядининг командири Алексей Дубрович билан таништирди.

Дубрович йигитларни отряднинг интернационал қисмига жойлаштирди. Уша пайт Шарқий фронтда қўрага кирган бўридай калтак еб қочаётган немис-италиян фашистлари бу ерда ҳам партизанларнинг қақшатқич зарбасига дуч келаётганди. Шу сабабли улар жон талвасида Югославия шаҳар ва қишлоқларини талаш, ўт қўйини, гуноҳсиз кишиларни ўлдириш каби қабиҳликларни авж олдириб юборгандилар. Бундан газабланган халқнинг ақсарияти партизанлар сафига қўшилди.

Бир кун Дубрович Шарифни хузурига чақирди.

— Сиз икки-уч йигит билан разведкага борасиз, — деди унга столдаги харитага энгашиб, қалам учи билан маълум территорияларни кўрсатаркан. — Қараган, мана шу қишлоқларда жойлашган немис гарнизонлари ҳақида маълумот олиб келишингиз керак.

Шариф бир француз ва бир словениялик йигит билан бирга йўлга чикди. Улар ясси тепаликлар оша Паменко қишлоғига етгач, уч томонга ажралишди. Шариф эҳтиётлик билан қишлоқ четигади уйлар яқинига борди. Деразадан мўраллади — уйда чолу кампир ўтиришибди. Шариф деразани секин чертган эди, бир мўйсафид эшикни истари-истамас очди-да, «нима юмушинг бор эди, кривавер», деди.

Чол: «Сенга егулик олиб келаман», деганича эшикни қулфлаб қаёққадир гойиб бўлди. Шариф ҳавотир олиб атрофга алаңдай бошлади. Шунда кампир тикишдан бош кўтарди: «Ўтиравер, қўрқма», деди-да, ўз иши билан банд бўлди.

Ҳадемай эшик очилди, уй эгасининг ҳамроҳлигида автомат ушлаган икки немис солдати, бир кичик офицер кириб келишди. Шарифни тинтидилар. Ҳеч нарса топилмагач, солдатлардан бири уни автомат билан туртиб, эшик томон итарди. Шариф офицерларга таъзим қилиб турган чолга ўқрайиб тикилганича:

— Сотқин! — деди.

Вақт кеч бўлгани учун унинг қўлларини орқага боғлаб, бир уйга қамаб қўйишди.

— Энди бу ёғи нима бўлади? — Шариф хаёллarga ботди. — Ингитлар бирор натижа чиқаришдими? — Қандай йўл билан бўлмасин қочин керак.

У қўлларини бир амаллаб ечди. Сўнгра не машаққатлар билан девор остидан тешик очиб, энди қочган эди ҳамки, соқчи сезиб қолди шекилли, кетидан ўқ овози эшитилди. Уни бу гал ҳам ўрмонзор қутқариб қолди. У шунчалик тез югурдики, натижада қўлбетлари тямдланиб, қонаб кетди... Ўрмон тугача, рўпарада баянда тоғлар кўринди. Бу шимолий Италия тоғлари эди.

Орадан беш кун ўтди. Шарифнинг очликдан тинкаси қуриган. На қишлоқ, на бирор

йўл бор. Фақат тоғ ўрмонидаги меваларгина унинг жонига оро кирди. Олтинчи кун кечаси хўрознинг қичқирғи қулоққа чалинди. Шариф ўша томон юрди. Дарахтлар орасидан уйлар кўрина бошлади. Бу Кулено қишлоғи эди. Шариф таваккал қилиб қишлоқ четигади уйлардан бирига кирди. У ерда бир неча эркак ва аёллар бор эди. Шариф ўз бошидан кечирганларини уларга гапириб берди. Тонг отгунча шу ерда тунаб қолди. Эрта тонг улар кўрсатган Любляна-Триест йўлига чикди. Бу йўлдан немис-италиян ҳарбий қисмлари ўтиб борарди. Шариф йўл четигади буталар орасида писиб ётди. Қисмлар ўтиб бўлди. Бироздан сўнг узокдан велосипед минган немис солдатларининг қораси кўринди. Энг охиридаги солдат яқин келиши билан Шариф унга ташланди-да, зарб билан сулайтириб, велосипед билан солдатнинг жасадини ўрмонга судраб кирди.

Бир оз вақт ўтмасдан немис сержанти кийимини кийиб, катта йўлдан қадам ташлаб борарди.

Миланнинг Баджо ишчилар шаҳарчасидаги ресторан. Унинг тутун босган залида ҳар хил одам бор. Шариф четроқдаги стулга ўтириб, бир стакан вино буюрди. Уни секин шимириб, зални кўзатаркан, икки-уч одамнинг ҳаракати унга алатанечук бўлиб туюлди. Бегона кишилар буни сезишди. Улардан бири стаканини кўтариб, Шариф ёнига келиб ўтирди-да, немис тилида гапирди.

— Йигитча, немисмисиз?

— Албатта.

— Кечирасиз, лекин менга қолса, асло немис эмассиз, улар малла, сиз эса қорадан келган экансиз. — Сўнг қулиб, секингина украин тилида ашуда бошлади.

— Сиз буни қаёқдан биласиз? — сўради Шариф.


— Шарқий фронт — Украинада бўлганман.

Шариф бу италян йигити билан учрашганда 1944 йилнинг бошлари эди. Ренато Амбрузини учувчи бўлиб, италян ватанпарварларидан эди. Ренато Шарифнинг шаҳарда қолишини маъқул кўрди. Шариф ишга киришди. Ренато таништирган италян йигити билан қўлига тушган қурол-яроғ, ўқ-дори, ҳарбий аҳамиятга эга бўлган маълумотларни партизанлар отрядига жўнатиб турди.

Шариф билан Ренато партизанлар отрядининг командири Антони Бени билан учрашдилар.

Шундай қилиб, Шариф италян партизанлари сафига хизмат қила бошлади. Улар билан немис-фашист гарнизонларига қарши олиб бориладган жанговар операциялар, поезд ва автомашиналарни қўпориб, қурол-яроғ, ўқ-дори топиш каби жанговар ишларда қатнашди.

Бир неча партизан билан немис солдат ва офицерларнинг кийимини кийиб, станциядаги италян солдатлари қўрқиблаб турган поезддан қурол тушираётган пайтда Шариф яна қўлга тушди. Сўроқ ва қийнашлардан сўнг отишга ҳукм қилинди. Ҳукм 1945 йил 1 май куни ижро этилиши лозим эди. Бу ҳақда Шимолий Италия партизанларининг комиссари Молливари Торквато Шариф Саматовга берган справкасида шундай ёзади:



Самар НҲР

ҲИКОЯ

**К**ИШ КУНЛАРИ бир тутам. Қўза очиб-юмгунча шом қўнади. У тракторни таъмир қилаётган катта, совуқ устахонадан азои бадани увишиб, хориб чикканида, атрофга ғира-шира қоронгулик чўккан эди. Қоровулхонадаги ойнага бориб қаради: кийим-кечаклари доғ-дуг, куёнтери кулоқчинига чанг-чунг қўниб қотган. Озгин юзларидаги ажинларда, киприк ва қошлари остида темир-терсақ қуруми қорайиб турибди. Бармоқларининг, қалин тирноқларининг учи қора. Бадаани увишгани учун душга кирмади: «Уйга бориб, қўлбола ҳаммомда ҳузур қилиб чўмиламан. Ғўзапояни айвонга бостириб қўйганмиз, ёқаверамиз гупиллатиб!» — Кутби амаки, хо-о! — устахона чорбоғидан югуриб келётган дароз, дали-ғули шогирди Остонақулнинг шангиллагани эшитилди. — Тўхтанг, бирга кетамиз! — У ариқдан хатлаб, дарвозахонада устозига етиб олди. — Индамай кетасиз-а?

Кутби амаки Остонақулга ҳорғин қаради:

— Нима, жар солайми устахонани бошимга кўтариб?

Остонақул илжайганича узун қўллари билан устозининг тирсагидан шовшиб ушлади:

— Биламан, эшитдим, эски тракторингизни «списать» этиб янгисини беришайтган экан? Нима қиласиз ўша ташланадиган нарсани ремонт қилиб? Металломга шундоқ ҳам кетаверади?!

— Кулогингни, тилингни кўп ишлатгунча, ақлингни, қўлларингни ишлатсанг, ўзингга ҳам, хўжаликка ҳам кўпроқ фойда бўларди.

— Ишонмайсизми? — Йигит Кутби амакининг тирсагидан ушлаб тортиди. — Одамларга хайронсан, чин гапга ишонмайди, ёлгонга ишонишади.

— Бўлди, кўп вайсама, ука. — Ишонмадингиз-а?! — У олдинга ўтиб, Кутби амакининг йўлини тўсди. Бармоқлари билан кўзини кўрсатди. — Мана шу кўзларим билан кўрдим. Механик аканинг қўлида думалоқ муҳр босилган акт қоғози, директор ҳам, инженер ҳам имзо қўйган. Маза-да, мойи кетмаган яп-янгисини оласиз!

— Янгиси нима керак менга, — Кутби амакининг товуши суст эшитилди. Қадрдонидан айриладигандек юраги «шув» этди. — Менга ўша («эски») дейишга тили айланмади! кадрдоним ҳам бўлаверади.

— Ношукурчилик қилманг, ичингизда «жон» деб турибсиз-а! Яна...

— «Яна» нима?! — Кутби амаки Остонақулни, йўлини тўсма, дегандай туртди. — Нима «яна»? Сенларга ҳар куни янгиси бўлса, қаердан, қандай келишини суриштирмай, семичка пўчоғидек чақиб ташлайверсанг! Давлатга, халққа қанчага тушади у, биласанми! Доҳиймиз Лениндай одам, мамлакатда эллик минг трактор бўлишини орзу қилган-а! Ҳозир ҳар бир районда бор эллик-юз! Бойиб кетдик. Сен ричагни тортишдан бошқа нарсани билмайсан-у...

Йигит чиндан ҳам тракторни яхши билмайди, гувиллатиб ҳайдашга ишқивоз. Бир мавсум ишлаган янги тракторни икки ойдан буён таъмир қилолмай гаранг юрипти. Шунинг учун ҳафсаласи пир бўлди:

— Менга нима, билганимни айтдим-да.

— Билганинг... — Кутби амаки аламга чидолмай, Исанинг ўчини Мусадан олди. — Сен нима биласан ўзи?! — Йигитга ўқрайди-да, терс бурилиб кетди.

Остонақул унинг ортидан оғзи очилиб қаққайиб турди-да, кейин кўрсаткич бармоғини чеккасига шуриф буряётгандек тираб, хузурланиб кулди.

— Аф-фанди. Янги тракторни механизатор бошлиқларга базм қилиб бериб ҳам ололмай юри-

шибди-ю, бу киши ноз қиладилар. Менга олиб берам ҳам ноумид қолдирмасдим. Мияси суюлган чол!

\* \* \*

Механик телефонда гаплашайтган экан. Кутби амакига: «Утиринг», дегандай қатор турган курсиларга ишора қилди-да, телефонни кулогидан узмади. Трубкага кириб кетмоқчидай бошини эгиб, лабларини чўчайтирди:

— Майли, мен розиман. Лекин бизнинг илтимосни ҳам унутманг. Хўп. — Трубкани илгакка қўйиб, Кутби амакига ўғирилди. — Хўш, хизмат?

— Мен беҳабар, тракторни йўққа чиқармоқчи бўлибсизлар? — Кутби амаки ўрнидан туриб, титраган йўғон бармоқларини столга тиради.

— Нима қипти?! — Механик корафталик билан қоғозлардан кўз узмай титкилади. Кутби амакининг қони қайнаб, гувилаб бошига урди: «Кечагина отасининг югур-югури билан институтни амал-тақал қилиб битириб келувди. Тунов кунинга қўл кўтариб, уни партияга олувдик. Дарров димоғи кўтарилиб қолди. Бу кетишда...»

Механик эса Кутби амакига ақл ўргатмоқчи бўлди:

«Шимолий Италияни озод қилиш миллий комитети, Партизанлар марказий кўмондонлиги Тичено сектори.

Рус граждани Александр (Шариф) Саматовнинг партизанлик фаолияти 1944 йил январь ойида бошланди. Бундан олдин ҳам у душманга «қарши курашда» ақтвлик кўрсатган. У кўзголон арафасида сектор кўмондонлигининг топиригини намунали бажариб, пропагандалик ҳаракатида молик нарақа ва плакатлар тарқатишда актив қатнашди.

У сектор кўмондонлигининг операцияларидан бирини бажарётганда немислар томонидан қўлга туширилади ва отишга ҳукм қилинади. 1945 йил 25 апрел кўзголони туфайли озод қилинади.

Комиссар Молиари ТОРКВАТО.

1945 йил 25 апрелда партизанлар кўмондонини Луизи Лонго, комиссар Петр Сокко раҳбарлигида тўсатдан кўзголон бошланди. Бу кўзголонда 350 минг партизан қатнашди. Шу жумладан, фашизмга қарши бўлган халқлар ҳам. Бирдан кўтарилган кўзголон натижасида фашистларнинг бирор самолёти, бирор танки ҳам жангга қира олмади.

По дарёси соҳилигача бўлган территория партизанлар қўлида эди. Гитлернинг ювиндихўри Бенито Муссолини ҳам қоча олмади. 1945 йил 28 апрелда Муссолини партизанлар томонидан Италия-Швейцария чегараси яқинида қўлга олинди ва Шимолий Италия Миллий озодлик комитетининг ҳарбий трибунали ҳукмига мувофиқ отиб ўлдирилди. Сўнгра Муссолинининг ўлиги, Кларита (Муссолинининг севгилиси), Истрачи, Петачи-

ларни олиб келиб, Милан шаҳридаги Пица мачелари (қассоблар майдончасида) оёқларидан осдилар.

Италия халқи ҳамкорлигида Шариф Саматов ўз отряди билан уларнинг жонли гувоҳи бўлди. Сўнгра у ўз дўстлари билан самимий хайр-хўшлашиб она-Ватанига, киндик қони тўкилган Самарқандга қайтиб келди.

Шариф Саматов урушдан сўнгги йилларда ҳам тиниб-тинчимай меҳнат қилди. Уйланди, фарзандли, ували-жували бўлди. Ёшларни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялашдек олижаноб ишга бебаҳо ҳисса қўшди.

Нуфузли ветеранимиз Галабининг шонли қирқ йиллик тантанасига етиб келди олмади. Лекин у ўзи билан мулоқотда бўлган ёшлар қалбида бир умрга ўчмас, порлоқ хотира қолдирди.

— У темир-ку, паймонаси тўлса, одам қазо қилади-ку.

Қутби амакига механикнинг лоқайдлиги, ўзидан ёши улуг бир меҳнаткашга бошини кўтармай, бепасанд муомалада бўлиши қаттиқ ботди:

— Бўғидан жони чиқмаган одами кўманларини эшитганмисан сира?!

— Сенсирманг! — Механик энди бошини кўтариб, Қутби амакининг бўзриққан гўштор юзи, жигаранг йўғон бўйни, миллари қизил кўзларига тешиб юборгудек қаҳр билан тикилди. — Мен сизнинг чурвақаларингиздан эмасман. Коммунистсиз, мен ҳам...

«Мен-мен» лагунча бошинини ишлаб, қорозга эмас, элга бош қилиб қўйилган мутасадди раҳбарсан. Кўмишдан олдин у ёқ-бу ёғига қара, кўр. Кейин имзо че!

Механик хатосини сезд: анча юмшаб, бир баҳа паст тунса ҳам, бари бир масъулиятни ўзидан соқит қилди:

— Шундоқ буйруқ — қороз келган юқоридан. Мен кичкина одамман, буйруқни бажаришим керак. Менга колса... оламан деб югуриб юрганлар кўп... қишлоқда ҳам!

— Ҳа, бўйнингга масъулият тушаётганда сенлар ҳамманг «кичкина одам». Мукофот тақсимланаётганда, мансаб талашаётганда «кичкина» лигинини унутасан батамом!

— Майли, Қутби амаки, қалавни чуватманг. Мен сизни тушуниб турибман!

— Балони ҳам тушунганинг йўқ! Биламан, ўз фойдангни ўйлаб турибсан. Трактор менинг номимга келмаса-ку, билардинг-а... Фақат қорозу, ўз фойдангни тушунасан сан! — Қутби амакининг бўйни томирлари ўқлогидек шиши. — Тушунсанг, имзо чекмасдинг, менинг олдидан ўтардинг аввал.

— Бу масалани бош инженер, директор ҳал қилади.

— Юр, бўлмаса ўшаларнинг олдига! — Қутби амаки шиддат билан хезланди.

— Эртага, — деди бу жанжалкаши бошлаб бориб, инженернинг ёки директорнинг газабига учраб, муомаласи бузилишдан хайиққан механик. — Эртага эрталаб кираман!

— Эрталаб бу ердан сенинг қорангни ҳам топиб бўлмас. Минг баҳона қилиб — изинг ўчади.

— Йўқ. Йигитнинг гапи битта! Уйига етгунча гўзаюпа ёкиб киздириладиган ҳаммом ҳам, танининг увишгани ҳам Қутби амакининг ёдидан кўтарилди. Дарвоза олдида аёли кутаётган экан:

— Ҳаяллаб қолдингиз?! — деди у эрининг осилган қовоғига кўзи тушиб. Қулоқчинини, эски пальтосини олиб, қозикқа илди. Қўлига офтобадан илик сув қўйди. — Хайрлими?

— Тракторни сафдан чиқариб, ўрнига янгисини беришмоқчи.

— Хайрият-э, катталарнинг ҳам инсофга келар куни бор экан-ку, — аёли енгил хўрсинди. — Ҳар куни қорамой, чангга бела-

ниб келган кийимларингизни тоғорага тикавериб, бармоқларининг лўсти тушиб, тешилиб кетди. Йил ўн икки ой, шу, ўн икки қути совун етмайди сизнинг бир ўзингизга. — У сочқк узатаётиб, эрининг азвойига қарадию, нафаси ичига тушиб кетди. Қутби амаки артиниб, сочқни зарда билан аёлининг қўлига отди. Айиқдай беўхшов одимлаб, даҳлизга кирди. Аёли пилдираб ортидан борди.

— Қўйинг, кўнглингизга олма-манг, — у хонтахтага дастурхон ёзди. — Арзимаган темир деб ўзингизни ҳам, мени ҳам хит қилманг.

— «Арзимаган темир»! Сен шундай деб турганингдан кейин, — Қутби амаки бўғилди. — Шу уй-жой, рўзгор, бола-чака, юрт ободлиги, обрў-эътибор нимадан?! Мамлакатга доврүк солган совхозинг нимадан? Шу «арзимаган темир»лар туфайли билсан! У менга оғайиндай суячқк бўлиб қолган. Мен уни «ўлмасидан» бурун гўрга тиксам, биласанми...

— Бўлди, дадаси, бўлди. Гуноҳ менда, кечиринг. Бу оғиз сабил бедарвоза... — у узра сўраб, эрининг асабларини юмшати. — Узининг ҳам айтувдингиз, юрагининг мазаси йўқ, эски мошининг кам-кўсти кўп чиқиб туради, эскини ямагунча эсим кетаёпти, деб. Одамлар ҳам айтишяёпти, янги тракторни бошқариш осонмиш, ҳайдовчиси кўп лойга ботмасмиш...

Қутби амаки индамади. Овқатдан кейин чой ичиб, кўрпачада чўзилганча шифтга термилиб ётди: «Механик ҳам, аёли ҳам ҳақдир. Остонақул ҳам. Улар менга ёмонликни раво кўришмас. Чиндан ҳам бу алмисокдан қолган тракторнинг ҳар куни бирон жойидан шикаст чиқиб, остига киравериб кийим-кечак тугул, асабни ҳам илма-тешик қилиб юборди. Янгисини олсам, буни ғайратлироқ бирон йигитга беришса. Йўқ, уни ҳеч ким олмайди. Чириб кетади. Битта трактор чириса-чирибди-да, гадоё бўлиб қолмасмиз. Район, вилоят, мамлакатда ҳар йили лак-лаки занглаб кетаяпти. Шунга ҳам асабни бузиб... Нима бўлади асабга?!» Узининг бу саволидан Қутби амакининг ҳуши жойига келгандек ҳушёр тортиди. — Нима бўларди? Халқ мулки совурилади. Тома-тома кўл бўлади-ку, ахир?! Мен бирини асрасам, у бирини асраса... улкан мамлакатда қанчаси, — Қутби амакининг танига янги куч, кураш олови оқиб кира бошлади...

У тонгда аниқ режа билан тетик уйғонди. Рухи равшан. Миясиниқ. У аскарлигида, юрт ҳимояси учун курашга бораётганда шундоқ ҳаяжон билан бардам турарди. Ҳаёт ҳам, иш ҳам жанг, кураш-да аслида... Аёли ҳам унинг феълени яхши билади. Рухиясини сезиб турган экан, кийим-кечакларини дазмоллаб келди:

— Бошлиқларнинг олдига борадиган бўлсангиз, мана бу орден, медалларни ҳам тақинг.

— Мени, — у аёлининг қўлини қайтарди, — орденсиз ҳам тушунишлари керак? Ишлар битсин, тантаналарда тақамиз...

— Қизилманг. Довению, бирон гап айтиб қўясиз-да, кейин ўзингиз ич-этингизни кемириб юрасиз. Шунинг учун катталарнинг олди-га айтадиганингизни қорозга тушириб бориинг, хат-саводсиз эмасиз.

— Майли, — мийгида қулди Қутби амаки, — фараанларимизнинг мактаб, институтда «шпаргалка» деган қорози бўлгувчиди, энди ҳаётда ҳам нусха кўчирувчи бўлиб яшамасак, кун йўқ экан-да.

Идорада «бир сўзли йигит»нинг «соси»ни ҳам тополмади, тонг бўзармай районга эҳтиёт киемлар қидириб кетганмиш. Бир ўзи бош инженернинг хузурига кирди.

— Хабарим бор, — деди у кекса механизаторнинг гапини эшитиб. — Хўш, янги тракторнинг нимаси ёқмайди сизга? — У Қутби амакига тикилганча, узун ингичка бармоқлари билан столни чертди. — Мен сизнинг ниятингизни тушунмаёяман?

— Тушунмайёсиз. Адашмасам, бундан етти йил олдин пахтага мукофотга келган машиналардан бирини олган эдингиз, тўғрими?

— Тўғри! — Инженер бунинг тракторага нима алоқаси бор, дегандек ҳайрон бокди.

— Ушани «списать» этганингиз йўқми?

— Йўқ-к. — «Списать» этмайёсиз. Авайлаб, эҳтиётлаб ҳайдайёсиз. Чунки киссангиздан пул чиқариб бергансиз. Жуда эскириб қолганда ҳам ташламайсиз, фойдалироқ сотиш пайда бўласиз, шундоқми?

— Шундоқ деса ҳам бўлади. — Давлатникини эса «списать» этаверасиз ҳеч қийналмай. Давлат учун қайғурмайсалар. Яна бош инженермиш!

— Ҳақорат қилманг! — бош инженернинг шишган қовоқлари асаби титради.

— Мен эмас, сенлар ҳақорат қилаёясан меҳнаткаш... Мен шу давлатнинг эгасиман, мана шу қадоқ қўлларим билан уни қонли қиргин-баротлардан омон-эсон олиб чиққанман, вайроналар ўрнида қайта тиклаганман. Дўк-пўписангизни қўйинг. Яланғоч сувдан тоймас, дейдилар. Мен ҳеч қимдан кўркмайман! — Қутби амаки кўксини кериб, қаддини ростлади. Енга бурилиб, эшик томон юраётганда юраги, бор экансан-ку, дегандай санчди. У буни инженерга сездирмай кетаётганди, орқадан:

— Тўхтаинг, — деган мулойим, мурасали товуш эшитилди. Инженер унинг орқасидан эргашиб келарди. — Майли, сиз нима десангиз, майли, қандоқ одамсиз-э!

Қутби амаки бўсағада кўксини ушлаганча тўхтаб, инженерга ўтирилди. Қўзлари иликлашди. У хавфли, қалтис оғиш бурчагидан виждонига доғ туширмай эсон-омон ўтолганидан мағруру масрур эди. Юраги санчса ҳам қадрдон «жонивор»ини, йўқ, темирни эмас, ҳаётнинг маамунини, эътиқодини ҳимоя қилиб қолганидан кекса қўлнинг кўнгли ёришган эди.

У эшик кесаксига суяниб, бўсағага чўкиб қолди.



Расми Х. Лутфуллаев чизган

Қарши

# ЖАНГОВАР ДЎСТЛИК

## Пунцагийн ДЭЧИН,

МХРнинг Тошкент шаҳридаги Бош консули,  
МХРП Марказий рёвизия комиссиясининг аъзоси

СССР билан МХР — икки дастлабки социалистик мамлакат қарийб чорак аср давомида капиталистик қуршовда ҳаёт кечирди.

Монголия Халқ Республикаси барпо этилган илк дамларда ноқ Совет Иттифоқи МХР учун ягона дўст, садоқатли оға ва ишончли химоячига айланди.

Иккинчи жаҳон уруши арафасида МХРнинг мустақиллиги ва дахлсизлиги учун хавф туғилган оғир дамларда жаҳон бўйлаб Совет Иттифоқининг қудратли овози янгради: «Агар Япония Монголия Халқ Республикасига ҳужум қилгудек бўлса... биз МХРга, 1921 йилдагидек ёрдам берамиз». («Правда» газетаси, 1936 йил 1 март).

Шундан сўнг тез орада, 1936 йилнинг 12 мартида СССР билан МХР ўртасида ўзаро ёрдам ҳақидаги тарихий ҳужжат имзоланди. Бунинг натижасида икки мамлакат тақдири бир-бири билан янада чамбарчас боғланди ҳамда МХРнинг мустақиллиги таъминланиши учун замин ҳозирланди.

1939 йилда Халхин-Гол дарёси районига япон босқинчилари устидан қозонилган ғалаба совет ва монгол халқлари қардошларча дўстлигини мустаҳкамлади ва уларнинг қудратли кучини намойиш этди.

Монголия халқи герман фашизми ва япон милитаризмининг тор-мор этишга, иккинчи жаҳон урушининг сўнги ўчоғини йўқ қилишга Совет Иттифоқи раҳнамолигида ўз ҳиссасини қўшганлиги билан ҳаммаша фахрланади. Фашизмининг тор-мор этишда монгол халқи юксак сиёсий туйғу ва инсонпарварлик ғояларига амал қилиб, ўзининг интернационал бурчини бажарди.

МХРП Марказий Комитетининг герман фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган ғалабага тайёргарлик ва уни ўтказиш бўйича қабул қилган қароридан шундай дейилади: «Монголия Халқ Революцион партияси ва бутун монгол халқи гитлерчилар Германиясининг Совет Иттифоқига босқинчиларча ҳужумини СССР ва МХР қиёфасидаги социализм дунёсига тўғридан-тўғри тажовуз деб билди ҳамда урушнинг дастлабки куниданоқ совет халқига, қакшатғич жанглр олиб бораётган Қизил Армияга изчил маънавий ва моддий ёрдам кўрсатди».

1941 йилнинг 22 июнида МХРП Марказий Комитети, Кичик Хурал Президиуми ва МХР Министрлар Советининг бирлашган йиғилиши бўлиб ўтди ва унда МХРнинг урушга муносабати аниқ белгиланди. Йиғилишда қабул қилинган декларацияда таъкидланганидек, монгол халқи Совет Иттифоқига нисбатан амалга оширилган ҳужумни МХРга қилинган ҳужум деб билди ҳамда фашистлар Германиясининг босқинчилиги актига жавобан совет халқи билан дўстлик муносабатларини ҳар томонлама мустаҳкамлади, МХР ва СССР ўртасида 1936 йилнинг 12 мартида ўзаро ёрдам ҳақида қабул қилинган ҳужжат шартларига содиқ қолди.

Бутун мамлакат бўйлаб таралган «Ҳамма нарса фронт учун, ғалаба учун!» деган жанговар интернационал шиор остида сафарбарлик ҳаракатлари авж олдириб юборилди.

МХР урушда бевосита иштирок этмаган бўлса-да, шароит бутун халқ хўжалигини

совет халқига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш ва мамлакат мудофаа қудратини мустаҳкамлаш вазифаларидан келиб чиққан ҳолда қайта қуришни тақозо этди.

Ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун фавқулодда тадбирларни амалга оширишга тўғри келди: иш соатлари узайтирилди, ишчи ва хизматчиларнинг меҳнат отпускиси муддати қисқартирилди, кенг истеъмол молларини тақсимлашнинг алоҳида тартиблари белгиланди...

Қизил Армияга ёрдам кўрсатиш бўйича ҳаракат оммавий тус олди. Ёрдам фондига маблағ ўтказиш, қимматбахо буюмлар йиғиш, кийим-кечак ва озиқ-овқат маҳсулотлари ҳозирлаш ишларида бутун халқ иштирок этди. Уруш йилларида ҳаммаси бўлиб ўн бир эшелон совға-салом юборилди. Мухим бир мисол: Қизил Армия номига монгол халқидан жўнатилган — 236 вагондан иборат учинчи эшелон Улуг Октябрь социалистик революциясининг 25 йиллигига совға қилинди. Мазкур совға эшелон Сталинградда гитлерчиларнинг қудратли қўшинлари қуршовга олинган тарихий ғалаба пайтида совет жангчиларига етказиб берилди. Маршал Х. Чойбалсан бошчилигида совға келтирган делегация аъзолари Ғарбий, Волхов, Калинин, Шимоли-Ғарбий ва Марказий фронтларда бўлиб, Қизил Армия қисмлари ва бирлашмаларининг жангчилари, командирлари билан учрашдилар, уларга монгол халқининг совғалари, мактубларини тақдим этдилар, МХР ҳукуматининг мукофотларини топширдилар.

Бундан ташқари, Қизил Армияга Монголияда ўстирилган отларни сотиш ва совға тарида тақдим этиш халқининг кўрсатган ёрдамнинг ўзига хос шаклларида бири

бўлди. Уруш йиллари мобайнида монгол арат-отбоқарлари 30 мингдан зиёд от тақдим этдилар ва ярим миллион от сотдилар. Булгон аймоғининг Сайхон сомонидан бўлган арат Дамба 42 та энг яхши от сотди ва 7 та аргумоқ тақдим этаётди: «Менинг бу отларим Қизил Армия қахрамон жангчиларининг садоқатли дўстлари бўлиб қолишини ва гитлерчи жаллодларни тор-мор этишга хизмат қилишини истайман», деди.

Монгол халқи, шунингдек, «Инкилобий Монголия» деб аталган танк бригадаси ва «Монголия арати» деб аталган авиация эскадрильяси учун восита тўплади. Бундан ташқари, мазкур бригада ва эскадрилья шахсий составини озиқ-овқат ва кийим-кечак билан таъминлаш учун кўплаб миллион туғрик маблағ ўтказилди.

44 «Инкилобий Монголия» танк бригадаси Москвадан Берлингача бўлган 4 минг 300 километр масофани жанглр билан босиб ўтди. «Монголия арати» қирувчи авиация эскадрильяси Орёл шаҳри, Белоруссия, Литва, Шаркий Пруссия ва Польшани озод этиш учун осмон жангларида қатнашди. Улар совет халқининг фашизм устидан эришган буюк Ғалабасига муносиб ҳисса қўшдилар.

Монгол халқи гитлерчилардан озод қилинган Совет районларида халқ хўжалигини тиклаш ишларида ҳам иштирок этди. Мамлакатимизда, шунингдек, фронтларда ҳалок бўлган совет жангчиларининг болалари ва оилаларига, уруш инвалидларига ёрдамга-тешиш учун маблағ йиғиш борасида тадбирлар амалга оширилди. МХР территориясида истикомат қилаётган, урушда иштирок этган совет граждандлари доимий нафақа билан таъминландилар. Совет Иттифоқи учун оғир синов бўлган уруш йилларида МХР томони



Суратда: монгол халқи номидан совет учувчиларига тақдим этилган жанговар самолётлар.

дан кўрсатилган сиёсий, маънавий ва камтараона моддий ёрдам фашизмни тор-мор этишга қўшилган ўзига яраша хисса бўлди.

Совет халқи монгол халқининг ёрдамини юксак баҳолади. Шундай — қўшиқдек жанрангдор ҳикматли гаплар пайдо бўлди: «Совет кишилари ўз монгол қардошларига янги ҳаёт қуришда ёрдам беради. Ўз навбатида, монгол ўртоқларимиз ҳам бизга ёрдам берадилар. Биз боримизни бир-биримиз билан беғариз баҳам кўраемиз».

Уруш йилларида партиямиз ва ҳукумати-мизнинг асосий диққат-эътибори МХРПнинг X съезди ва VIII Буюк Халқ Хуралининг тарихий қарорларини бажара бориб, мамлакатимизда социализм асосларини қуришга қаратилди.

Совет Иттифоқи ёрдами билан уруш йилларида кўн заводи, жуи-мўйна фабрикаси, кўмир шахтаси, ғўшт комбинати каби кўпгина янги сановат корхоналари қурилди, рангли металллар конлари ишга туширилди. Агарда 1940 йили озиқ-овқат сановатига қарашли 24 та корхона мавжуд бўлса, 1945 йилга келиб улар микдори қарийб 400 тага етди.

Экилги-энергетика соҳасини тараққий эттиришга алоҳида эътибор берилди. 1945 йили, — 1940 йил кўрсаткичларига нисбатан, — кўмир қазиб чиқариш 45,9 процентга, электр қуввати ҳосил қилиш 26,6 процентга ўсди.

1942 йили, Совет Иттифоқининг бевосита ёрдами билан Монгол Давлат университети ташкил этилдики, у мамлакатимизда олий таълимни кенг кўламда жорий этишда мустақкам замин бўлди. 1941 йили Олий партия мактаби очилди.

Совет Иттифоқи уруш йилларида МХР мудрофаа қувватини мустақкамлаш — мамлакат хавфсизлигини япон босқинчиларидан кўриқлаш борасида ҳам катта ёрдам кўрсатди.

Монгол — Совет муносабатлари ана шундай муттасил ва кўп қирралидир. Ўртоқ Ж. Батмунх таъкидлаганидек, бу муносабатлар асосини чинакамига кенг миқёсдаги яратувчанлик ва асл, беғариз дўстлик ташкил этади.

МХРП Марказий Комитетининг қарорига биноан бутун мамлакатимиз шу йил 9 Май куни герман фашизми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини, 2 сентябрь куни эса япон милитаризми устидан қозонилган Ғалабанинг 40 йиллигини социализм ва тинчлик ишининг, монгол ва совет халқлари интернационал дўстлигининг тантанасини намойиш қилувчи умумхалқ байрами сифатида нишонлайдилар. Социалистик Монголияда бу тарихий саналарни муносиб кутиб олиш учун кўпгина тadbирлар уйғунликда амалга оширилмоқда.

Монголия меҳнаткашлари МХРП XVIII съезди, унинг Марказий Комитетининг VIII, IX Пленумлари қарорларини ва ўртоқ Ж. Батмунхнинг бу Пленумлардаги нутқларида баён қилинган йўл-йўриқларни амалга ошира бориб, 1985 йилда — еттинчи беш йилликнинг якунловчи йилида халқ хўжалигини ва маданиятини ривожлантириш бўйича белгиланган план тошириқларини Ғалаба шарафига муваффақиятли ва сифатли бажариш шиори остида умумхалқ социалистик мусобақасини кенг қулоч ёйдир-моқдалар.

Матбуот ва ахборотнинг барча турлари воситасида Ғалабанинг жаҳоний-тарихий аҳамияти, унинг улугворлиги ҳамда совет халқи ва унинг музаффар Қуроли Кучлари кўрсатган сўямас жасоратларни ташвиқ қилиш соҳасида тарғибий-сиёсий ва оммавий ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, империализм сиёсатининг реакцион моҳияти, АҚШ ва унинг итти-фоқчиларининг ядровий — телбаларча хуружлари, фашизм ва милитаризмнинг жонланиши, империализм ва гегемонизмнинг бирлашуви хавфи ишонарли тарзда фаш этилмоқда.

Улуг Совет Иттифоқи билан қардошларча дўстликни ва ҳар томонлама ҳамкорликни

Темур НОРОВ

## ДЎСТЛИК ҲАҚИДА

Самарқандда неча кунлар  
Ҳосия тўйи авжида.  
Ҳаммасидан кеча кураш  
Аломат бўлди жуда.  
Дев келбатли, шер панжали  
Полвон алплар бўлди жам.  
Бир Алломишдай бўлса,  
Бириси мисли Рустам.  
Кеча кўрсам, Самарқандда  
Зўрлар кўп экан беҳад.  
Бу курашда полвонларнинг  
Полвони чикди Асад.  
Энг охири шохдор кўчқор  
Қўйишдилар муқофот.  
— Асад билан ким олишар?! —  
Садо бермас бирон зот!  
Кимдир деди: — Рухсат этинг,  
Узоқдан келган меҳмон.  
Асада у талабгордир,  
Номи — Собиржон Қурбон.  
Майдон гавжум, давра аро  
Айланишди икки шер.  
Полвонларнинг зарбларидан  
Титрагандай эди Ер.  
Бирдан замин гумбурлади —  
Тоғ қулади шекилли.  
Кимда ғазаб, кимда қувонч,  
Чоллар дер: — Меҳмон, балли!

## ЎҒЛИМГА

Серғалвао серғалотўп эрур ҳаёт оқими,  
Қўрққан чўқар... Интилганга, ботирга бахт кулажак.  
Бу ҳаётда ора йўлда қолувчилар бор талай...  
Не бўлса ҳам ғолибини қутаётир келажак.  
Ўғлим, сенинг бобонгдир дохийимиз улуг Ленин,  
Инқилобий комсомоллар руҳи сенга мадақдор.  
Сиру Аму аро бу юрт — сенга сут берган Она,  
Томирингда минг-минг кураш ғолибларин қони бор...  
Сен ҳам йўлда ғовлар билан шер каби олиша бил,  
Бу ҳаётда ғолиб юриб, мард кетса яхши одам.  
Орта қайтма, курашларда эл сенга десин: — Қойил!  
Шунда сени ЧИН ИНССОН деб қафтида тутар олам!

\* \* \*

Халқига суянган тайрилган эмас,  
Истиқбол-бахтидан айрилган эмас.  
Дунёда энг буюк қудрат бу — дўстлик,  
Бирлашган қўллар ҳеч қайрилган эмас.

\* \* \*


Қудрат ва ақл бор табиатда ҳам,  
Қуёшдир бошқариб турувчи ҳакам.  
Тафаккур — табиат маҳсули ахир,  
Борлиқдан ҳосила этади одам.

\* \* \*

Рақиблиар ёмонлаб гапирса шод бўл,  
Қайғурма, қайғудан қайта озод бўл:  
Капитал оламига ёқармидик биз,  
Уларга ишонар кимки бўлса гўл.

\* \* \*

Қирқ олти йил орзу кетидан елдим,  
Қурашиб, талашиб, олишиб келдим.  
Яшамок дегани — курашдир фақат,  
Умр бу — имтиҳон эканин билдим.



мустақкамлаш, тараққий эттириш ҳамиша бизнинг партиямизнинг диққат марказида бўлиб келди ва мангу шундай бўлади. Ўртоқ Ж. Батмунхнинг КПСС ва Совет ҳукумати-нинг раҳбарлари билан 1984 йил октябри-даги учрашувлари ва музокаралари натижа-ларидан илҳомланган монгол халқи мазкур юбилей йилида тинчликни химоя қилиш ва мустақкамлаш йўлида олиб бораётган кура-шини янада кучайтиради, Совет Иттифоқи тинчликсеварлик ташаббусини, айна пайтда, у космик ва ядровий қуроалар соҳаларида кўраётган изчил ва конетруктив чораларни қизгин маъқуллайди ва қўллаб-қувватлай-ди.

Партия меҳнаткашларини, айниқса ёш ав-лодни қаҳрамон совет халқи ибрати, иккинчи жаҳон уруши сабоқлари, совет ва монгол

халқлари умумий душманларга қарши бир-ғаликда олиб борган курашларда қозонган ғалабалар, шонли жасоратлар, партия, халқ ва Қуроли Кучларнинг инқилобий, жанго-вар ва меҳнат ананалари, социалистик ватанпарварлик ва интернационализм руҳи-да тарбияланган алоҳида эътибор билан қарамоқда.

Герман фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги юбилейини тайёрлаш ва ўтказиш бўйича белгиланган барча тadbирларнинг муваффақиятли амалга оширилиши МХРПнинг XIX съездини, КПССнинг XXVII съездини муносиб кутиб олишга, бизнинг қардош мамлакатларимиз ўртасидаги дўстликни янада мустақкамлаш ва камол топтиришга хизмат қилади.



**Б**УЮК мутафаккир Алишер Навоий жаҳон адабиёти тарихида ўзига муносиб энг шарафли ўрин эгаллаган. «Қанча асрлар ўтмасин Навоийнинг сиймоси... маданият тарихида яна ҳам яхшироқ кўринади», — деб ёзади таниқли афгон адабиётшуноси Муҳаммад Ёқуб Воҳидий. Навоийнинг севги ва садоқат, адолат ва дўстлик, инсонпарварлик ғояларига бой ижоди барчани ўзига ром этади. Улуг ўзбек шоирининг бой ва ўлмас ижоди жаҳоннинг турли мамлакатларида ўрганилаётганлиги

Бу бежиз эмас, албатта. Чунки хозиргача баъзи ғарб мутахассислари Навоийнинг ўзбек адабий тилининг асосчиси эканлигини тан олгилари келмайди ёхуд Навоий ижодини чуқур ўрганмаганлар. Ваҳоланки, буюк шоирнинг ўзи «Муҳокаматул лугатин» асарида форс ва ўзбек тилларининг тенгхуқуқлилиги, уларнинг ҳар иккиси ҳам бой ва гўзаллиги ҳақида фикр юритган, исботлаган эди. Айниқса, Афғонистон ва Эронда Навоийнинг форсча девонини ўрганишга қизиқиш каттадир. Афғон олимлари Равон Фарҳодий шундай ёзади: «Навоийнинг форсий-дарий тилидаги буюк классик девони устози Жомийнинг девонидан ҳам ўттиб кетади. Баъзан Навоийнинг дарий тилидаги шеърларини ўқиганда, Жомийникини ўқигандадек ҳис этамиз».

Баъзи ғарб мутахассислари Шарқ мамлакатларида Навоий ҳақида чоп этилган асарларни инглиз, немис, француз ва бошқа тилларга таржима қилганлар. Жумладан, афғон олим Муҳаммад Сарвар Ғоя Этимодийнинг Кобулда 1946 ва 1967 йилларда икки марта нашр этилган «Тему-

лиги ўз ифодасини топмакда. Шунингдек, машҳур навоийшунос олимлар академик Воҳид Зоҳидов, академик Воҳид Абдуллаев, профессор Ботир Валихўжаев ва бошқаларнинг улуг шоирнинг ҳаёт ва ижодига доир асарлари ҳам чет элларда маълумдир. Албатта, бу бежиз эмас. Чунки ўзбек олимлари Навоий ижодини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш ишида маҳорат кўрсатмоқдалар. Буюк шоирнинг бир неча шеър ва ҳикмати сўзлари бизнинг мамлакатимизда ҳам инглиз, немис, француз, хитой, араб ва форс тилларида нашр этилган.

Кўпгина хорижий мутахассислар Хуросон давлатининг XV асрдаги пойтахти бўлган Ҳирот шарқ маданиятининг катта ўчоқларидан бири бўлганлигини таъкидлайдилар. Аслида бу фикр академик В. М. Жирмунский томонидан Навоий замони билан ғарбдаги Уйғонш даврини қиёсланганидан келиб чиққан. Ҳирот шаҳрининг Навоий яшаган даврдаги социал-сиёсий ва маданий ҳаёти масалалари афғон олимлари Абдулҳай Ҳабибий, Жалолоддин Сиддикий, Муҳам-

рини амалда кўрсатишидадир. Бир тилнинг изохли лугатини тузиш йўллари арабча «Сабъат Абхур» да ўз ифодасини топди. Бу ҳар икки асар чет элларда ҳам шўҳрат қозонди. Бу ҳақда турк олимлари Оғоҳ Сирри Леванд, Аҳмад Оташ, афғон олим Муҳаммад Ёқуб Воҳидий қизиқарли маълумотларни келтирадилар.

Баъзи хорижий шарқшунослар Навоийга тегишли бўлган асарларнинг рўйхатини тузишда чалкашликларга йўл қўядилар. Доктор Воҳидий бу нуқсонларни бартараф этишга ҳаракат қилган. Масалан, М. Белин «Маҳжанул асрор» асарини Навоий ёзган деб нотўғри кўрсатади. Аслида бу асар Ҳайдар Хоразмий қаламига мансубдир. Шунингдек, «Юсуф ва Зулайҳо» асари Г. Блохет томонидан Навоийга тегишли деб аталади. Бу асарни балхлик Ҳамидий 1469 йилда ёзган. «Назми ақоид» асари Навоий номи билан 1907 йилда Бухорода чоп этилган. Бу китоб машҳур Маст қаламига мансубдир. «Суярул мулук» асари Тоҳир Мирза томонидан Навоийга тегишли деб ҳисобланган ва 1912 йилда Истамбулда нашр этилган. Док-

# ЖАҲОНГАШТА АЛЛОМА

АЛИШЕР НАВОИЙ ЖАҲОН АДАБИЕТИ САҲИФАЛАРИДА

бизга маълумдир. Навоийнинг таржимаи ҳоли битилган ўша даврнинг машҳур тарихчиси Хондамирнинг (1475—1535) «Мақоримул ахлоқ» асари Кобулда 1981 йилнинг ўзида уч тилда чоп этилди. Бу асарни дарий тилида Абдулғаффор Баёний нашрга тайёрлади. Уни пашту ва инглиз тилларига Равон Фарҳодий таржима қилди. Навоийнинг ҳаёт ва ижодини ўрганишга жаҳон олимларининг қизиқиши бир неча асрлардан бери давом этиб келмоқда.

Маълумки, улуг шоир «Навоий» тахаллуси билан ўзбек тилида, «Фоний» тахаллуси билан эса форс тилида бир йўла ижод этган. Шу сабабли, турли мамлакатларда чоп этилган туркий ва форс адабиётига доир асарларда Навоийнинг ижодига кенг ўрин берилган. Жумладан, 1968 йилда Ғарбий Германияда нашр этилган профессор Ян Рипканинг «Эрон адабиёти тарихи» китобида, Генри Массенинг 1950 йилда Парижда чоп этилган «Форс антологияси» асарида Навоий форс-тожик шоирлари қаторига киритилди. Улар Навоийнинг ўзбекча асарлари ҳақида етарли фикр ҳам айтмайдилар.

рийлар давридаги Ҳиротнинг олимлари, шоирлари ва санъаткорлари» асарининг бир қисми юқорида кўрсатилган Генри Массенинг китобидан ўрин олган. Покистонлик доктор Саид Муҳаммад Абдуллонинг Мир Алишер Навоий ҳақидаги инглиз тилида ёзилган мақоласи (Шарқшунослик колледжининг журнали, Лоҳур, 1934 йил) ҳам ғарб мутахассисларининг асарларида зикр этилган.

Чет элларда нашр этилаётган Навоийнинг ҳаёт ва ижодига доир асарларда совет олимларининг илмий ишларига кўп муурожаат этилади. Машҳур навоийшунос Ҳамид Сулаймоннинг хизмати чет элларда ҳам муносиб баҳоланган. 1960 йилда бўлиб ўтган жаҳон шарқшуносларининг конгрессида Ҳамид Сулаймон Навоий девонининг тўла нашрини тақдим этганлиги кўпгина асарларда кўрсатиб ўтилади. Жумладан, Афғонистонда олиб борилган Навоий ҳақидаги илмий ишларда, Канададаги Торонто университети профессори Элизар Бирнбаум томонидан ёзилган Навоийнинг девонига оид асарда Ҳамид Сулаймоннинг илмий қарашлари чуқур ва ижобий экан-

мад Этимодий, Абдулла Ансорий, эронлик Алиаскар Ҳикмат, туркийлик Зеки Валидий Тоған ва бошқаларнинг асарларида ёритилган.

Алишер Навоий тилшунослик тарихида ҳам ўчмас ном қолдирди. У ўзининг «Муҳокаматул лугатайн» асари билан қиёсий тилшунослик соҳасига, араб тилига доир «Сабъат Абхур» лугати билан лексикографияга катта ҳисса қўшди. Унинг бу асарлари асосида шарқ мамлакатларида кўплаб лугатлар ҳам тузилди. XV—XVI асрларда тузилган икки тиллик форс-турк лугатларининг тузувчилари Навоийнинг асарларидан яхши хабардор бўлганлар. Жумладан, «Шомил-ал лугат» (1494), «Василат ал-мақасид» (1497), «Лугати Ҳалидий» (1511), «Тухфан Шаҳидий» (1514), «Лугати Неъматилло» (1540 йиллар) каби форсча-туркча лугатлар бунга далилдир. Бу лугатлар Навоий яшаган даврда халқ орасида кенг тарқалган эди. Навоийнинг бу соҳадаги катта хизмати нафақат форс ва турк тилларини қиёслаб, ҳар иккисиде шеър ёзиш мумкинлигини исботлашгина эмас, икки тилнинг лугатини ҳам тузиш принципа-

тор Воҳидий фикрича, бу асарни Навоийнинг «Тарихи мулуки Аҷам» асари билан чалкаштириб юборилган бўлиши мумкин. М. Белин «Қиссаи шайхи Санъон»ни алоҳида асар деб ҳисобласа, Г. Блохет уни Навоийнинг «Лисонут тайр» асарининг бир қисми деб тўғри кўрсатади.

Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганишда афғон олимлари катта илмий ишларни амалга оширмоқдалар. Буюк шоирнинг серқирра мероси кейинги йилларда чоп этилган дарий, пашту ва инглиз тилларидаги бирнеча мақолалар тўпламида, газета ва журналларнинг саҳифаларида ўз аксини топмоқда. Муҳаммад Ёқуб Воҳидийнинг ёзишича: «Миллионлаб халқлар маданиятининг ривожланишига, халқлар ўртасида ўзаро алоқа ва муҳаббатга асрлардавомида ўзининг таъсирини ўтказиб келётган бу машҳур тинчлик куйчиси ўз даврида тенги йўк эди». Шу босдан буюк доношманд Алишер Навоийнинг номи муҳаббат ва садоқат, меҳнат ва саодат, адолат ва инсонпарварлик, интернационализм ғоялари билан жаҳон адабиётининг олтин саҳифаларида абадий ўчмасдир.

Абдузукхур АБДУАЗИЗОВ,  
филология фанлари доктори,  
профессор



Тошкент метрополитени иккинчи навбатидаги «Космонавтлар проспекти» станциясига ишланган жаҳоннинг биринчи космонавти Юрий Гагарин суврати.

Н. Муҳаммадҷонов фотоси

# ДЎМБИРАНИ ҚУРОЛ ҚИЛИБ



Халқ оғзаки ижоди

Шу йил май ойида совет халқи ва бутун тараққийпарвар инсоният немис-фашизми ва япон милитаризми устидан қозонилган шонли Ғалабанинг 40 йиллигини тантанали равишда нишонлайди. Маълумки, Улуғ Ватан уруши йилларида халқ оғзаки ижоди ғоят катта вазифани бажарди. Зеро, фольклордаги хурриятпарварлик, адолат, меҳнатсеварлик, қаҳрамонлик ғоялари бизнинг замонамиз билан жуда ҳамоҳангдир. Шунинг учун ҳам фольклор ўзининг ғоявий оҳанглари жиҳатидан совет адабиётига жўровоз ҳисобланади.

Улуғ Октябрь социалистик революциясигача бўлган оғир қатъни, революция ғалабасидан сўнг то Улуғ Ватан урушигача бўлган қувноқ турмушни мадҳ этишда, куйлашда бой тажриба орттирган халқ бахшилари уруш йиллари ҳам ғоят самарали ижод қилдилар. Урушнинг дастлабки кунларидан бошлаб Фозил Йўлдош ўғли, Ислоҳ Назар ўғли, Қурбон ота, Абдулла шоир каби халқ бахшилари ўз соҳ ва сўзларини Ватан мудофаасига сафарбар этдилар.

Фозил ота ҳам, Ислоҳ шоир ҳам Улуғ Ватан урушининг биринчи кунидан бошлаб то

**Жўра ҚОЖИМАТОВ,**  
филология фанлари кандидати

1945 йил 9 май — Ғалаба кунигача кишиларимизни душман устидан ғалаба қозонишга даъват этувчи, оптимистик руҳ билан суғорилган қўшиқлар тўқидилар, уларни халқ орасида ўқидилар.

Фозил шоирнинг «Отанинг насихати», «Эр йигитлар майдонга», «Элат ботир», «Армиям», «Жаҳон тинглагай», Ислоҳ шоирнинг «Бор бўлсин бизнинг Ватан», «Сизов ўғлима», «Яша, эй Москва», «Халқ лашкари», «Тўпчиларга», «Бобокулжон», «Совет Иттифоқининг Қаҳрамонларига» сингари термалари, уруш йиллари нашр қилинган «Қаҳрамоннома», «Жангома» тўпламлари шулар жумласидандир.

Бу икки забардаст халқ шоири учун шу нарса характерли эдики, улар фақат ғалабага ундовчи, шифатсиз душманга қарши курашга отлантирувчи шеърлар тўқиш билан кифояланмадилар, балки тўқинган жанговар шеърларини халқ орасида куйлаб ҳам юрдилар. Фашизмга қарши ми-

тинларда актив иштирок этдилар. Янги асарларини моҳирона ижро этдилар, газета ва радио орқали тез-тез чиқишлар қилиб турдилар.

Улуғ Ватан уруши даври бахши-шоирлари учун яна шу нарса характерлики, бу йиллар давомида улар оддий кундалик ҳаёт ҳодисаларига бағишланган қўшиқ, термалар тўқишдан ижтимоий-сиёсий, публицистик лирика яратиш даражасига ўсиб чиқдилар.

Совет халқи немис-фашист гандалари устидан албатта ғалаба қозонади, деган ишонч халқ шоирлари ижодининг ҳам лейтмотивини ташкил этди. Фозил шоир «Эр йигитлар майдонга» шеърида бепеён мамлакатимизнинг қардош халқлари олиб бораётган адолатли курашининг туб социал сабабларини тўшунтиради. Шеърнинг сарлавҳасиданоқ унинг мурожаат-чақириқ руҳида яратилганлиги кўриниб турибди. Ота кишиларни фронтга, жангга даъват этаркан, қўлга қурол олишга, устига шинель кийишга чақираркан, ўтмишда ота-боболар торган азобни, хорлиқни, зулмни эслайди. Ҳурликка эришган, озодликка чиққан тенг ҳуқуқли миллатлар фашизмни ал-

батта енгишини таъкидлайди. Бунинг учун ўзбек халқ оғзаки ижодига хос бўлган, отанинг ўғилга насихати шаклидан фойдаланади. Лекин шоир бу ерда ўзига хос йўл тауди, новатор сифатида кўринади. «Насихат»ни ижтимоий мазмун, юксак ғоявийлик билан бойитади:

Эсингга ол, ота-бобонг бўлган эди хор,  
Энди қад кўтардинг, озодмиз, мағрур.  
Ленинизм байроғининг остида,  
СССРда ҳамма миллат бўлди хур.

Эр йигитнинг бўлса райрати-ори,  
Шу бўлар элининг қувват-мадори.  
Енининг қонин тўкиб, бағрин эзди,  
Душманга қолмайди Ватани, ёри.

Бу «насихат» бахшининг бошқа бир шеърида, чунончи, «Ота насихати» асарида яна бошқача тарзда намён бўлади. Мазкур шеърда шоир жангга отланаётган ўғилга дил сўзларини айтади, ундан Чапаев сингари жанг қилишни, маккор ёвнинг айтганларига кўнмай, шафқат қилмай курашишни талаб этади.

Фозил шоир бошқа бир шеърда «насихат» — нақазни ўз номидан эмас, балки кекса қолхозчи номидан давом эттиради. Олтинқон қишлоқлик Элат ботир Октябрь революциясигача оғир кун кечирган, захар-заққум ютган, фақат Совет ҳокимияти йил-

қарибгина калжозга кириб ўз бахтини топган минглаб ўзбек меҳнатқашларининг типик вакили ҳисобланади. У Совет ҳокимиятини мустақкамлаш учун, колхоз тузумининг равиши ва истиқбол учун олиб борилган қурашларда актив қатнашади. Кекса дехқон ўзининг қарилгига қарамай, колхозда яна ғайрат билан меҳнат қилади. Фронт манфаатлари учун, жангга кетган ўғли учун ҳам астойдил ишлайди. Ўғли Ҳамдамни Ватан ҳимоясига кузатар экан, ундан душманни омон бермай уришни, келган томонига суришни қатъий талаб қилади, шундагина ундан рози бўлажагини алоҳида уқтиради:

Қасамд эт, Ватан учун содиқ бўл,  
Ўглим бўлсанг, бирин пойлаб ўзини ур!  
Бу Ватанга душман қадам ташласа,  
Сира ҳам тартиб, сессаниб турма!  
Ўй кўбинга, сира омонлик берма!  
Шундай қилсанг, сендан рози  
отангман!

Бу наказ биргина Элат ботирнинг ўз ўғлига берган ва ундан қилган талаби бўлмай, балки фронтга ўз ўғлини узатган минглаб оталарнинг ҳам талаби бўлиб жаранғлайди.

Фозил шоирнинг Улуғ Ватан уруши даври ижоди замонавийлик ва ҳозиржавобликнинг, чуқур партиявийлик ва халқчилликнинг энг яхши намуналаридан ҳисобланади. 70 ёшли отанинг урушнинг энг долзарб оғир пайти ҳисобланган 1942 йилда шонли Коммунистик партия сафига кириши ҳам ота ижодининг юксалишида муҳим аҳамият касб этди.

Атоқли ўзбек бахшиси, халқ оғзаки адабиётининг улкан донишмандларидан яна бири Ислом отанинг Улуғ Ватан уруши даврида ҳарбий темада яратилган асарлари ҳақида сўзлаганда, шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, Ислом шоир ҳам Фозил ота сингари жанговар шеърлар тўқиган, тезкор, ҳозиржавоб бўлган, жангга кетаётган йигитларга мурожаат қилган, наказ берган бўлса-да, унинг ўзига хос услуби ва овози бор. Айни пайтда Ислом шоирнинг Улуғ Ватан уруши мавзусидаги асарлари ҳам ўз мавзу доирасининг кенглиги, халқчиллиги, жўшқин пафоси билан ажралиб туради. Шу ўринда Ислом шоирнинг ҳозиржавоб ва тезкорлигига доир далиллардан бирини эслайлик.

Ислом шоир 1941 йил 21 октябрда Тошкентда бўлиб ўтган республика кексалари йиғилишида қатнашади ва шу муносабат билан ўша эрининг ўзидаёқ «Қарияларга» деган мурожаат шеърини яратади ва уни ўша йиғинда кўйлаб беради. Қўшиқ — мурожаат, қақирққа айланади. Ота вазият нозиклигини тўшунтиргач, ўз тегиндошларига хитоб қилиб, шундай деб айтади:

Ёшлар кирди — қандай чидаб тураман,  
Кеча демая, кундуз демая қираман,  
Вирдан қурол олиб ёни қуваман,  
Йўл кўрсатинг яна, ёши улғуяман!

Ислом шоир мамлакат ичкари-сидидаги ўз тенгқурлари — кексаларни даъват этиш, уларни қурашга қақирриш билан чегараланиб қолмади, «ёши улғуларга», олимларга мурожаат қилиб, улар илмни тигга айлантиришлари зарурлигини айтди, асрлар давомида донолар даҳоси билан яра-

тилган билим жаҳоирлари — китобларнинг фашистлар томонидан ловуллаб ёндирилмаслиги учун қурашишга қақирриди:

Фашист бизнинг китобларни ёқмоқчи,  
Эл бошига тоши харсанг қақмоқчи.  
Эркимизни фашист зотим олмақчи,  
Элимизни тиг қилинлар, олимлар!

Ислом бахши ўз ўғли Бобокўлни кўйлар қатори 1942 йили Армия сафига — Ватан мудофасига узатар экан, яна ўша аёнанавий «насиҳат» йўлидан фойдаланади. Ота талаби — халқ талаби, она нақаз — Ватан нақаз, ийғил учун уларни бақаришдан кўра олий, муқаддас вазифа йўқлигини уқтиради, бунинг учун ўғлидан Коммунистик партия раҳбарлигига Шҳорс ва Чапаевдай жанг қилишни, шундагина ўзи ва онаси рози бўлажагини алоҳида тайинлайди.

Ислом ота «Вактим чоғ» шеърини энди ўз номидан наказ бериш билан қифояланиб қолмайди. Кекса колхозчи қаққишлогри Йўлдош ота образидан фойдаланади. Йўлдош ота мамлакат ичкарисида, меҳнат фронтинда ном таратиб меҳнат қилса, ўғли Пўлат жанг майдонларида жасорат кўрсатади. Душманни осмонда қиради. Учувчи ўғлининг ватанпарварлиги отани руҳлантиради, янги меҳнат зафарлари сари рағбатлантиради. Шунинг учун кичик ўғли Темирни ҳам жангга отланишга, акасидек мардлик кўрсатишга ундайди.

Ислом шоир 1941 йил кузидан Москва бўсағасида душманнинг кучли қаққатқич зарба берган доворак жангчилардан бир гуруҳига Совет Иттифоқи Қахрамони деган юксак жанговар унвон берилишини эшитиб, бу қахрамонларни муборакбод қилувчи ва янги зафарларга ундовчи термисини яратди.

Ислом шоирнинг «Қахрамон лейтенант Бундюк», «Петров бақоидир», «Мақляк ўғлимига», «Седов ўғлимига» сингари асарлари ҳам шундай ватанпарварлик, интернационализм ғоялари билан сугорилган. Дарҳақиқат, кекса ўзбек бахши-шоири рус, украин, белорус ва бошқа қардош миллат жангчиларини худди ўз боласидай ўзига яқин тутуди, уларни бирдай кўради, жасурлигидан қувонади ва уларни ўғлим деб атайди.

Маълумки, Москва бўсағаларида немис-фашистларнинг сараланган қўшинлари Совет Қуролли Кучлари қаққатқич зарба беради. Душман жиддий талофот кўради, унинг яшин тезлигида Москвани босиб олиш режаси пучга чиқади. Совет кишиларининг буқилмас иродаси, шижоати, қахрамонлиги билан Москва яна зўрроқ, қудратлироқ истеҳкомга айланади. Ана шу воқеадан хабардор бўлган Ислом ота Москва ва москваликлар қудратига тақсиналар ўқийди, «шаҳарлар полвони бўлган Москва» билан фахрланади:

Бўй эгмаган душманнинг энг зўрига,  
Ғишт қаладинг гитлерчи ёв зўрига,  
Бугун ўтдинг ботирларнинг зўрига,  
Шаҳарлар полвони бўлган Москва!  
Атрофининг ўраб олди қаққирлар,  
Селдай оқди ул кун қонли тошқинлар,  
Жасосини торди номард ошқинлар,  
Шаҳарлар полвони бўлган Москва!

Шоир «Ленинград жангчи ва-

танпарварларига» бағишланган шеърини (1942 йил) улуғ Ленин шаҳрининг вақтинча қамалга тушиб қолганлигидан чўчимаёйди, у совет кишисининг буқилмас иродасига, элга содиқ жангчиларининг қудратига ишонади:

Ленин шаҳрини ололмайдди қароқчи,  
Соқчи.  
Ҳар бир халқ аскардир мустақкам соқчи.  
Партизанлар — хушёр, қўлда қиличи,  
Юз уринсин ёшлар — етмайди кучи,  
Элга содиқ Советимизнинг аскари.

Юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳар иккала халқ шоирининг Улуғ

Ватан руши йиллари ҳарбий-ватанпарварлик мавзуда яратган асарларида кўзга яққол ташланадиган муштарак жиҳатлар жуда кўп.

Кекса халқ шоирларидаги бу мустақкам, комил ишончининг манбаи уллардаги социалистик Ватанга, Коммунистик партияга бўлган кексиз садоқатдир, кўп миллатли мамлакатимиз халқлари ўртасидаги буқилмас дўстликка, қудратли Совет Армиясининг куч-қувватига бўлган ишончдир.

Самарқанд.

## Саодат ПЎЛКАНОВА

### ҒАЗАЛОЙ

Эй ғазалой, ғазалой,  
Мунча ширин сайрайсан.  
Чексиз ўтлоқ бағрида  
Учиб-учиб яйрайсан.

Чўпон найин сасидан  
Бир сеҳр олганмисан?  
Е дўстингдан адашиб  
Сен ёлғиз қолганмисан?

Юр, дўстингга қўшаман,  
Бирга-бирга яйрагин.  
Бизлар келсак адирга  
Шўх куйингдан сайрагин.



### БОРАМИЗ

Бузоқ боқдим ўтлоқда  
Куч-қудратга тўлсин, деб,  
Онасидай улғайиб  
Серсут сигир бўлсин деб.

Сигир бўлиб сут берса,  
Жажжиларга бераман.  
Ҳар бир бола кўзида  
Олам қувонч кўраман.

Катта бўлса укамлар  
Эл ишига ярайди.  
Бири денгизда сузиб,  
Бири кўқдан қарайди.


Ширин-шакар ватанда  
Бирга яшнаб юрамиз  
Йўлимизни порлатиб,  
Коммунага борамиз.

### КЕЛДИ БАҲОР

Дала-қирга,  
Чексиз ерга,  
Ураб гулга  
Келди баҳор.

Булут сузиб,  
Емғир тизиб,  
Қанот ёзиб  
Келди баҳор.

Дехқон бобом —  
Дейди: «Болам,  
Нурли олам —  
Келди баҳор».



Навоий область,  
Хатирчи район,  
«Москва» колхозчи.

# ҲАЁТ КҮЙНИДА

ЭЛИГИНЧИ йилларнинг бошлари, адабиёт ва санъат асарларида конфликтсизлик назариясининг кенг авж олган пайтлари газеталар ва журналларда ушбу машъум назария таъсирида ёзилган шеърлар, ҳикоялар, повестлар, романлар босилиб турди, айрим кинофильмлар намойиш қилинди. Ана шундай бир пайтда Ҳафиз Абдусаматов конфликтсизлик назариясига қарши мақола билан чиқди. Бу мақола адабий жамоатчилик орасида яхши маънода «қишга сазовор бўлди. Кейин мунаққиднинг шу мавзуда рисоласи нашр қилинди. Албатта, орадан шунча вақт ўтиб, конфликтсизлик назариясини тилга олиш бир оз эриш туюлар, лекин ўша йиллари адабиёт ва санъатда конфликтсизликка қарши кураш бош масалалардан эди. Мен ҳар сафар Ҳафиз Абдусаматовнинг конфликтсизлик назариясини фош қилиб ёзган мақоласини ва китобини эслар эканман, умуман танқидчининг, адабиётшуноснинг, олимнинг эътиқодини, унинг халқ олдидagi гражданлик бурчи, партиявий позициясини ўйлайман. Танқидчи, адабиётшунос қайси мавзунини қаламга олмасин, у принципиал, ҳалол позицияда туриши, ўз фикрларини собитқадамлик билан ҳимоя қилиши лозим. Шу ўринда иккита адабий воқеани тилга олиб ўтмоқчиман. Биринчиси, Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб» романи билан боғлиқ воқеа. Гап шундаки, 50-йилларнинг охири, 60-йилларнинг бошларида роман атрофида баҳс бошланди. Баҳсининг мавзуи — «Сароб» романида ижобий қаҳрамон масаласи. Кўпгина мунаққидлар Абдулла Қаҳҳорни ижобий қаҳрамон образини яратмасликда айблаб, асарнинг қимматини ерга урдилар. Ҳафиз Абдусаматов эса адабиётнинг бой ижодий тарихидан мисоллар келтириб, сатирик асарларда авторнинг гражданлик позицияси, ижтимоий қиёфаси ва идеали янги жамиятнинг удуғлаб, эски жамиятнинг танқид қилганлигини исботлаб берди. Иккинчи воқеа, Саид Аҳмаднинг «Келинлар кўзғолони» комедияси билан боғлиқдир. Маълумки, «Келинлар кўзғолони» комедияси узоқ пайтлар сахна юзини кўриши керакми, йўқлиги тўғрисида мунозара бўлди. Ҳафиз Абдусаматов ишонarli далиллар орқали бу комедиянинг ҳаётий асосларини ҳимоя қилиб чиқди. Шу хилдаги мисолларни келтиришдан мақсад мунаққиднинг ижтимоий-маънавий қиёфасини, унинг партиявий позицияда собитқадамлик билан турганини айтишдир.

Модомики, гап адабиётшунослик ва танқидчиликнинг йўналиши хусусида кетар экан, бир муҳим масала устида тўхталиб ўтиш лозим. Визнинг кўпгина танқидчиларимиз ва адабиётшуносларимиз «қўнимсизлик касали»га учраганлар. Бугун драматургия ҳақида, эртага проза, индинга шерьият ҳақида ёзаврадилар, бирон-бир соҳани чуқур ва атрофлича эгаллаб ололмайдилар. Лекин шундай адабиётшунослар ва танқидчилар ҳам борки, улар маълум соҳаларда янги узоқ йиллар давомида эринмай илмий тадқиқот ишларини олиб борадилар. Ҳафиз Абдусаматов ижодининг илк қадмаларидан бошлаб сатира ва драматургия масалалари билан шуғулланиб келади. Олим 1952 йили «Улуғ Ватан уруши йилларида совет драматургияси» мавзуида кандидатлик ва 1968 йили «Ўзбек совет адабиётида сатира» мавзуида докторлик диссертациясини муваффақиятли ҳимоя қилди.

Ҳафиз Абдусаматов илмий ишларини ҳаминша жамоатчилик ишлари билан қўшиб олиб борди. Биз негадир мана шу масалага кўп ҳам аҳамият беравермаймиз. Ваҳоланки, ҳам масъул вазифани бажариш, ҳам илмий иш билан шуғулланиш осон эмас. Бу киши-

дан илми, фидойиликни талаб қилади. Агар Ҳафиз Абдусаматовнинг ижтимоий ва илмий фаолиятига назар ташласак, айна фикрнинг тўғри эканлиги маълум бўлади. Шу муносабат билан Ҳафиз Абдусаматовнинг ижтимоий фаолиятига бир назар ташлаб кўрайлик. У В. И. Ленин номидаги Тошкент Давлат университетининг филология факультетини тамомлаши билан ЎзССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институтида илмий ходим, сектор мудири, директор ўринбосари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети аппаратида масъул ходим, республика Маданият министрининг биринчи ўринбосари, Тошкент Давлат маданият институтининг ректори, «Шарқ юлдузи» журнаlining бош муҳаррири вазифаларида ишлаб келди. Ҳозирда Ҳамза номидаги Санъатшунослик институтининг директори бўлиб ишламоқда. У қарерда ва қайси вазифани бажармасин, адабий жараёнга фаол иштирок қилди. Танқидчининг Абдулла Қаҳҳор, Комил Яшин, Уйғуннинг ҳаёти ва ижодида бағишланган



монографиялари, адабиётимизнинг муҳим масалаларига бағишланган «Ҳаёт, Адабиёт, Театр», «Эстетика ва ҳаёт», «Традиция ва новаторлик», «Ҳаёт кўшиги», «Маҳорат жиллолари» сингари кўплаб китоблари адабиётимиз йўналишига, тараққиётига таъсир кўрсатди. Масалан, мунаққиднинг ўзбек совет драматургиясининг ўтмиши, бугунги тўғрисидаги кузатишлари, шунингдек, болалар адабиёти, адабий ҳамкорлик, адабий танқидчиликдаги партиявийлик, халқчилик мавзудидаги чиқишлари адабий жамоатчиликда ижобий таъсирот қолдирди. Шу ўринда Ҳафиз Абдусаматов ижодида хос бўлган бир фазилатни алоҳида таъкидлаб ўтганига тўғри келади. У адабий жараёнинг қайси бир қирраси хусусида сўз юритмасин, адабиётнинг ўтмиши билан бугунини қиёс қилишни унутмайди. Шу маънода Ҳафиз Абдусаматовнинг 20-йиллар адабиётига бағишланган мақолалари принципиал аҳамиятга эгадир. Мисол учун мунаққиднинг «Адабий меросга муносабат ҳақида» деб номланган мақоласини тилга олиб ўтайлик. Бу мақола Муқимий номидаги Ўзбек давлат музыкали драма театрида Ғулум Зафарийнинг «Ҳалима» пьесаси қўйилиши муносабати билан ёзилган. Мақолада айрим театрлар

ўз репертуарларини гоъвий ва бадиий юксак замонавий асарлар билан бойитиш ўрнига 20-йилларда яратилган баъзи асарларни тахрир қилиб сахнага чиқариш билан банд бўлаётганликлари ҳақида танқид қилинган. «Ғулум Зафарийнинг «Ҳалима» пьесаси ўзбек совет драматургиясининг пайдо бўлиши давридаги жиддий асар сифатида қолиши лозим. «Ҳалима» ўша йиллардаги илк драматургиямизнинг ютуқ ва камчиликлари билан маълум даражада ўзида мужассамлаштирган асар сифатида характерлидир, — деб таъкидлайди танқидчи. — Адабий меросимизни ленинча принциплар асосида ёритишимиз ва ундаги яхши асарларни ҳаққон шимшда халққа тақдим этишимиз лозим».

Ҳафиз Абдусаматов ижодида ўзбек совет адабиётининг асосчиларидан бири Комил Яшиннинг ижодини, адабий-танқидий қарашларини тадқиқ этиш муҳим ўрин туттади. Унинг «Комил Яшин ижоди», «Традиция ва новаторлик», «Эстетика ва ҳаёт», «Маҳорат жиллолари» деб номланган китобларида шу хусусда сўз юритилади. Бу китобларда ва Комил Яшиннинг ҳаёт йўли, ижтимоий моҳияти, ижодкор сифатида адабиётимизда тутган ўрни кенг ва батафсил таҳлил этилади. Энг муҳими, Яшиннинг ижоди кўп миллатли совет адабиёти жараёни билан боғлиқ тарафда текширилади. «Ҳамзадан кейин ҳеч бир адиб театр санъатига Яшинчалик катта хизмат қилмаган. У ўзининг амалий-бадиий, ижодий фаолияти билан ҳам, назарий фикр ва мулоҳазалари билан ҳам театр санъатининг ривожига улкан ҳисса қўшди, — деб уқтиради автор. — Театрларнинг ташкил бўлишини Ҳамзасиз тасаввур қила олманганимиздек, уларнинг бугунги парвозини Яшиннинг тасаввур эта олмаимиз».

Ҳафиз Абдусаматов яқинда ўзбек совет адабиётининг яна бир асосчиси саналган Уйғуннинг драматургиясини таҳлил қилувчи «Ҳаёт кўшиги» деб номланган китобини ёзди. Китобда Уйғун драматургиясининг ўзига хос хусусиятларини, бош тенденцияларини аниқлаш орқали сўз устасининг ижодий қиёфасини очиб, унинг ўзбек драматургиясида тутган ўрни ва аҳамияти хусусида сўз юритилади. «Уйғун воқелигимиздаги ҳаётий жараённи тараққий эттиришга хизмат қиладиган янгиликни топа билди, бунга халақит берадиган барча салбий нарсаларни бошлаб савалай олди, — деб ёзади автор. — Ана шу жиҳатлари билан новатор санъаткордир. Бу новаторлик давримиз, замондошларимиз ҳақида янги, ҳаққоний, таъсирчан, кучли сўзаларни айта олишида, жамиятнинг бош, зарур тенденцияларининг моҳиятини очишида, халқ тарихининг бурилиш моментларини, муҳим ўринларини ёритишида намоён бўлади».

Ҳафиз Абдусаматовнинг Назир Сафаров, Зиннат Фатхуллин, Баҳром Раҳмонов ва бошқа драматурглар ижоди ҳақида ёзган мақолалари ҳам адабий жараённинг ўзига хос йўллари, йўналишлари таҳлил қилинади.

Шу ўринда мунаққиднинг «Ўзбек совет адабиёти тарихи очерклари» авторларидан бири сифатидаги хизматини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозим. Таникли танқидчи, адабиётшунос, филология фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан аربоби, Ҳамза номидаги республика Давлат мукофоти лауреати Ҳафиз Абдусаматов 60 ёшга тўлди. Ҳали олдинда ёзилажак адабий-танқидий мақолалар, монографиялар, илмий тадқиқотлар турибди. Биз 60 баҳорни кутиб олаётган юбиларга янгидан-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ

# СУВДА ТУҒИЛГАН ГҶДАКЛАР

Тадқиқот,  
кашфиёт,  
ахборот

Яқинда кўп мамлакатлардан келган олимлар ва журналистлар Москвадаги «Космос» меҳмонхонаси конгресслар залда гаройиб бир томошадан ҳайратта тушдилар. Гап шундаки, икки ҳафта аввал туғилган чақалоқ меҳмонхонанинг бассейн-ховузида бемалол сузиб юрар, оқватланар ва ҳатто сув остида ухлар эди. Чақалоқ фақат нафас олиш учунгина ҳар-замонда бошини сувдан чиқариб кўярди. Бу чақалоқ СССРга келган америкалик эрхотин туристларнинг ўғли Саша Крамлэнд эди.

Америкалик гўдакнинг сувда бемалол сузиши учун тажрибали совет сузувчиси — тўрт ойлик чақалоқ Коля Козницкий ёрдамга қақирилди. Гоҳо Саша тажрибасизлик қилиб йиғи аралаш сув ютиб юборган пайтда рус боласи уни қучқоқлаб оларди-да, овутишга ҳаракат қиларди...

Мана, икки ойлик чақалоқ ҳеч кимнинг ёрдамсиз онасининг қағидага тик турибди. Бунинг устига бир маҳал ўша чақалоқ акробатик машқларни бошлаб юборди: ўмбалоқ ошини, буралиб кетиш, ушлаб олиш сингари бу машқларни айрим катта ёшдагилар ҳам бажариши амримаҳол эди...

Нима бу, мўъжизами? Гўдаклардаги одатдан ташқари қобилиятни нима билан изоҳлаш керак? Бунинг сири шундаки, мазкур гўдаклар совет тадқиқотчиси Игорь Чарковский ишлаб чиққан махсус методика бўйича туғилганлар.

«Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган ҳодиса: Игорь Чарковский сувда турғуқхона очибди, болалар сувда туғилаётган эмиш! — дея ҳайратланиб таъкидладилар яқинда «Сув ва инсон онги» мавзусида Парижда бўлиб ўтган конгресс иштирокчилари бўлган олимлар. — Шу тахлитда туғилган гўдаклар сувда яшовчи жониворлардек хатти-ҳаракат қилишармиш. Инсоният бешиги бўлган Дунё океани ана шу гўдакларнинг табиий яшаш муҳитига айланиб қолармиш. Чарковскийнинг ишлари асрмианинг энг қизиқ тадқиқотларидан бири бўлиб қолади...»

Бироқ совет тадқиқотчиларининг бундай ажойиб ишлари хусусида кўп мамлакатларнинг кишилари Париждаги конгресс ўтувнга қадар ҳам китоблардан билиб олган эдилар. АҚШлик Жеральд Крамлэнд билан Ана Кошта ана шундай китоблардан бирини ўқиб, Ленинградга келдилар ва бўлажак фарзандларининг

гайритабиий шароитда — янги методика бўйича туғилишига истақ билдирдилар. Натижа эса, эрхотиннинг кутганидан ҳам яшироқ бўлди.

— Сувда туғилиш ва сувда сузишни барвақт бошлаш инсонга қуруқликда туғилишдаги қийинчилик натижасида ва бир муҳитдан иккинчи муҳитга ўтишдаги жараён оқибатида озор ейдиган қобилиятларни сақлаб қолиш имконини беради, — деб ҳисоблайди Игорь Чарковский. — Сувда гўдакнинг дунёга келиши энгил кечади, чунки қуруқликда ҳаво босими билан қаттиқ қурашишга ва куч сарфлашга тўғри келади. Бола хавфсиз, қўрқувсиз туғилади, муҳитнинг бирданига алмашинувидаги асабга таъсир этиш йўқолади, чунки гўдак она танасида суюқ муҳитда ётган бўлади-да.

Сувда туғилган ва сувда сузишни барвақт бошлаган болалар соғлом ўсадилар ва ўзларининг бошқа тенгқурларига нисбатан каттароқ кўринадилар. Совет Иттифоқида тўпланган статистика бўйича, дастлабки кунданоқ сувда сузишга ўрганган болалар бошқа болаларга қараганда уч марта камроқ касалликка чалинадилар, ақлий ва жисмоний ўсиши ҳам анча яхши кечади.

Сувда гўдакнинг туғилиши ва

сузишни барвақт бошлаши Игорь Чарковский ва унинг тадқиқотчи ҳамкасблари учун эндиликда янгилик эмас. Бугунги кунда совет олимлари яна бир гаройиб ишни олиб бормоқдалар. Яъни гўдаклар ва катта ёшдагиларнинг асабга дельфинларнинг таъсири аниқламоқдалар.

Бу ишнинг бошланиши қуйдагича юз берди: Чарковский қуруқликда яшовчи уй жониворларини одатдан ташқари ҳаётга ўргатиш бўйича кўпгина экспериментлар ўтказди. Улар хавф туғилган пайтда сувга яширинадилар, сувдан эмиш топиб еярдилар, сузардилар, шўнғирдилар, ҳатто сувда ухлардилар. Чарковский бир неча авлоддан кейин сузувчи қуёнлар, мушуклар ва ҳатто сузувчи товуқлар етиштиришга муваффақ бўлди. Энди улар болашақни ҳам, болаларини ўстиришни ҳам сувда ўтказишарди. Тажрибадан аниқланишича, сувда кун кечиришга ўтган жониворлар одатдагиларига нисбатан кучлироқ ва ҳаёт кечиришга қобилроқ бўлиб етишар экан. Ҳайрон қоларли жойи шундаки, сувда сузувчи қуёнлар, мушуклар ва товуқлар қуруқликда яшаётганларига нисбатан 2—3 марта кўпроқ яшар эканлар.

Шундай қилиб, қуруқликда яшовчи жониворларнинг ярим

умрини сувда ўтказиши яхши натижа берди. Бир муаммо олимларни ўйлантириб қўйди: қадимги сўт эмизувчи ҳайвонларнинг миллион йиллар мукаддам қуруқликда яшаганлари, кейин эса, қандайдир сабаб билан Дунё океанига қайтганлари, натижада «онгли денгизчилар» — дельфинларга айланганликларининг боиси шу эмасмикан? Дельфинлар тажрибаси қандайдир тарихда инсон учун фойдали бўла оладими?

Бу саволга жавоб бериш учун Бутуниттifoқ физиклариша илмий-тадқиқот институтининг Игорь Чарковский бошлиқ олимлари ва хавсамандлари Қора денгизда дельфинлар билан бир қатор экспериментлар ўтказдилар.

Қизиғи шундаки, дельфинлар билан учрашишни истаган ота-оналар ва болалар уларни ахтариб вақт ўтказмайдилар. Дельфинларнинг ўзлари сувда инсонларга ёндошиб келадилар ва инсонларнинг истаklarини бажо келтирадилар. Шу маънода дельфинлар гўдаклар ва уларнинг оналарини ақлга сиғмайдиган даражада овутадилар, сувда сузишга қўмақлашадилар. Дельфинлар ёрдамида бир неча аёл денгизда қўрқувсиз ва огриқсиз кўзи ёриди. Шуниси ҳам борки, туғилган гўдаклар бир неча муддат сув остида бўлдилар ва кейинроқ оналари уларни биринчи марта нафас олдириш учун юқорига кўтаришди. Дарвоқе, китсимон жониворлар ҳам шундай йўл тутадилар.

Кейинроқ маълум бўлдики, мазкур оналарда ва болаларда сувдан чўчиб туриш хисси бутунлай барҳам топди: дельфинлар қандайдир даражада денгизга муҳаббат туйғусини юктирар эканлар.

— Дельфинлар билан гўдакларнинг ўзаро муомаласини кўрган одам, уларнинг дўстлашганига кўп вақт бўлган экан-да, деган хаёлга келади, — дея эслайди Чарковский. — Гўё туғилган бола хавфли бир муҳитга эмас, ўзининг қадрдон табиатига тушганини, дўстлари орасида турганини сезади. Дельфинлар улар билан эски кадронлардек муомалада бўладилар. Улар бамисоли болаларни ўз сафларига қўшиб оладилар: гўдакларга рамхўрлик қилдилар, уларни ўйнатадилар.

Дельфинлар қай тарзда инсонлар онгига таъсир этадилар, ҳозирча бу номаълум. Тадқиқотлар эса давом этирилмоқда.

М. ДМИТРУК



# АТОҚЛИ АДИБ

Ленинобод шаҳрининг марказида шинамгина бир уй бор. Бу уйда меҳнаткаш, ўта камтар, забардаст қалам соҳиби, Тожикистон халқ ёзувчиси Раҳим Жалил яшайди. Семимли ёзувчининг хонадони ҳамаша муҳлислари билан гавжум. Чунки, Раҳим Жалил гоятда дилкаш инсон. Ташвишли болалик йиллари, ноҷорлик азоблари, эски мактабда кечган зерикарлик дақиқалар, қадимий Хўжанд атрофи қишлоқларидаги суронли воқеалар ва ниҳоят, инқилобнинг ларзали нафаси... Яна, ҳаётнинг оғир синовлари, босмачиларга қарши кураш давлари, дастлабки зарбдор беш йилликлар, меҳнаткаш халқ бошига оғир мусибат солган уруш йилларининг аччиқ фироғи, сўнгра тинч қурилиш даври, дунёда тинчликни барқарор этиш йўлидаги курашлар даври — ҳамма-ҳаммаси ёзувчи бошидан кечган, унинг ижодида ўз ифодасини топган. Дарҳақиқат, 50 йилдирки, Раҳим Жалил халқни улуглаб, тожик халқи босиб ўтган шонли йўлни шеър ва ҳикояларида, қисса ва романларида, жанговар публицистик мақола ва очеркларида акс эттириб келаётган.

Раҳим Жалил — улкан истеъдод эгаси. У 30-йилларнинг бошидаёқ адабиётда дадил қадамлар билан кириб келди. Характеридаги зийраклик, билимга ташналик, гўзалликка ошифталик унинг қўлига қалам тутиб, ўз диёри табиатининг гўзал манзараларини, замондошларининг нафис туйғуларга бой маънавий олами куйлашга даъват этди.

У дастлаб ҳаётдан олган таассуротларини, фикр ва туйғуларини қалбига жо қилиб, тинч бир шеърят гулшанини очди. Унинг шеърларида оромбахш тонлар, азим ва ўйноқи Сирдарёнинг сеҳрли мавжлари, бог ва баҳор, айниқса, Ватан туйғуси, ёшлик ва муҳаббат, она меҳри, инсон қадри алоҳида куйланади. Шоирнинг «Ғалаба тўлқинлари», «Эмирдан сўнг», «Партияга», «Менинг Ватаним», «Орау» каби шеърлари тожик адабиёти шеърятининг энг яхши намуналаридандир.

Адибнинг ўзи ёш ижодкорлар билан бўлган бир учрашувда шеър ҳақида гапириб шундай деган эди: «Шеърят — муҳаббат, гўзалликка ошиқлик, муҳаббат эса — одамийлик, меҳр ва садоқат, мардлик ва матонат!»

Ҳа, Раҳим Жалил наздида ҳаётга, инсонга бўлган муҳаббат она юртга, семимли диёрга бўлган чексиз муҳаббатдан туғилади. Шунинг учун ҳам унинг юрагидан туғилган барча шеърларда Ватанга бўлган садоқат юқори пафосда куйланади. Жўшқин мисраларда энг ёрқин ҳислар, олам сеҳри, унинг бетакорр жозибаси, ёқимли изтироблар, жуда сеғир келбгана ҳис эта оладиган оний ҳолатлар ёрқин ифодаланади.

Серкирра ижодкор ранг-баранг жанрларда ижод қилади. Адибнинг лирик шеърлари, баллада ва драмалари, долларб мавзуларда ёзган ҳикоялари, оташин публицистикаси совет адабиётинида ўзига хос ўрин тутди. Бироқ ёзувчи ижодининг характери томони шундаки, унинг асарларида тожик халқи ҳаёти, тарихий воқеалар атрофича таҳлил ва таълиқ қилинади. Бошқачароқ айтганда, у ўз асарларида тожик халқи маънавий оламиининг муҳим хусусиятлари, бу халқ ҳаётидаги буюк ўғаринларини тарихий давр лавҳалари орқали бадиий инъикос этади.

Шуни алоҳида таъкидламоқ керакки, ишчи образини тўлақонли яратиб, интернацио-

нал дўстлик ва қардошлиқ ғояларини тараннум этиш ёзувчи ижодининг бош планида туради. Раҳим Жалил ижодида адабиётимизнинг энг зарур бу мавзуси алоҳида ўрин тутиши ҳаёт заминига эга. Чунки, тарихдан бизларга маълумки, тожик ишчилар синфи дастлаб Хўжанд шаҳрида шаклланди. Улар кимлар? Семимли ёзувчимизнинг ўз таъбири билан айтганда, бу муҳтарам зотлар Раҳим Жалилнинг энг яқин кишилари, таниш дўстлари, қариндошлари, ёр-биродарлари эди. Шунинг учун ҳам ёзувчи ўз қаҳрамонларини аллақайлардан излаб юрмайди. Кўрган-кечирганларини, бошидан ўтган воқеаларни асарларига асос қилиб олади. Мухими шундаки, Раҳим Жалил жимжимдорлик, ортиқча бўёқ, янгича шакл излаб ўтирмайди. Содда, ширали тил билан ёзади. Халқ тили — унинг жони-дили. Беҳашам иборалар, ҳаётий лавҳаларнинг соддагина тасвири китобхон қалбига жуда тез етиб боради ва обрў-эътибор топади.

Раҳим Жалил — чиндан ҳам кўп миллатли совет адабиётининг заҳматкашларидан бири. У ҳамюрт ижодкор дўстлари Мирзо Туреунзода, Мирсаид Миршакар, Сотим Улуғзода, Жалол Иқромий, Фотех Ниёзий ва бошқалар қаторида тожик адабиёти хаазинасига ажойиб асарлар тақдим этди. Раҳим Жалилнинг «Пўлат ва Гулрў», «Шўроб», «Кўнгил мулки» каби йирик асарлари ёзувчи ижодининг етуклик босқичдан нишона. Винобарин, Мирсаид Миршакарнинг адиб ҳақида: «Таланти эътироф этилган устоз Раҳим Жалилнинг йирик бадиий асарлари бизнинг кўп миллатли адабиётимизни бойитишга катта ҳисса қўшди» деб, айтган фикрлари гоят ўринлидир.

Раҳим Жалил ижодида ҳикоя жанри ҳам катта ўрин тутди. У кичик ва ихчам ҳикояларида ҳозирги даврнинг долзарб масалаларини кўтариб чиқади. Масалан, адиб «Иккинчи умр», «Ватан ҳиди», «Фалақининг гардиши», «Фарход ва Ширин», «Санобар», «Шоир қалби», «Икки учрашув» каби драма ва ҳикояларида совет кишининг характери, унинг гўзал руҳий дунёсини кўрсатишга алоҳида эътибор беради. Ёзувчининг мазкур асарларида ҳаётбахш юмор кучли. Лекин, адибнинг турли жанрларда ёзилган асарларига хос асосий хусусият чуқур партиявий руҳдир.

Ишчи ҳазрати олийлари образини яратиб бўйича ёзувчининг уч жилдли «Шўроб», икки жилдли «Кўнгил мулки» асарлари муҳим аҳамиятга эга. Айниқса, «Шўроб» романи ёзувчига катта шухрат келтирди. Бу асар совет адабиётининг энг яхши намуналари қаторида баҳоланди, ушбу асари учун адиб Абу Абдулло Рудакий номидаги Тожикистон Давлат муқофотига сазовор бўлди. Дарҳақиқат, «Шўроб» романида интернационализм ғояси кенг қўламда тасвирланади, яъни ишчилар синфи онгининг шаклланиши ва синфий ҳамжиҳатлик мазкур асарда турли халқ вакиллари образи орқали акс эттирилади.


Асар воқеаси асосан Помирдан бошланади. Сўнгра Исфаҳ ва Хўжандда, Оренбург, Москва, Тошкент, Қарағанда шаҳарларида бўлган тарихий ҳақиқат билан боғланиб, динамик характер касб этади. Романда акс эттирилган воқеада турли миллатга мансуб 200 дан зиёд персонаж иштирок этади.

Ёзувчининг «Кўнгил мулки» асари ҳам кенг китобхонлар қалбидан жой олгандир.

Бу романини ҳар бир инсон адибнинг Ленинобод ва унинг ён-атрофидаги қишлоқлар тарихини нечоғли пухта билишига амин бўлади. Ёзувчи бу романида барҳаёт инсонларнинг умр йўллари, тақдирлари, бахт ва истиқболлари ҳақида завқ-шавқ билан ёзади.

Халқ орасида, қаламкаш дўстлари орасида Раҳим Жалилнинг обрў-эътибори катта. Ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида ижод қилувчи адиб Ҳожи Содик бир суҳбат чоғида ўзгача гурур билан шундай деган эди:

— Раҳим Жалил — халқини севган адиб. У Камол Хўжандий, Тошхўжа Асирий, Ҳожи Юсуф, Ҳаким Қарим ижодини чуқур ва синчиклаб ўрганган, Ҳофиз Шерозийга чексиз ҳурмат қўйган, устод Айний ижодини жонидан ҳам севувчи ижодкор. Шу билан



биргалликда менга ўхшаган ўнлаб ленинободлик ижодкорларнинг мўътабар устози, мураббийси. Хусусан, Абдумалик Ваҳорий, Муҳиддин Фарҳат, Аъзам Сидқий, Овод Амминоза қабилар Раҳим Жалил дарсхонасида таълим олганлар.

Вутунитифоқ ёзувчиларининг I съезида делегат бўлиб иштирок этган, тожик совет адабиётига улкан ҳисса қўшган семимли ёзувчимиз 75 ёшга тўлди. Аммо у ҳали бардам, тетик. Халқимизнинг ардоқли адиби Раҳим Жалил ўтган йили СССР Ёзувчилар союзининг 50 йиллиги катта шодиенасида ҳам қатнашиб, анжумандан бир олам илҳом олиб қайтди. Аъло кайфият билан ўзининг ижодкор дўстлари, шоғирдлари сафида барқали ижод қилаётган.

1984 йил адиб учун қувончли йил бўлди. Партия ва ҳукуматимиз Тожикистон ССР халқ ёзувчиси Раҳим Жалилнинг меҳнатини юксак баҳолаб, уни Ленин ордени билан тақдирлади. Меҳнат Қизил Байроқ, Ҳурмат белгиси орденлари ва бир нечта жанговар медаллар қаторига Ватаниннинг яна бир олий муқофоти қўшилди.

Ўзбек ва тожик китобхонларига бирдек ардоқли, семимли ёзувчимизни муборак 75 ёши билан қизгин табриклар эканмик, унга Жамбул умрини тилаймиз. Ижодий ишларига омадлар ёр бўлсин, қаламларидан тўқилган ҳар бир сўз қардошлик ҳақида қўшиқ бўлиб янграйверсин!

**Б**УГУНГИ кунда дери-миз санъат мухлислари орасида бу ёш хонандани билмаган, унинг ашуларини берилиб тингламаган, ширали овозидан юраги жизилмаган кўшиқ шинавандаси кам топилди.

Насиба санъат оламига ўзининг ёқимли овози билан дадил кириб келмоқда. У гўзал, тиниқ овозга эга. У айтаётган кўшиқлар ижросида, оҳангида фақат Насиба-хонанига хос услуб, жозоба бор. Хоҳ радиодан, хоҳ магнитофондан эшитинг, унинг овозини бошқа хонандалар билан адаштирмайсиз.

Насиба ҳали Самарқанддаги 20-мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ санъатга ихлос қўйди. Унинг санъатдаги йўли мактаб бадий-хаваскорлик тўғрисидаги бўшланди. Санъатсевар қиз шахар офицерлар уйдаги музика студиясига қатнаб, шу ерда бошлангич музика маълумотини олди. 1978 йили ўрта мактабни битиргач, шу мактаб бошлангич синфларида музикадан дарс бериш билан бирга Насиба биринчи бор ўз кўшиқларини аккордеон жўрлигида ижро эта бошлади. Кўп ўтмай уни Самарқанд Давлат филармониясига ишга таклиф этишди. 1979 йилнинг январидида область филармонияси қошида Абдуллаевлар ансамбли ташкил топди.

Баҳром Абдуллаев раҳбарлигидаги олти кишидан иборат бадий коллектив ижодий фаолиятининг бошиданоқ оригиналликка, ўзига хосликка интилди. Бу ансамбль бир жиҳатдан замонавий эстрада гуруҳларига ўхшаб кетарди, лекин услуби ва репертуари билан этнография ансамбллари яқин турарди. Насиба Абдуллаева асрлар давомида халқ авайлаб, асраб, қалб мулкига айлантириб келаётган ўзбек кўшиқларини бутун жозибаси, миллий руҳи, оҳанги, эмоционалликни тўла сақлаб қолган ҳолда янги замонавий чолғу йўлларига мослаб сайқал бериш, анъанавий ва электромузика чолғулари жўрлигида ижро этиб, тингловчига янги тусда етказиш йўлидан борди. Самарқандда бўлиб ўтган Халқаро музикашуносларнинг I ва II симпозиумлари, марказий телевидениенинг «Халқ ижоди» кўрсатувларидаги чиқишлар, «Песня-80» ва «Мархабо талантлар!» телефестивалларида иштирок этишлар коллективнинг шу йўлдаги машқларида янги бир рағбат бўлди. Ана шу янги эстрада-этнографик йўналишдаги самарали меҳнат бугунги кунда ансамблга ҳам, унинг хушовоз хонандаси Насиба Абдуллаевага ҳам муваффақият келтирмоқда.

Дарҳақиқат, халқ маданият меросини, ўзига хос нафосатга, бой анъаналарга эга бўлган ўзбек халқ кўшиқчилиги санъати наму-

# НАСИБА КУЙЛАЙДИ

наларини сақлаб қолиш, улардан унулиб фойдаланиш ва замон руҳи билан бугунги талабчан халқимизга манзур қилишдек, бу билан ўзбек анъанавий ашуларини тингловчилари доирасини янада кенгайтиришдек олижаноб ижодий ишда коллективнинг хизматлари қимматлидир.

...Самарқанд шахрининг Яшил театри сахни мухлислар билан лиммо-лим. Ҳали бинога яқинлашмасингиздан ортиқча билет сўрайдиган кўшиқ шинавандаларининг сон-саногри йўқ. Ҳа, ҳам-шаҳарларимиз Самарқанддан чиққан ва халқ орасида ана шундай обрў-эътибор қозонган хонанданинг санъатидан баҳраманд бўлишга келишган... Куй ниҳоясига етади. Конференсье навбатдаги номерни эълон қилгани чиққанда ҳам қарсақлар гулдуроси тинмайди. Кейинги кўшиқ эълон қилинади. Хонанда яна саҳнага чиқади.

Сумбула-ю, сумбула  
Ўраб олай гул билан,  
Менинг кўнглим сен билан, хой,  
Сен кетарсан ким билан?  
Қадамнингда гуллар очилсин...

Айтишларича, «Тановор» туркумига кирувчи бу кўшиқ тарихи

асримиз бошига бориб тақалади. У 1912 йилда марғилонлик кўшиқчи Адолатхон томонидан яратилган бўлиб, халқ орасида то шу кунгача куйланиб келинади. Бу кўшиқ хамиша ўтмишда тўрт девор орасида ҳақ-хуққусиз яшаб, ўз севганига эришолмаган лайлисифат маъшуканинг юрак нидолари бўлиб янграйди.

Насиба кўшиқни берилиб, юрак-юракдан куйлайди. У гўё ўзи учун, ўзининг эришолмаган дардларини ифодалаш учун куйлаётгандай туюлади. Унинг концертларини яхлит бир спектакль ёхуд адабий-бадий кеча дейиш мумкин. Кўшиқлар орасидаги паузаларда конференсье — санъатшунослик каниддати Бурхон Исомов навбатдаги ашула тарихидан бир шингил сўзлаб беради. Кўшиқнинг дебочаси сифатида тўртлиқлар ўқийди. Бу нарсани куйланаётган кўшиқнинг мазмунини томошабинларга тўлароқ етказишга, таъсирчанлигини янада оширишга хизмат қилади.

Насиба куйлаётган кўшиқларнинг эл орасида оммавийлашиб кетишида бадий коллективнинг хизматлари каттадир. Қисқа вақт ичида бу ансамбль жўрлигида Тошкент грампластинкалар заводи томонидан «Насиба Абдуллаев-

ва» ва «Самарқанд инструменталь ансамбли» номли кўп тиражилик иккита катта ва олтинга кичик пластинка наشرдан чиқарилди. Бадий коллектив «Давра-мига мархабо!» телевизион конкурсининг лауреати бўлди, республика Маданият министрлиги ва Самарқанд область комсомол комитетининг фахрий ёрлиқлари билан тақдирланди. Ўзбекистон телевидениеси ақинда Насиба Абдуллаева ва Абдуллаевлар ансамбли иштирокида янги видеофильми намойиш қилди.

Ансамбль ўз фаолиятини дастлаб Хоразм халқ кўшиғи «Лазги»ни электромузика чолғу асбоблари уйғунлигида ижро этишдан бошлаган эди. Кейинчалик «Муножот», «Тановор», «Вари гал» каби ўзбек халқ кўшиқлари ҳам ансамбль репертуаридан муносиб ўрин олди. Эндиликда коллектив репертуарида озарбойжон, афғон ва бошқа халқларнинг кўшиқлари ҳам бор. Ўзбек совет композиторларининг «Онажон», «Ўрик гуллаганда» каби кўшиқлари эса ансамблнинг ижодий изланишларида янги бир саҳифани очди. Кейинги пайтларда коллектив янги, оригинал ашулар ҳам ўрганаётди.


— Насибохон, сизнинг репертуарингизда ўзбек классик кўшиқларини ҳам, қардош халқлар ашуларини ҳам, совет композиторларининг асарларини ҳам учратиш мумкин. Қандай кўшиқлар айтишни кўпроқ ёқтира-сиз? — деб савол берамиз сеvimли хонандага.

— Мен халқ кўшиқларини жуда севаман. Классик ашулар халққа жуда яқин, улар халқимизнинг ўтмиши, орузлари, нурли келажак учун курашлари билан чамбарчас боғлиқ. Халқ кўшиқларининг миллий колоритини сақлаб қолган ҳолда уларни янги пардалар билан бойитиб, яна халққа тақдим этиш ва шу билан кўшиқ мухлисарига завқ бағишлашни ўзимнинг ва бутун коллективимизнинг асосий вазифаси деб биламан.

— Ҳар бир янги кўшиқни қанча вақтда тайёрлайсиз?

— Бу саволга аниқ жавоб бериш қийин. Ҳар қайси кўшиқ ижрочидан сабр-тоқат ва меҳнат талаб қилади. Кўшиқнинг қанча вақтда тайёрланиши бу ашуланинг санъаткор қалбига қай даражада яқинлиги ва дилига қанчалик етиб борганлигига ҳам боғлиқ, деб ўйлайман. Шунга кўра, баъзи кўшиқларимиз бир неча ҳафта ичида тайёрланса, бошқаларини халқ орасига олиб чиқиш учун ойлар, ҳатто йиллар керак бўлади.

Ҳа, Насиба Абдуллаева ўз орузлари томон дадил қадам ташлаб бормоқда, бу йўлда тинмай меҳнат қилмоқда. Насиба билан суҳбатимизни тугатар эканмиз, унга яна ҳам баркамоллик, кўшиқларига яна ҳам жаранг тилаймиз.



Расми Х. Лутфуллаев чизган

САНЪАТ

Рустам МИРЗАЕВ

## ИШОНЧ ЕШЛАРИ

Еш тўкмади,  
Тишларини қайраб,  
Ичга ютди алам ёшини.  
Ер қаърига «Алвидо!» деб узатганда  
Тишини қисди  
Гудак она жасадини эмиб ётганда.  
Тишин қисди,  
Инграмади сийнасини ўқ тешиб ўтганда.  
Гоҳ олға,  
Гоҳ чекинишлар  
Қотирди — тош этди дийдасин.  
Гоҳ рўй-рост,  
Гоҳ бекинишлар  
Қотирди — тош этди дийдасин.  
Қонли майдон,  
Қонли йўллар  
Иродасин қилди имтиҳон.  
Гоҳ атака,  
Гоҳ окопда  
Кечган йиллар  
Иродасин қилди имтиҳон.

Кўкракларда қатор-қатор орден, медаль,  
Ваҳодир чоллар.  
Бугун улар шарафига ларза берар  
Гуркираб заллар.  
Қуролдошлар  
Қуролдошлар  
Сийнасига отар ўзларин.  
Тиёлмаслар ҳисларин,  
Тиёлмаслар, эвоҳ, кўз ёшларин.  
Долғаланди  
Юракларнинг туби-тубида  
Бугун бардошлар.  
Бугун сел-сел дийдаларда  
Музлаб ётган аччиқ кўз ёшлар.  
Майли, кўмсин мавжларига  
Бу дунёни қувонч ёшлари.  
Тўжилган қон,  
Отилган ўқ  
Бадалига ишонч ёшлари.  
Майли, бугун тўйиб-тўйиб бўзлашсинлар  
Ваҳодир чоллар.  
Кўз ёшлари тилга кириб, сўзлашсинлар  
Ваҳодир чоллар.

## ЕШЛИГИМ

Соқол-мўйловимни силаб тарайсан,  
Жажжи қўлчаларинг ёқимли бирам.  
«Бува, нечун оқарди?» деб сўрайсан,  
Ай, бийрон набирам, синчков набирам.  
Боисин сўзлайин, майли, қулоқ сол,  
Йиллар оқартирди соқолим, йиллар.  
Йиллар ўтди-кетди эсан шамолдек,

Фақат йўллар қолди, тўфонли йўллар.  
Эльба соҳилига туташган йўллар,  
Ешлигим тўфонли йўлларда қолди.  
Йўлимга интизор чўзилди қўллар,  
Ешлигим чўзилган қўлларда қолди.  
Сталинградда, Донда... сен билмайсан, йўқ,  
Кеча-кундуз қиргин, кеча-кундуз жанг.  
Бобонгни қулатди ўқ кетидан ўқ,  
Фашизмга бериб шафқатсиз жазо,  
Берлинда байроқни тикканда голиб,  
Ешлигим жаҳонга бўлган овоза,

Ешлигим дунёга кетди таралиб.  
Ешлигим Волгада мавж уриб оқар,  
Ешлигим қулф урар Дон қирғоғида.  
Украин, белорус еридан боқар,  
Ешлигим бугдойкор қиз қучоғида.  
Қандолатлар тоти, ноннинг мазаси  
Бобонг ёшлиғидир, бобонг ёшлиғи.  
Муаттар гулларнинг энг соф тозаси  
Бобонг ёшлиғидир, бобонг ёшлиғи.

Урганч



М. Абдуллаев. ТАНОВАР.



## СЕНТЯБРДАН ЯНГИ МАТЧ...

Маълумки, шу йил 15 февраль кuni бўлган матбуот конференциясида Жаҳон халқаро шахмат федерациясининг (ФИДЕ) президенти Флоренсио Кампоманес Анатолий Карпов ва Гарри Каспаров ўртасида дунё биринчилиги учун давом этаётган матчни тўхтатиш ҳақидаги ўз қарорини, шунингдек, 1985 йил сентябрь ойи бошларида бу икки забардаст гроссмейстернинг янги матчи ўтказилишини, бу синовда ғалаба қозонган шахматчи 1985—1986 йиллар жаҳон чемпиони деб эълон қилинишини айтди. Маз-

кур матч жуда узоқ — беш ойдан кўпроқ давом этганлигини, иккала гроссмейстер ҳам ниҳоятда толиқиб қолганлигини ҳисобга олиб, шундай қарорни қабул қилганлигини таъкидлади. Шундан бери ўтган вақт ичида шахмат мутахассислари ва мухлислари матчда А. Карпов ва Г. Каспаров томонидан ижод этилган 48 партиянинг ҳар бирини қайтадан ўрганмоқдалар, тадқиқ қилмоқдалар.

«Карпов ҳам, Каспаров ҳам бу матчда ўзларини тўласича бахш этдилар, ҳар бир партиядо чўққи-

ни эгаллашга интилдилар, — дейди ФИДЕ президенти Ф. Кампоманес. — Назаримда, уларнинг шарофати билан фарзин гамбитига, ҳеч бўлмаганда, бу гамбитнинг бир қанча вариантларида «қўриқ жойлар» қолмади».

«Матч иштирокчилари юсак маҳорат намуналарини намойиш қилдилар. Ҳа, хатолар ҳам бўлди, лекин ҳаммаша, ҳаммада, барча мусобақаларда бундай хатолар учрайди. Бугунги кунга келиб, шахматда ғалаба қозониш жуда кийин бўлиб қолди, ахир», — деди матчнинг бош арбитри югос-

лавийлик гроссмейстер Светозар Глигорич.

Дарҳақиқат, А. Карпов — Г. Каспаров матчи ғоят қизиқарли бўлди. Уни нисбий равишда уч босқичга бўлиш мумкин. Биринчи босқичда жаҳон чемпиони устунлиги аниқ сезилиб турди. Иккинчи босқични «дуранг»лар силсиласи ташкил этади. Учинчи босқичда даъвогар ташаббусни ўз қўлига олди. ФИДЕ президенти матчни тўхтатиб қўйганда, қирқ партия дуранг натижа билан тугаган, 5 партияда А. Карпов, 3 партияда Г. Каспаров галабага эришган эди.

Матч давомида жаҳон чемпиони ҳам, даъвогар ҳам шахмат назарияси ва амалиёти тараққийсига муносиб ҳамаси қўшдилар, бу донишмандлик ўйинини янгича дебют гоаялари билан бойитдилар. Хар бир партия муайян дебютга янгиллик ёки тахрир киритди. Асримизнинг икки етакчи гроссмейстери ўртасидаги ижодий баҳсда қўлланилган янгилликларни шахмат олами синчковлик билан кузатиб борди ва уларни муносиб баҳолади. Карпов — Каспаров матчи билан бир вақтда мамлакатимиз, шунингдек, халқаро миқёсда ўтказилган турли мусобақаларда бу икки шахматчи ижодига мансуб янгилликлардан кенг ва самарали фойдаланганлиги шунки кўрсатади.

Матчда ўйналган бир қанча партиялар мазмунан чуқурлиги, фантазияга бойлиги билан муҳлислар олқишига сазовор бўлди. 6-, 9-, 27, 32-, 48-партиялар ҳақида худди шундай дейиш мумкин.

Қуйида А. Карпов ва Г. Каспаров ўртасидаги матчининг 48-партиясини, унга халқаро гроссмейстер А. Суэтин ёзган шарҳлар билан биргаликда келтирамиз: Г. КАСПАРОВ — А. КАРПОВ

Рус партияси

1. e4 e5 2. Kf3 Kf6 3. K:e5 d6 4. Kf3 K:e4 5. d4 d5 6. Cd3 Ke6 7. o—o Se7 8. c4 Kf6 9. Kc3 o—o 10. b3. Бу ўзига хоё юриш қоралар фили d4 хонасига суриллишининг олдини олади ва шу йўл билан уларнинг қарши ўйинини чеклаб қўйди. 10. ...dc 11. C:c4 Ka5. 12. C d3 Ce6 13. Le1 Ke6 14. a3 a6 15. Cf4 Fd7 16. Ke5

Аспнинг бу юриши оқлар марказда ва шох қанотида хужумга ўтиши учун берилган буйруққа ўхшайди. 16. ...K:e5 17. de Kd5 18. K: d5 C: d5 19. Fe2 g6 20. Lad1 c6 21. Ch6 Lfd8 22. e6

Пиёда бераётган зарба ғоят кучли: бу, оқларга рақиб шохи

қанотини заифлаштириш имконини беради. 22. ...fe 23. C: g6 Cf8 24. C: f8 J1: f8 25. Ce4 Lf7 26. Le3 Lf7 27. Lld3

Бу юриш содда кўринса ҳам, жиддий таҳдид солади. Чунки оқлар ўйини: 28. Lg3 тарзида давом эттириб, қора шохга хавфли хужум уюштириши мумкин. 27. ...Lf8 28. Lg3 Kph8


Мабодо, қоралар: 28. ...Ll8f7 тарзида дона сурса, оқлар: 29. C: h7+ тарзида жавоб берар ва хужумни тўхтовсиз давом эттириши ҳолда, харифнинг бир пиёдасини нобуд қилар эди. Лекин қораларнинг бу юриши ҳам мушкулни осон қилмайди. Чунки a1—h8 диагонали улар учун «бехосият» бўлиб қолди. 29. Fe3 Lf7 30. LDe3 Kpg8 31. Fe5!

Қоралар тўғридан-тўғри таҳдид остида қолмоқда: 32. L: g7+ J: g7. 33. Fb8 Kpf7 34. Lf3+ ва қора шох мотга олиб борувчи хужумга дуч келади. Қоралар хавфни даф этиши жуда кийин. 31. ...Fe7 32. L: f7+ J: g7. 33. C: d5 Fe5 34. C: e6+ Fe6 35. L: e6 Ld7. Кўриб турганингиздек, ўйин охирида оқлар бир пиёда устунлигига эга. 36. b4. Балки, 36. Le2 тарзида юриш маъқулроқ эди. Энди қоралар фарзин қанотида маълум даражада қаршилик кўрсатиши мумкин. 36. ...Kpf7 37. Le3 Jd1+ 38. Kp h2 Lc1 39. g4 b5 40. f4 c5 Шу ҳолатда Г. Каспаров ўзининг 41-юришини ёзиб қўйди. Партия қуйидагича давом этди: 41. b:c (ёзиб қўйилган юриш). L:c5 42. Ld3 Kpe7 43. Kpg3 a5 44. Kpf3 b4 45. ab ab 46. Kpe4 Jb5 47. Jb3 Jb8 48. Kpd5 Kpf6 49. Krc5 Le8 50. J: b4 Le3 51. h4 Lh3. 52. h5 Lh4 53. f5. Jh1 54. Kpd5 Jd1+ 55. Jd4 Le1 56. Kpd6. Le8 57. Kpd7 Jg8 58. h6 Kpf7 59. Jc4 Kpf6 60. Le4 Kpf7 61. Kpd6 Kpf6 62. Le6 Kpf7 63. Le7+ Kpf6 64. Jg7 Jd8+ 65. Krc5 Jd5+ 66. Krc4 Jd4+ 67. Krc3. Қоралар таслим бўлди.

Таъкидлаш керакки, А. Карпов — Г. Каспаров матчи шахмат тарихидаги ёрқин саҳифалардан бўлиб қолади. У совет шахмат мактаби камолотининг ўзига хос намойишига айланганлигини нуфузли шахмат мутахассислари ҳақли равишда уқтирмақдалар.

Шундай қилиб, шу йилнинг сентябрь ойи бошларида сайёрамизнинг икки етакчи гроссмейстери ўртасида янги матч бошланади. Шахмат баҳси давом этади.

М. ШЕРҚҲҲЛОВ



## КРОССВОРД

Энига: 5. Атоқли совет олими, Ўзбекистонда математика мактабининг асосчиси. 8. Ёгочсоз хунарманд, уста. 9. Ўзбек халқ достони. 12. Механик «одам». 14. Хўл мева. 18. Ўзбек халқ бахшларидан бири. 19. Қишлоқ хўжалиги техникаси. 20. Ер қимирлашини аниқловчи асбоб. 21. Халқ амалий санъати турларидан бири. 24. Сўз туркуми. 26. Ватанимиз космонавт учувчиси. 27. Ола-тарғил човқар от. 29. Еввойй ўт. 32. Замбуруғларнинг махсус бир тури. 33. Музыка асари жанри. 34. Оқшом гули.

Бўйига: 1. Болгария жанубидаги шаҳар. 2. Тожикистондаги санаторий. 3. Африка шимолидаги давлат. 4. Ута чидамли, толали минерал. 6. Оптик асбоб. 7. Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романи қахрамони. 10. Узум нави. 11. Спорт ўйини. 13. Қозоғистон ССРдаги область. 15. Совет авиаконструктори. 16. Гул тури. 17. Транспорт воситаси. 18. Тошкент областидаги шаҳар. 22. Адабий жанр. 23. Қардош миллат. 25. Углеродлардан бири, минерал. 28. Бугдой нави. 29. Актёр. Ўзбекистон халқ артисти. 30. Урта Осиёдаги тизма тоғ. 31. Босма нашрлар мажмуи.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ

## 2-СОНДА БОСИЛГАН КРОССВОРДНИНГ ЖАВОБИ

Энига: 5. Жамила. 6. Зайтун. 9. Мисранг. 11. Каучук. 12. Заргар. 16. Ҳожимукон. 18. Каноп. Ҳикоя. 20. Вьетнам. 21. Вавиллов. 25. Гўйна. 26. Қобул. 27. Ботвинник. 30. Байкал. 33. Танбур. 34. Автобус. 35. Пайғом. 36. «Чоргоҳ».

Бўйига: 1. Вамбук. 2. Олтин. 3. Майна. 4. Зумрад. 7. Арғумок. 8. Пашмак. 10. Саидов. 13. Ломоносов. 14. Котовский. 15. Горький. 17. «Дилором». 22. Чўртан. 23. Криптон. 24. Қундуз. 28. Ҳайкал. 29. Райхон. 31. Автол. 32. Қулон.

## Бosh редактор МИРМУҲСИН

Редакколлегия: С. АЗИМОВ, Б. АМИНОВ, Н. ИБРОҲИМОВ (bosh рассом), М. МЎИДИНОВ, А. САИДУМАРОВ, С. ШЕРМУҲАМЕДОВ, А. ҚАЮМОВ, М. ҚЎШМОҚОВ (масъул секретарь), И. ХАЙДАРОВ, О. ҲУСАНОВ (bosh редактор ўринбосари), Ҳ. ҲУСНИДИНХУҲАЕВ, К. ЯШИН.

«Гулистон» — ежемесячный, общественно-политический, литературно-дожественный журнал ЦК КП Узбекистана (на узбекском языке).

Адресимиз: 700000, Тошкент — II, Ленин кўчаси, 41.

Редакция телефонлари: бosh редактор — 333520; бosh редактор ўринбосари — 333590; масъул секретарь — 325833; ижтимоий-сиёсий бўлим — 333602; адабиёт ва санъат бўлими — 333659; фан ва маданият ҳамда рассомлар бўлими — 325832.

Босмахонага туширилди 19.2.85 й. Босишга рухсат этилди 25.03.85 й. P-11153 Когоз 70x108 1/8. Ботик усулда босилди. Фотонабор. Шартли босма тобоқ 5,6. Нашр ҳисоб тобоги 7,80. Тиражи 211862. Вуюртма 81. Нашр А-112.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000, Тошкент, ГСП, «Правда Востока» кўчаси, 26. +

## МУҚОВАДА:

Биринчи бет: ЎзССР халқ рассоми Лутфулла АБДУЛЛАЕВ. Доҳий баҳорати.

Тўртинчи бет: В. ПЕТРОВ. 1. Биринчи йил ҳосили. 2. Чўл солномаси.

Редакцияга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар авторларга қайтарилмайди.

Журналдан олинган материалга «Гулистон»дан олинди, деб кўрсатилмиш шарт.



Тошкент Тўқимачилик комбинатининг ишчиси, СССР Олий Совети депутати Кароматхон Еқуббоева 1985 йилги шахсий планини тўлдириб, 1986 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда.

Тошкентдаги «Қизил тонг» тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмасининг тикувчилари Гулнора Мирбобоева билан Шоҳида Қурбонқуловалар 1986 йил ҳисобига иш бажармоқдалар.

А. Тўраев фотоси.

